

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент Кимё – Технология институти

“Фалсафа ва маънавият асослари” кафедраси

“МАРКАЗИЙ ОСИЁ ФАЛСАФАСИ, УНИНГ ЖАҲОН МАДАНИЯТИДАГИ ЎРНИ”

мавзуси бўйича услубий Ўқланма

(бакалаврлар учун маъруза ва амалий машғулотлардан фойдаланишга
мўлжалланган)

Тошкент – 2010

Услубий Ўлланма фалсафа фанидан талабаларнинг Марказий Осиё фалсафаси, унинг жапон маданиятига таъсири мавзуси юзасидан Патор маълумотларни самарали ўзлаштириб олишларида муҳим назарий-илмий услубий алоҳият касб этади. Бу эса, талабаларни юртимизда энг алоҳий даврдан бошлаб токи Темурийлар давригача бўлган ижтимоий-маданий алоҳият, диний-фалсафий тафаккур ривожини, унинг ўзига хос томонлари, буюк файласуф – алломалар илмий –диний меросини, улар амалга ошириб кетган эзгу яратувчилик ишлари каби муҳим маълумотлар билан таништиришда катта рол ўйнайди. Чунки, бундай билимларга эга бўлиш ёшларнинг ўз тарихий-ижтимоий, фалсафий меросини ўзлаштириб олишлари улар онгини ва алоҳиятини маънавий озиқлантиришда, алоҳиятнинг давр таъсирига эҳтиёткорлик билан вазибалар моҳиятини тушуниш ва амалга оширишда зарурдир. Услубий Ўлланма Фалсафа фанидан 2004-йил Олий таълим вазирлигини томонидан тавсия этилган намунавий дастур асосида тайёрланди.

“Ўз тарихини билмайдиган, кечагини кунини унутган миллатнинг келажакини йўқ”.

“Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизациясини бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табарруқ заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда тугилиб камолга етган улуг алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.”

**Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Кириш

Инсон зотининг муҳим белгиси унинг тафаккур қила олиши билан боғлиқдир. Тафаккурнинг юксак шакли фалсафий мушоҳадаликда кўринади. Фалсафий тафаккур шахс дунёқарашини теранлаштиради. Дунёқараш теранлиги инсоният ўтмиш тарихий илдизларини нақадар англаш билан бевосита боғлиқдир. Инсоният тарихи маълум бир халқлар тарихидан бошланади ва ташкил топади. Шу маънода ўз тарихини билиш ва англаш ҳар бир халқнинг бугуни ва келажагини тушуниш ҳамда кўра олиш имконини беради. Фалсафий тафаккур тарихий тафаккурдан яъни, ўзи ва ўзгалар ўтмиш тарихий -иҷтимоий ҳаётини билиш ва ундан тўғри умумий хулосалар чиқариш салоҳияти билан характерланади. Биз ана шундай салоҳиятга миллат сифатида мустақиллик туфайли эришдик. Зеро, И.А.Каримов “Юксак маънавият- енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек, “ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган. ...Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг муқаддас хокларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур Мирзо ва бошқа улуғ бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларда қоришиб ётган эди”? Демак, эндиликда ўз тарихий, маънавий-маданий меросимизни тиклаш, уни авайлаб асраш, буюк алломаларимиз номларини улуғлаш, уларнинг асарларини ўрганиш ва шу асосда маънавий-фалсафий дунёқарашимизни узликсиз бойитиб бориш эзгу мақсадларимиздан бири бўлиб қолаверади. Бутун дунёга машҳур бўлган Марказий Осиёлик буюк алломаларимизнинг илмий ва фалсафий қарашларини ўрганиш шундан дарак бермоқдаки, умуминсоний фалсафий тафаккур ривожига уларнинг белгиловчилик таъсири юксак бўлганлиги бугунда барчага маълумдир. Шу маънода Марказий Осиё фалсафий тафаккур тарихини ўрганиш нафақат ўзлигимизни англаш шу билан бирга

умуминсоният фалсафий меросини тушунишга ҳам имкон яратади. Зеро, Марказий Осиё фалсафаси ва умумбашарият фалсафий тафаккури ўзаро таъсирда бўлганлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Ушбу услубий кўрсатма бакалавур босқич талабаларига мазкур мавзу юзасидан амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш ҳамда мустақил ишлар олиб бориш учун мўлжалланган бўлиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2004 йил фалсафадан тавсия этилган намунавий дастури асосида тузилди. Намунавий ва ишчи дастурга мувофиқ “Марказий Осиё фалсафаси” мавзусидан 2 соатлик маъруза ва 4 соатлик амалий машғулот дарси белгиланган. Талаба ана шу 4 соатлик машғулотда мазкур мавзу юзасидан ўз билимларини намоён қила олиши ва уни сифатини аниқлашга эришиши учун мавзудаги масалаларнинг қайси жиҳатларига асосий эътиборни қаратиши ва нималарни эсда тутиши зарурлигини билиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўйлаймизки, ушбу услубий маслаҳат бу борада талабаларга Марказий Осиё халқлари табиий –илмий, ижтимоий – фалсафий тафаккур тарихини, унинг ривожини оптимал ўзлаштириб олишларида илмий, ўқув – услубий жиҳатдан ёрдам беради. Маъруза ва амалий машғулотлар учун режани қуйидагича тузиш мумкин:

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ФАЛСАФАСИ, УНИНГ ЖАҲОН МАДАНИЯТИДАГИ ЎРНИ. (4 соат)

1. Марказий Осиёдаги энг қадимги фалсафий қарашлар.
2. Илк ўрта асрлар фалсафасининг моҳияти ва хусусиятлари.
3. Ислом ва Калом фалсафаси. Диний бағрикенглик: Мотрудий, Бухорий, ат Термизий, Марғиноний.
4. Тасаввуф ва унинг тариқатлари.
5. Ўрта аср мутафаккирларининг табиий –илмий, ижтимоий-фалсафий қарашлари.

6. Темур ва темурийлар даври фалсафаси.

1масала. Тарихни фалсафасиз тўғри тушуниб бўлмагани каби, фалсафани ҳам тарихсиз тўғри англаб бўлмайди. Шуларни назарда тутиб, куйида биз мамлакатимиз тарихида муайян из қолдирган айрим фалсафий қарашлар ва таълимотлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Зардуштийлик вужудга келишининг ижтимоий тарихий асослари. Талаба мазкур масалани ўзлаштиришда дастлабки диний фалсафий таълимотларнинг ижтимоий – тарихий, маънавий - маданий асосларига эътибор беришдан бошлаши мақсадга мувофиқдир. Қадимги Марказий Осиёда фалсафий қарашлар диний шаклда милoddан олдинги VIII –V асрлардаёқ шакллана бошлаган. Бу улка халқлари скифлар ёки саклар деб аталиб, улар деҳқончилик ва шу асосда ҳунармандчилик, чорвачилик билан шуғулланишганлар. Ижтимоий муносабатлар тараққий этиб, савдо – сотиқ ривож топишига олиб келган. Дастлабки шаҳар марказлари вужудга келди. Қадимий ёзувлар пайдо бўлиб, турк, хоразм, суғд алифбоси шаклланган. Булар эса, қадимий турк халқлари, элатларининг бой маънавий – мафкуравий андозаси яралишига замин бўлиб хизмат қилди дейиш мумкин. Уша давр халқларининг ҳаёти, турмуш тарзи, эзгу интилишларини ифода этувчи, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашни тараннум этувчи маънавий – маданий мерос, қадриятлар шакллана бошлади. Натижада, аввал маълум маънода кучманчи булиб яшаган қабилаларни бирдамлигини, ягоналагини таъминлаш зарурати уларнинг ўтроқ булиб яшашга эҳтиёжини кучайтирди. Кучманчилик асосидаги ҳаёт босқинчилик тарзидаги ҳаётни тақоза этиши қабилаларни катта ҳужум хавфига солиб қўймоқда эди. Мана шу ва шунга ўхшаш эҳтиёжларни англаш дастлабки диний-фалсафий таълимотларнинг вужудга келишига сабаб бўлди дейиш мумкин. Бу эса, қадимий аجدодларимиз эътиқодининг яхлитлигига, ягона маънавий – илоҳий қарашларга асосланишига олиб келди дейиш мумкин. Бундай зарурий эҳтиёжни аввало Зардушт англаб етганлигини таъкидлаш зарурдир. Талаба шунга эътибор бериш керакки, фақат якка худоликка қаратилган таълимотгина кишиларни

бирлаштириши, фаровонликка эриштируви мумкинлиги ғояси дастлаб Зардушт карашларида илгари сурилгандир. Эрамиздан аввалги X асрдан эрамизнинг VII асрларигача бўлган давр махсули бўлган диний-фалсафий таълимотлардан бири зардуштийликдир. Талаба Зардушт шахси кимлиги ва у зардуштийлик таълимотига асос солганлигини яхши ўзлаштириши зарур. Бу таълимотга Зардушт асос солган бўлиб, Шарқ ва Ғарбда Заратуштра, Зароастр номлари билан машхурдир. Манбаларга кўра, Зардушт эрамиздан аввалги VI асрнинг биринчи ярмида яшаган. Лекин унинг тарихий ёки афсонавий шахс эканлиги ҳақида аниқ бир тўхтамга келингани йўқ. У ўзини пайғамбар деб эълон қилган. Лекин унинг пайғамбарлиги илохий асосга эга эмас. Яъни бу ҳақиқат илохий китобларда ўз тасдиғини топмаган. Талаба зардуштийликни ватани асли қаерда эканлиги масаласига ҳам эътибор қаратиши лозимдир. Кўпгина олимлар, жумладан В.В. Струве, В.В.Тревер, С.Т. Толстов, Н. Прохоров каби олимлар Ўрта ва Марказий Осиёни зардуштийлик ватани деб исботлаб берганлар. Олимлар буни исботлаш учун Авестода яккаю ягона худо – Охуромазда яратган 16 мамлакатнинг номини келтирилганини, улардан икkitаси афсонавий бўлса, қолган тукқизтаси Марказий Осиёдаги шаҳар ва вилоятлар эканлигини асос қилиб келтириб ўтадилар. Авесто китобида ер думалоқ шаклда эканлиги, унинг атрофи океанлар билан ўралгани, Охурамазда эзгулик қонунларини Зардушт орқали ваҳий қилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади. Форс тадқиқотчиси Кападиа фикрича, Зардуштнинг илохий фаолияти Балх шаҳрида подшоҳлар паноҳида Бактрия пайғамбарига айлангани тўғрисида маълумотларни келтиради. Зардуштийликда кўп худоилик динидаги расм булган мурдаларни оловда куйдириб, сўнг уни кулини дафн этишини қораланган. Марҳум суякларини махсус остадонларга солиб кўмиш жорий этилган. Тадқиқотчи Ю.А. Рапопорт бундай остадонлар асосан Ўрта Осиё ерлари остидан топилаётганини, Эрон худудида эса, битта – яримта топилаётганини айтади. Демак, бундан аён бўладики, Зардуштийлик ватани Марказий Осиё дейиш ҳақиқатга тўғри келади.

Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу таълимот Ватанимиз худудида, хусусан, Хоразм заминида пайдо бўлган. У ўз

даврида халқни эзгулик ва адолат ғояларига даъват этиш, ҳаётбахш анъаналарни шакллантириш, деҳқончилик ва шаҳар маданиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган, унинг ғоялари билан боғлиқ кадриятлар бугунги кунгача яшаб келмоқда ва халқимиз турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятларини белгилашда ўлкан ҳиммат касб этмоқда.

Зардуштийликнинг бош китоби «Авесто»дир. Ушбу бебаҳо маънавий обидада “борликнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг руҳий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилганлиги” таъкид этилади. Айниқса, ундаги улуғ ахлоқий тамойил “эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” бирлиги бугунги кунимизда ҳам маънавий аҳамиятини тўлиқ сақлаб келаётганлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Халқ оғзаки ижоди ва унинг ноёб дурдоналари ҳам миллат маънавиятини ўзида ёрқин акс эттирувчи ноёб бойлик эканлигини Президент китобида «Алпомиш» достони мисолида ҳаяжонли сатрларда очиб берилган. Бу достоннинг “*кўп асрлик миллий давлатчилигимизнинг халқона бадиий ифодаси*” эканлиги ҳақидаги мулоҳазалар халқ ардоқлаган баҳодир алплар тимсоли нақадар улуғвор рамзларни ўзида яширганига бизнинг диққатимизни тортади. Муаллиф мустақиллик туфайли бор ҳашамати билан қайта тикланган Наврўз байрамининг чуқур фалсафий мазмунига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Бу қадим байрамимиз “биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устивор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси” бўлиб келаётганлиги таъкидланади. Шу ўринда “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобининг бир ноёб хусусиятини алоҳида ажратиб кўрсатишни хоҳлар эдик. Муаллиф назарий теранликни ёрқин мисоллар, эҳтиросли ифодалар билан ажойиб уйғунлигига эриша билган ва бу билан бизга ўхшаган кўпгина дарслик ва қўлланмалар ёзишга бел боғлаганларга ибратли намуна кўрсатган. У қадим битиклар, халқ оғзаки ижоди, маросим ва урф-одатларимизни маънавиятни шакллантирувчи муҳим мезонлардан эканлигини оддий санаб ўтиш билан чекланмайди, балки уларнинг ҳар бирига бир ёрқин мисол

келтириб, ушбу таснифдаги ҳар бир асарда алоҳида бир маънавий олам мавжудлигини кўз олдимизда яққол гавдалантириб беради.

Маълумки, юртимиздаги бизга маълум илк шаклланган яхлит маънавият тизими “Авесто” китобида ўз аксини топган. Бу китоб мустақиллик шарофати билан ҳозирги ўзбек тилига тўлиқ таржима қилиниб нашр этилди. Бир пайтлар бу китоб муқаддас “маздаясна” динига асос бўлган бўлса, бугун биз унга йирик адабий ёдгорлик сифатида қараймиз. “Авесто” матнлари шаклланган, йиғилган ва қайта йиғилган даврлар асотири тафаккур даври бўлгани сабабли бу китобда баён этилган маънавий қадриятлар тизими кейинчалик бошқа юртларга тарқалиб, турли сиёсий, ғоявий таъсирлар остида кўп жойларида мушриклик ақидалари билан чалкашиб кетди. Масалан, Зардушт гоҳларида тилга олинган 7 **амшосипандлар** моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, қадим авесто тилида **Спинта Майню** (Сипанд Мийну) - “тафаккур олами”, **Ашах Вахишта** (Ардабехешт) – “гўзал ҳақиқат”, “мукаммал низом”, **Вухувмана** (Баҳман)– “эзгу ният”, **Спинта Ормаитий** (Испандормаз) - “комил ақл”, **Зашра Вайраях** (Шаҳриёр)– “умид дунёси”, **Амирмитота** (Амурдод) – “умрбоқийлик”, “абадият”, **Хавраватот** (Хўрдод) – “комиллик”, “тўғрилиқ” маъноларини англатиб келган. Кейинчалик қоҳинлар талқинида буларнинг ҳарбири илоҳий хилқат сифатида тасаввур қилиниб, уларга сиғиниш қоидага айланган, яъни Зардушт даъватидаги ягона Парвардигор - Ахура Мазда(илоҳий билим эгаси, маъносида)га эътиқод қилиш ўрнига юқоридаги каби маънавий қадриятларни илоҳлар, яъни сиғиниш объектларига айлантириш ҳолати юз берган.

Авестонинг учта китоби Падимги тилда ва биттаси паплавий тилда тикланган. Биринчи китоби “Вадовдот” яъни девларга Парши Понун деб аталади. “Ясна” ва “Виспарад”ни Ўшган Полда у “Вадовдот – Саде” номи билан Пам юритилади. “Авесто”нинг иккинчи китоби “Ясна” бўлиб, уни Зардуштнинг чапирилари ташкил этади. У 72 “Пот” – башоратдан иборат бўлиб, биринчи башоратда табиат ва Палолликлар Пукмдори, Памма нарсага Подир Опурамазданинг вапийлари Паплилигига имон келтиришга доир

дуолар бор. 19 –башоратда олам юзага келмасдан олдин мавжуд бўлган худо шаънига шукроналар айтилади. Ясналарнинг 7 та бобида Зардушт орқали хабар берилган башоратлар ўз ифодасини топган. Зардушт Охурамаздадан ўз ахлоқий Понун Поидаларини маълум этишини сўрайди. Талаба “Ясна” китоби мазмунан диний - ахлоқий - фалсафий Понун – Поидалар мажмуи эканлигини англаши зарур бўлади. Унинг 14- башоратида эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал бирлиги улуғланади. Талаба яна шунга эътибор Паратиши лозимки, Авесто нафақат диний-ахлоқий манба, шу билан бирга фалсафий таълимотдир. Унда Падимги халкларнинг дунё тўғрисидаги тасаввурлари, ўзига хос Падрият ва тафаккур этиш урф-одатлари акс этган. Унда оламнинг азалий Парама-Парши кучлари яхшилик ва ёмонлик, ёрушлик ва зулмат, иссиqliк ва совуqliк, Паёт ва ўлим борасидаги Парашлар ўз ифодасини топган. Борлиқнинг асослари-тупроқ, сув, Павони бўлгаш, ифлослантиришни энг оқир гуноқлар Паторига ўшадилар. Тозаликка, софлиқка амал Пилиш, ерга уруқ сепиш, Посил олиш 10 минг марта ибодат Пилиш ёки юзлаб жониворни Пурбонлиқ Пилишдан афзал дейилади. Авестодаги бундай муқаддас сўзларни унинг Патор башоратларида кўриш ва эшитиш мумкин. Бундай сўзларда чуқур фалсафа ётганлигини англаш лозим. Яъни, ундаги чақирқишлар асрлар оша келгуси авлодлар Паётини соф ва фаровон этишга, кишини эзгулик сари интилишга Паратилганлигини сезиш мумкин. Авестода Патор Паётий масалалар – деққончилик, кўклам байрам ва маросимлари, Одам Ато Паёйдаги маълумотлар шунингдек, унда космография,материалогия, хронометрия, назарий фалсафа нишонларини учратиш мумкин. «Авесто»да, шунингдек, табиат фалсафаси, тарих, этика, тиббиётга оид маълумотлар Пам берилган. “Авесто”нинг учинчи китоби “Виспарад” деб номланади. У 25 Писмдан иборат бўлиб, унда намозлар, ибодатлар йиқиндиси ёзилгандир. Унда оламни ёки Памма нарсани билиш, эгаллашга доир панд – насиқатлар ўрин олган. Инсон маънавий камолотида энг узоқ давом этган босқич **тош асри** бўлиб, бу даврда инсон ва табиат орасидаги муносабат ниҳоятда яқин бўлган. «Авесто»нинг бизгача сақланиб етиб келган тўрт қисмидан бири «Вендидад»

китобининг иккинчи бобида Жамшид (асли Йима вахишта - гўзал Йима) хақидаги асотир (миф) баён қилинади. Ушбу асотир мазмуни қуйидагича:

Бутун оламлар парвардигоридан Зардуштга пайғамбарлик рутбаси иноят бўлгач, у тангрига мурожаат қилиб сўрайди: «Эй, бутун дунёнинг яратувчиси, муқаддас зот Ахура Мазда (Олий билимлар эгаси)! Сен мендан илгари инсонлардан қай бири билан суҳбат қилгансан, кимга илк бор Ахура Мазданинг муқаддас динидан таълим бергансан!»

Олий билимлар эгаси бўлмиш ягона тангри унга шундай жавоб қилади:

«Эй, Ҳақ бандаси Зардушт! Сендан илгари мен илк бор инсонлардан Йима (Жамшид)га, чорва ва йилки подалари эгаси ўшал гўзал инсонга хабар йўлладим. Мен унга: «Эй, Вивахванта ўғли гўзал Йима! Сен менинг динимни ўрганиб, уни ҳимоя этишга тайёргарлик кўргин», дедим. Аммо, эй, Зардушт, ул гўзал Йима шундай жавоб қилди:»Мен бундай вазифа учун яратилмаган бўлсам, ўқимаган бўлсам, мен дин-эътиқодни чуқур ўзлаштириш ва ҳимоя қилишга қодир эмасман». Шунда, эй, Зардушт, Мен - Ахура Мазда - унга буюрдим: «Агар сен, эй, Йима, менинг динимни ўзлаштириш ва ҳимоя қилишга тайёр бўлмасанг, унда мен яратган дунёни обод қил, кенгайтир. Сен ушбу ер юзини ҳимоя қилишга, эҳтиётлашга ва бошқариб туришга масъул бўл!» Ва, эй, Зардушт, ул гўзал Йима менга жавоб қилди: «Мен сен яратган дунёни обод қиламан, уни кенгайтираман, уни ҳимоя қилишга, эҳтиётлашга, бошқариб боришга мен тайёрман.»¹ Шундан сўнг 900 йил давомида Йима (Жамшид) ер юзини обод қилиб, турли ҳунарларни жорий қилди. Бой моддий маданият бунёд этилди. Аммо умрининг охирида Жамшид ютуқлардан ғурурланиб кетиб, кибрга берилди. Ўзини «яратувчи» эълон қилиб, бутун халқдан ўзига сажда қилиш, сиғинишни талаб қила бошлади. Шунгача, ривоят қилишларича, ўлим ҳам, касаллик ҳам, совуқ ҳам, очлик ҳам бўлмаган экан. Жамшид ўзини «худо» деб эълон қилгач, ер юзига ўлат тарқайди, очлик ва қаҳратон совуқ бошланади. Ва шундан кейин даҳшатли ёвуз куч - Ажи

1 Брагинский И. С. Из истории таджикской и персидской литератур. М.-«Наука»-1972, с. 50-51

Даҳақа юртга бостириб кириб, ўз ҳукмронлигини ўрнатган ва минг йил яшаган. «Авесто» матнлари Ғарбий Европа, Сибир ёки Африка, Жанубий Ҳиндистон минтақалари шароитини эмас, бевосита бизнинг минтақа иқлими, оби-ҳавоси, ер-сув шароитида табиат ва атроф-воқеликка нисбатан инсон онгида шаклланиши мумкин бўлган муносабатларни акс эттиради. «Авесто» матнлари мазмунидан биз ота-боболаримизнинг она заминга, халқимиз учун асосий тириклик манбаи бўлган оқар сувга, оловга ихлоси, эъзозини аниқ ҳис қиламиз. Яна амалий яратувчилик фаолияти, айниқса, ерга ишлов бериш ва чорва ҳайвонларини парваришlash, аجدодларимиз тарафидан ниҳоятда муқаддас бир юмуш, олий ибодат деб қабул қилинганининг ҳам гувоҳи бўламиз.

Хулоса қилганда, Зардуштийлик дини, унинг Авесто муқаддас китобида яқка худочилик,(вахдоният) ғоялари илгари сўрилган дунёдаги энг биринчи динлардан биридир. Ундаги ғоялар ҳозирги жаҳон динларида ўз мужассамини топган. Бир қатор олимлар фикрича (Мэрэ Бойс хоним) зардуштийликни билмай туриб, жаҳон динларини моҳиятини билиб бўлмайди. Шунга қўшимча айтиш керакки, зардуштийлик динини билиш нафақат жаҳон динларини англаш, шу билан бирга халқимиз фалсафий тафаккури тарзини, тарихини ва маданиятини ҳам тушунишнинг маънавий калити ҳисобланади. Чунки, унда қадимий аجدодларимиз ижтимоий ҳаёти, маданий даражаси, фалсафий дунёқараши, тили ва ёзувлари ҳамда ҳаётининг мақсад ва интилишлари ўз ифодасини топганлигини кўриш мумкиндир.

Марказий Осиёда буддавийлик ҳам ўз ўрнига эга. Талаба мазкур масалани тушунишда буддавийлик динининг Марказий Осиёга кириб келиши, будданинг маъноси ҳамда ундаги турли оқимлар ва илгари сурилган ғояларни моҳиятини билиб олишга эътиборни қаратиши лозим. Буддавийлик диний-фалсафий таълимот сифатида қадимги Ҳиндистонда эрамиздан аввалги VI асрнинг охири ва V аср бошларида вужудга келган. У жаҳонда кенг тарқалган динлардан биридир. Бу таълимотга асос солган донишманд Сидхарта уриғидан чиққан

Гаўтама ҳисобланади. Кейинчалик у «Будда», яъни нурланган деган лақабга эга бўлган. Буддавийлик исломга қадар Ўрта Осиёда тарқалган қадимги динлар орасида мавқеи жиҳатидан жуда катта ўрин тутди. Бу таълимот Ўрта Осиёга эрамиздан аввалги II- I асрларда кириб келган. Тарихий манбаларга кўра, уни Тоҳаристонга балхлик савдогарлар олиб келишган. Кушонлар даврида буддавийлик дини ҳукмрон динга айланган эди. «Халқчил бўлганлиги учун Ўрта Осиёга кенг ёйилган. Буддавийликнинг Ўрта Осиёга ёйилиши қуйидаги тўрт босқичдан иборат.

Биринчи босқич. Кушонлардан олдинги давр. Бу эрамиздан аввалги I асрга тўғри келади. Бу даврга оид ёзма манбаалар бизгача етиб келмаган.

Иккинчи босқич. Бу даврда буддавийлик Урта Осиёга кенг тарқалган эди. Айниқса, унинг ахлоқга оид масалалар, халқ оммасини сабр қаноат ва бардошга даъват этувчи ғояларни илгари сурганлиги муҳим аҳамият касб этган.

Учинчи босқич. Бу даврда Ўрта Осиёда буддавийлик таълимотининг манбалари ёйилган.

Тўртинчи босқич. (IX-XIV асрлар) ислом Ўрта Осиёда ҳукмрон динга айланиши билан бу дин сиқиб чиқарилган жуда заифлашиб кетган. Талабалар эътиборини Буддизмнинг моҳиятини тушуниши учун Ўрта Осиёда буддизмнинг Махаяна оқими, Ҳиндистонда Хинаяна номли оқими кенг тарқалганига қаратиши ҳамда бу оқимларнинг асосий ғояларини билишга қаратиши лозим. Хинаяна оқимининг бош ғояси - фақат жуда кибор, мўътабар табақага мансуб буддавий азиз-авлиёларгина Нирвана саодатига эриша олади. Шу сабабли бу таълимот Ҳиндистоннинг ўзида ҳам кенг томир ота олмади. “Махаяна-ҳамма учун бирдек улуғ йўл” давлат дини ва мафкураси деб эълон қилинган. Буддачиликнинг диний-фалсафий таълимоти асосида тўртта қоида ётади. Булар қуйидагилар: дунёда қийналиш, азоб-укубат мавжуд, ҳар қандай қийналишнинг ҳам сабаби бор, қийналишдан қутилиш мумкин, қийналишдан қутилишга олиб келувчи йўл бор. Қийналиш деганда буддачилик нафақат инсонни балки барча тирик мавжудотнинг пайдо бўлишидан йўқолишигача бўлган жараёни тушунади. Бироқ буддачилик

таълимотиға кўра, инсон ҳаётда қийинчиликдан қутилиши мумкин. Қутилиш деганда буддачилик инсонни ўз истакларидан воз кечишини, шу билан бирга тўла хотиржамлик, осойишталик, мутлоқ маъсудлик (Нирвана) ҳолатига эришишни тушунади. Буддизимда инсон ҳар томонлама пок бўлиши (Ахимса), ўзида энг олийжаноб фазилатларни мужассамлаштириши, ўзгаларга муносабати эзгулик билан йўғрилиши, бутун ҳис-туйғусини, фикрини буддага қаратиши ҳамда қалбан Илоҳ билан яшашига эришгандагина у мутлоқ маъсудлик ҳолатига мушарраф бўлади. Буддизимдаги айнан ана шу жиҳатлар оддий камбағал, фақир, меҳнаткаш фуқороларни эътиборини тортади ҳамда ҳаётдаги қийинчиликларни енгиб ўтиш истагини ўйғотади, натижада, буддачиликка топинишга олиб келар эди. Шунинг учун ҳам буддачилик ҳаётда кенг қулоч ёйиб борди.

Буддавийликнинг Ўзбекистон ва Хиндистон халқи ўртасида ўз даврида маънавий кўприк бўлиб хизмат қилганлиги аниқ. Халқларимиз орасидаги дўстлик ва биродарликнинг илдизлари у даврга бориб тақалади ва бугунги кунда аксарият кишилар, айниқса, ёшларимизнинг ҳинд халқи, унинг маданият ва санъатига қизиқиши тасодифий эмас.

Моний таълимоти юртимизда буддавийликдан кейин кенг тарқалган эди. Бу таълимотнинг асосчиси Моний деган киши бўлиб, у 216-217 йилларда Ботлда туғилган ва 276 йилда Жундишопур шаҳрида қатл этилган. Моний таълимоти зардуштийлик ва христианликнинг натижасида вужудга келган. Моний форс ва араб тилларида бир неча рисоалар ёзган. Лекин улар бизгача етиб келмаган Моний хатто «Монийлик ёзуви» номли алифбо ҳам тузган унинг таълимотича, ҳаётда даставвал нур дунёси — яхшилик ва зулмат дунёси ёзувлик бўлган. Улар ўртасида абадий кўраш боради, инсон икки унсурдан (рух-нур фарзанди, жисм зулмат махсули) иборат. Монийлик халқ оммаси манфаатларини ҳимоя қилувчи таълимот бўлгани сабабли ҳукмрон мафкура қаршилигига дуч келган.

Монийлик таълимоти асосида **Маздак таълимоти** юзага келган. У эрамининг V-VI асрларида кенг тарқалган эди. Унинг асосчиси Маздак (470-529 йиллар) бўлган. Маздак ва унинг маслакдошлари ўз қарашларида халқ оммасига

суянган. Халқнинг озодлик, эркинлик ҳуқуқиди олиб борган ҳаракатларига раҳнамолик қилини учун тез фурсатда уларнинг маслаҳатлари, ишлари қўлайиб кетган. Маздакийлик ижтимоий тенгсизликни бартараф этиш йўлида кўрашга даъват этувчи мафкура сифатида хизмат қилган. Маздакийлик мафкураси жамоа ерларини босиб олишга қаратилган ҳаракатни ва деҳқонларнинг қарамлигига қарши курашишни ҳимоя қилишига қаратилган эди. Талабалар Маздакий таълимоти Зардуштийликдаги ёруғлик ва жаҳолат, яхшилик ва ёвузлик курашининг дуалистик ақидаларидан келиб чиқадиган фалсафий қарашларга ҳам асосланганлигини англаб олишлари лозим. Аммо шуни айтиш керакки, маздакийликда соф фалсафий ва диний масалалардан кўра ижтимоий масалалар биринчи ўринда туради. Унда асосий ёзувлик бойликка хирс қўйиш ва ўта камбағаллик қораланади. Бу инсонпарвар ҳаракатдан чўчиган шох Маздакий турли хийлалар билан ўлимга маҳкум этади. Маздакий таълимотида ижтимоий тенглик масаласи илгари сурилади ва унга диний тус берилади. Шу билан бирга адолатсизликка қарши қаратилган халқ ҳаракатининг қонунийлиги тасдиқланади, тўб мақсад сифатида мулкий тенглик ғояси илгари сурилади. Маздакийликнинг бу ғоясини шоир Фирдавсий ўзининг “Шохнома” асарида қуйидагича ифодалайди:

Бойлик, бечоралик бўлмасин токим,

Тенглик бўлсин жаҳон мулкида ҳоким.

Бир ҳолда яшасин қашшоқ билан бой,

Қашшоқда ҳам бўлсин, ошу нон, уй –жой.

Талаба шоирнинг ушбу шеърининг мазмунини тушуниб олиши тавсия этилади.

Маздакийлар ҳаракати, эрамининг VI асрида бостирилганига қарамай, турли мамлакатларда муайян даражада давом этди. Ўрта Осиёда Муқанна, Озарбайжонда Бобак бошлиқ деҳқонлар ва шаҳар камбағалларининг зулмга қарши кўрашлари бунга мисол бўлади.

Марказий Осиёда вужудга келган Ҳадимий фалсафий таълимотлар, улар илгари сурган Ҳоялар бугунги кунда Ҳам муҲим аҲамиятга эга. Санаб

ўтилган Ҳадимги диний-фалсафий таълимотлар, яъни зардуштийлик, унинг бош китоби «Авесто», Моний таълимоти, «Моний ёзуви», маздакийлик Паракати жамиятда адолат, эркинлик, тенг ҳуқуқлилик тамойилларини қарор топтиришга даъват этган. Ватан озодлиги йўлида жон фидо этган Муқанна бошчилигидаги Паракат нафаҳат Ўрта Осиёда, балки бошқа ўлкаларида ҳам акс-садо берган. Ватанимизнинг ўша даврда шаклланган ва ривожланган бой маданияти, миллий маънавиятимиз, фалсафамиз жаҳон цивилизациясига катта таъсир кўрсатган.

Сирасини айтганда, мамлакатимиз тарихи ислом дини юртимизга кириб келган даврдан бошланмайди. У исломга қадар ҳам минг йиллар мобайнида ривожланиб келган шонли тарихига эга. Лекин, афсуски, Ватанимизнинг ана шу давр тарихи нисбатда кам ўрганилган. Бу даврга оид манбаларнинг аксарияти эса йўқ қилиб юборилган. Бу вайронкорликнинг бошида милоддан аввал македониялик Александр турган бўлса, мамлакатимизни забт этган кейинги босқинчилар ҳам ана шу йўлдан борган. Улар халқ онгидан мустақиллик ва эркин ҳаёт тўғрисидаги мақсад-муддаоларни бутунлай йўқотиб юборишга ўринишган. Бунинг натижасида маънавий қашшоқ ва тарихий хотирасиз кишилар тарбияланиши лозим эди. Босқинчилар Мовароуннаҳрда нисбатда бой маданият шаклланганини эътироф этган. Аммо унинг босқинчилик ғояларига мос келмайдиган жуда кўп намуналарини аёвсиз йўқ қилишган. Айниқса, маънавий қадрият ва маданий бойликларни шафқатсизларча ғорат қилиш асосий ўринда турган. Юртимизда араблар истилосига қадар устувор бўлган маънавий ва маданий дурдоналар қадрини яхши англайдиган ва уларнинг аҳамиятини турлича тушунадиган кишилар биринчи навбатда йўқ қилиб юборилган. Бу тўғрида Абу Райхон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида қуйидагиларни ёзган: «Кўтайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалоқ этиб ва буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди». Ушбу асарнинг бошқа саҳифасида улуғ ватанпарвар олим

юқоридагига ўхшаш яна бир фикрни қуйидагича ифода этган: «Кўтайба хоразмликларнинг котибларини ҳалоқ этиб, билимдонларини улдириб, китоб ва дафтарларини қўйдиргани сабабли улар саводсиз бўлиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига суянадиган бўлдилар».

Беруний замонида ислом ягона Ўқмрон диний мафкура бўлиб турганини эътиборга олсак, зикр этилган асар ва ундаги теран фикрларни бундай ўқтамлик билан айтиш Ўят ўлкан жасоратни талаб этгани аён бўлади. Истилочиларнинг бундай вайронкор сиёсати кейин Ўам давом этган. Хусусан, мустабид шўролар мафкураси Ўқмронлик Ўилин даврда Ўам ана шундай хол рўй берган. Нихоятда бой Ўадриятларимиз, фалсафий таълимотларимиз, умуман ўз меросимиздан бебаҳра бўлиб Ўолдик. ИстиЎлол туфайли аждодларимиз яратган бой ва ўлмас маданий меросни ўрганиш имкони туЎилди. Тарихий хотирани тиклаш халЎимиз Ўалбида миллий Ўадриятларга содиЎлик, ватанпарварлик туйЎуларини шакллантириш Ўозирги кунда маънавий Ўаётнинг устувор йўналишига айланди. ***Талабаларга тайёргарлик учун ёрдамчи материаллар:***

1. ИСЛОМГАЧА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ –фалсафий тафаккур ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Босқичлар	Тарихий давр	Асосий маънавий қадриятлар
I Энг қадимги маънавият унсурлари	Ибтидоий жамоа	а) Оилавий муносабатларнинг тартибга солиниши ва уруғ жамоанинг ташкил топиши; б) Яратувчилик меҳнатининг эъзозланиши; в) Тупроқ, сув, оловнинг эъзозланиши;
II Илк шаҳар жамоаси маънавияти	Илк шаҳар-давлатлар	Илм ва имон уйғунлигининг шаклланиши
III Миллат ва миллий давлатнинг шаклланиши	Буюк давлатлар (империялар)	Миллат, миллий адабий тил ва миллий давлатнинг шаклланиши

I. Энг қадимги маънавият унсурлари – Исломгача миллий маънавиятимиз тараққиётининг биринчи босқичи. Тош асрига мувофиқ келувчи ибтидоий жамоа даврида шаклланган маънавий қадриятлар. Бу даврда хануз ёзув ихтиро қилинмагани учун яхлит шаклланган алоҳида маънавият тизими ҳақида хулоса қилиш қийин.

II. Илк шаҳар жамоаси маънавияти – Исломгача миллий маънавиятимиз тараққиётининг иккинчи босқичи. Асосан бронза асрига мувофиқ келувчи илк шаҳар-давлатлар даврида шаклланган яхлит маънавият тизими (масалан, шумерлар маънавияти ёки “Авесто” маънавияти). Бу давр одамлари Борлик ҳақиқатини асосан **асотир** тарзида тасаввур этганлар.

III. Миллат ва миллий давлатнинг шаклланиши – Исломгача миллий маънавиятимиз тараққиётининг учинчи босқичи. Темир асри ёки буюк салтанатлар даврида шаклланган маънавий қадрият – **“миллат”** тимсол-тушунчасининг вужудга келиши (масалан, туркий битикларда ўз ифодасини топган **“турк будуни”** тимсол-тушунчаси.)

2 масала. Талабалар мазкур мавзуга асос бўлган давр фалсафасини моҳиятини, ислом дини билан боғлиқлигини ҳамда унинг вужудга келишининг ижтимоий –сиёсий, маънавий-маданий илдизларини англаб олишлари мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ўрта аср фалсафасининг вужудга келишининг қуйидаги жиҳатларига эътибор бериш лозим бўлади: биринчидан, бу давр фалсафаси араб истилоси ва мамлакатимизда ислом динининг тараққий этиши билан ҳам узвий боғлиқдир. Иккинчидан, бу фалсафа исломгача бўлган диний – фалсафий таълимотлар, қадриятлар билан уйғунлашиб ва шу асосда халқимиз томонидан ихтиёрий қабул этилган диний фалсафий дунёқараш тизимидан иборат бўлган маънавий – илоҳий таълимот ҳамдир. Бизнинг Ватанимиз фарзандлари улуғ бобокалонларимизнинг ислом динига, ислом фалсафасига, бутун араб дунёси ва жаҳон цивилизациясига катта таъсир кўрсатган таълимотлари дунёга келган давр фалсафаси ҳамдир. Учинчидан, шу билан бирга, бу аجدодларимизнинг босқинчиларга қарши

кўрашини акс эттирган, халқимиз маданияти ва маънавияти ниҳоят даражада ривожланганини бутун жаҳонга яққол намоён қилган давр фалсафасидир. Бу Муканна каби миллий қаҳрамонларимиз кенг халқ оммасига бош бўлиб озодлик кўраши олиб борган пайтларда элнинг руҳини кўтариб, илҳомлантирувчи эзгу ғоялар шаклланган давр фалсафасидир.

Туртинчидан, бу Аму ва Сирдарё бўйларида яшаган халқнинг даҳоси энг юксак даражага кўтарилган, унинг атоқли намояндалари жаҳон маданияти саҳифаларига ўзларининг ўчмас номларини муҳрлаб кетган давр фалсафасидир. Бешинчидан, бу фалсафанинг хусусиятлари ўша даврда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ўзига хослиги билан белгиланади.

VIII –XIII асрларда Ўрта Осиёда ижтимоий – фалсафий фикрлар ўз тараққиётининг гуллаб яшнаган даврини кечирди. Бу жараёнга Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларидаги исломий, фалсафий, ижтимоий – сиёсий, диний таълимотлар ҳам катта таъсир кўрсатди. Ушбу мамлакатлар фалсафий-диний таълимоти бир – бир билан ўзаро таъсирда ривожланди.

Энди талаба ўз эътиборини мазкур масалани ўрганишдан мақсадга қаратиши мумкин. Мақсад - Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, “ёш авлод қалбида мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтиришдан,” иборатдир.

Марказий Осиёга Ислом дини қай шароитда ва қай йўсинда кириб келди деган савол кўямиз? Мовароуннаҳр араблар томонидан забт этилиши арафасида Турк хоқонлиги тизимига кирар эди. У майда амирликлардан иборат бўлиб, улар ўртасида тинимсиз тўқнашувлар рўй бериб турар эди. Айниқса, Турк хоқонлиги билан сосонийлар Эрони ўртасидаги тўқнашувлар ўта шиддатли тусда юз берар эди. XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларида бу ҳудуд араб ҳалифалиги томонидан босиб олинди. Бунга Мовароуннаҳр ҳудудида

яшовчи халқлар, ижтимоий кучлар орасида сиёсий ҳамжиҳатликнинг йўқлиги, ўзаро қирғинбаротларнинг авж олиши сабаб бўлди. Ислом дини байроғи остида кенг ҳудудга араб қабилалари бирлашган, мавжуд тарқоқликка чек қўйилган, ягона марказлашган араб ҳалифалиги ташкил топган.

Мовароуннахрга араблар босқини билан бирга ислом дини ҳам кириб келди. Аллоҳнинг охирги китоби Қуръони карим 23 йил давомида (610-632) Макка шаҳридаги қурайш қабиласининг хошимийлар хонадонига мансуб Амин (ишончли) лақабли Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи васаллам)га ваҳий орқали нозил бўлди. Муҳаммад Расулуллоҳ охирги пайғамбар бўлиб, шу сабабдан бу мухтарам зотни «Хотимат ун-наби», яъни «Пайғамбарлар мухри (ё охиргиси)» деб аташади. Муҳаммад (С.А.В.) илк оятлар нозил бўлганда 40 ёшда, уйланган, 3 қизларини турмушга чиқарган эдилар. Аёллари Хадича (разиаллоҳу анҳо) ўша пайтда 55 ёшларда бўлиб, аввал бошиданок Пайғамбаримизнинг рисолатларига ишонч билан қарадилар ва ул кишини доимо қувватлаб турдилар. Биринчилардан бўлиб ислом эътиқодига имон келтирганлар пайғамбаримизнинг яқин дўстлари Абу Бакр, жияни Али ибн

Абу Толиб, тутинган ўғиллари Зайд ва бошқалар бўлди. Аммо янги эътиқод
Пайғамбаримизни

нг кўпчилик яқин
кариндошлари
томонидан ҳам
яхши қабул
қилинмади.

Амакиларининг
кўпчилиги аввал
карши чиқишди,
улардан энг меҳ-
рибони бўлмиш
Абу Толиб бутун
умри давомида
жиянини ҳимоя
қилган бўлса-да,
ўзи ислом эътиқо-
дига имон келтир-
мади. Абу Толиб
ва Хадича онамиз
вафотларидан сўнг
Макка мусул-
монлари анча
қийналиб қолишди
ва Расулуллоҳ
дўстлари Абу Бакр
билан бирга 622
йил ёз охирларида

***Тавҳид эътиқоди** - Аллоҳнинг барча китобларида
уқдирилган, аждодларимиз асрлар давомида англаб
етган ва имон келтирган эътиқод тизими бўлиб, аҳли
сунна ва жамоа ақидасига биноан Аллоҳнинг борлиги ва
бирлигига чин қалбдан иқрор бўлишни англатади. Миллий
маънавиятимизда Борлиқ ҳақиқати айни Тавҳид
эътиқодида ифодаланади. Аслида миллий
маънавиятимизнинг тарихий тақомили Тавҳид
ҳақиқатини борган сари теранроқ идрок этиши билан
боғлиқ бўлиб, бу тимсол-тушунча турли замон ва турли
соҳа намояндалари томонидан турлича талқин этилган.
Масалан, диний талқинда – фақат Аллоҳнинг ягона
маъбуд (сизинишга лойиқ ягона зот) эканлигига урғу
берилса (русча – «единобожие»), илмий талқинда - ягона
Аллоҳ яратган ва унинг иродаси билан бошқариладиган
дунёдаги жонли ва жонсиз, ҳаракатда ва сокинликда
кўринган, ўтмиш, бугун ва келажакка оид барча нарса ва
ҳодисаларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги, ягона манба ва
маншага оидлиги, уйғунлиги ва яхлитлиги (русча –
«единобытие») тушунилади. Яна унинг ирфоний ва
мумтоз адабиётимизга хос талқинлари ҳам бор. Аммо
миллий маънавиятимиз анъаналарида бундай турли
талқинларнинг бирортаси бошқаларига зид эмас, улар
моҳиятан бир-бирини тўлдириб келадилар.*

Макка шаҳридан Мадина (ўша даврда Ясриб)га йўл олдилар. Уларнинг
издошлари илгарироқ кўчиб ўтишган эди. Ушбу ҳодиса ҳижрат (кўчиб ўтиш)

деб аталади ва ислом тарихида буюк аҳамият касб этади. Муҳаммад (С.А.В.) нинг ўз туғилган шаҳарларини эътиқод йўлида ташлаб чиқишлари билан ислом эътиқоди ғалабаси бошланади, чунки Мадина шаҳрининг кўпчилиги аҳолиси Расулуллоҳ даъватларини қабул қилиб, ягона Аллоҳга имон келтирган эди. Ушбу воқеа 16 йилдан кейин мусулмон йил ҳисобининг бошланишига асос бўлди ва шу сабабли мусулмон йил ҳисоби «хижрий эра» деб аталди.

Ислом дини асотир тафаккурга энг кескин ва охирги зарбани берди. Қуръони каримда «илм» сўзи асосидаги «алима» (билмоқ) феъл негизига таянган калималар 750 марта учрашлиги илмий тадқиқотларда қайд этилган бўлиб, бу ўзак фақат «Аллоҳ», «Рабб» (Парвардигор маъносида), «бўлмоқ» ва «гапирмоқ» каби энг кўп ишлатилган ўзак-сўзлардан кейин бешинчи ўринда турар экан.

Расулуллоҳга илк нозил бўлган 5 оят ҳозирги Қуръони карим матни 96-сураси («Алақ»)нинг биринчи оятлари бўлиб, шундай бошланади: «Икраъ би-исми роббикал-лази халақ!» («Яратган раббинг номи билан ўқи!»). Орада бир оят ўтиб, яна «ўқи!» сўзи қайтарилади: «Икраъ ва роббикал акрам, аллази аллама бил қалам. Аллама-л-инсона ма лам яълам». («Ўқи! Сенинг ўта

Ислом дини – <i>Муҳаммад (сав)га ваҳий орқали нозил бўлган Аллоҳнинг охирги китоби Қуръони каримда ва Пайғамбаримиздан етиб келган саҳиҳ ҳадисларда ўз ифодасини топган эътиқод тизими.</i>

карамли парвардигоринг қалам воситаси билан таълим берди. Инсонга у билмаган нарсаларни ўргатди»). Шундай қилиб, ислом эътиқоди аввал бошиданоқ инсонни ўқиб-ўрганишга, илм воситаси билан дунёни англаб етишга тарғиб қилади. Ислом динининг яна бир муҳим хислати аҳли башар маънавий камолотида тарихий тадрижийликни қатъий қоида қилиб белгилаб қўйилганлигидадир. Бу масала Қуръони каримнинг кўп суралари жумладан, иккинчи

(«Бақара») ва учинчи («Оли Имрон») сураларининг бошланғич оятларида очиқ-равшан таъкидланган бўлиб, ўзбекча таржимада қуйидагича

ифодаланган: «Алиф. Лом. Мим. Ушбу (илоҳий) Китоб (Қуръон) шубҳадан холи ва (у шундай) тақводорлар учун ҳидоят (манбаи) дирким, улар ғойиб (диний хабарлар) га имон келтирадиган, намозни мукамал ўқийдиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан (садақа ва) эҳсон қиладиганлардир. Яна, улар Сиз (Муҳаммад) га ва Сиздан илгари (ўтган пайғамбарларга) нозил қилинган нарса (илоҳий китоблар)га имон келтирадиган ҳамда охират (қиёмат) га катъий ишонч ҳосил қиладиганлардир. Айнан улар Парвардигорлари томонидан (ато этилган) ҳидоят узрадирлар ва айнан улар нажот топувчилардир». («Бақара» сураси, 1-5-оятлар). Демак, мўмин бўлмоқнинг асосий шарт-ларидан бири фақат

Қуръонни эмас, балки ундан олдинги пайғамбарларга нозил этилган китобларни ҳам ягона Аллоҳ томонидан юборилганлигини тан олишда экан.

Кейинги, «Оли Имрон» сурасининг бош-ланғич оятларида ушбу ғоя янада аниқроқ қилиб тушунтирилади: «Алиф. Лом. Мим. Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқдир. У тирик ва абадий турувчидир. (У) Сизга (эй, Муҳаммад), Китоб (Қуръон) ни ҳақиқатан ўзидан олдинги (илоҳий китоблар) ни тасдиқловчи ҳолида нозил қилди. Таврот ва Инжилни олдин нозил қилиши эса, одамларга ҳидоят (манбаи) бўлиши учун эди. (Энди эса) ҳақ билан ноҳақликни ажрим этувчи (Қуръон) ни нозил қилди...» («Оли Имрон» сураси, 1-4-оятлар).

Бу оятларда Қуръоннинг Фурқон (“ҳақ билан ноҳақликни ажрим этувчи”) деб номланиши алоҳида таъкид этилганки, бу ҳам чуқур ҳикматга эга. Тарихий тадрижийлик нафақат

Муслмончилик	–
Аллоҳнинг борлиги ва бирлиги	ҳамда
Муҳаммад(сав) унинг охирги ҳақ пайғамбари эканлигига	имон келтирган барча инсонларнинг ислом дини ҳақидаги тасаввурлари.
Ислом тарихида	маданияти ислом
ақидаларини тушунишидаги	турлича қарашларнинг мав-жуд эканлиги ислом ва муслмончилик ўзаро боғлиқ бўлган турли воқеликларни англатишини кўрсатади.

Қуръонда, балки ундан олдинги илоҳий китобларда ҳам таъкид этилган ва уларда ўзидан кейинги китобларга ишоралар мавжуд эканлиги маълум.

Қуръонда қайта-қайта таъкидланишича, ислом динида Аллоҳ олдидаги энг оғир гуноҳ ширк, яъни ягона Парвардигорга қайси бир зотни шерик қилишга уринишдир. Барча илоҳий китобларда олға сурилган Тавҳид (яратувчининг ягоналиги ва барча мавжудот манбаи эканлиги) ғояси исломда ўзининг олий даражадаги талқинини топган.

Ислом маънавиятининг қирралари ранго-ранг, моҳияти теран. Санаб

ўтганимиз илмийлик ва ёзма маданиятга таяниш, тарихий тадрижийлик ва тавҳид изчиллиги шулар жумласидандир. Қуръони карим оятларига биноан инсоннинг ер юзида халифа эканлигининг бир неча қайта таъкидланиши ислом маънавиятининг энг улуғ қадриятларидандир. Қуръони каримнинг жуда кўп оятларида инсоннинг азиз ва мукаррам қилиб яратилгани, унга ер ва осмондаги барча нарсалар бўйсундириб кўйилганлиги алоҳида уқдириб ўтилган.

Пайғамбаримиз Муҳаммад(сав)га ваҳий келабошлаган вақтдан то ул жанобнинг вафотларигача ўтган 23 йил “саодат асри” деб улуғланади. Сабаби ўша даврда Муҳаммад(сав)нинг даъватларига

Ислом маънавияти – Охирги ва мукаммал илоҳий китоб бўлмиш Қуръони карим мазмунида ифодаланган маънавият тизими бўлиб, Инсон руҳининг Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлашув сари интилишида ғайбий ҳидоят йўли ҳисобланади. Ислом дини ва маънавияти моҳиятан бошқа-бошқа нарсалар эмас, аммо инсонлар тасаввурида улар фарқ қилиши мумкин. Масалан, ислом динида қабул қилинган фарз ибодатлар ва ақидавий қоидалар бошқа тавҳидий динлардан фарқ қилади, аммо ислом маънавиятига кўра ҳар бир инсон ўз ақидаси ва Борлиқ ҳақиқати тўғрисидаги тасаввурларидан қатъи назар “ер юзидаги халифа” сифатида эҳтиромга сазовордир.

эргашиб, ислом динини қабул қилган саҳобалар диний масалаларда ўзларида

кандай бир савол пайдо бўлса, Расулulloх(сав)дан сўрардилар, улар жавоб бера олмай қолган ўринларда Аллоҳдан ваҳий нозил бўларди. Муҳаммад(сав)нинг вафотларидан кейин хулафойи рошидин даврларида ҳам, айниқса, ҳазрати Абу Бакр(р.а.) ва ҳазрати Умар(р.а.)лар ўз ақл-фаросатлари ва саҳобалик давридаги тажрибалари асосида умматлар олдида пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилишга уриниб келдилар. Аммо Расулulloх(сав)нинг саҳобалари бирин-кетин оламдан ўтиб, турли муаммолар борган сари кўпая бошлагач, энди фақат Қуръони карим матнига таяниб мавжуд воқеликдаги кўп масалаларни асл исломий эътиқодга мувофиқ қандай ҳал қилиш кераклигини аниқлаш қийинлашиб борди. Шундай қилиб, илоҳий китоб оятларини шарҳлаб, кўплаб ҳаётий саволларга аниқ жавоб бера олувчи яна бир мўътабар манбага эҳтиёж туғилди.

Сунна босқичи - миллий маънавияти-мизнинг Ислом минтақа маданияти доирасидаги такомилнинг биринчи босқичи ва етакчи тамойилларидан биринчиси, Тавҳид Ҳақиқатини бутун кўлами билан англаб етишнинг дастлабки поғонаси бўлиб, VIII-IX асрларни ўз ичига олган бу босқичда Пайғамбаримиз(сав) суннатларининг асоси бўлмиш ҳадис илми мукамал даражага кўтарилди ва энг мўътабар олти ҳадис тўплами тузилди. Бу босқичнинг етакчи тамойилини **Ибрат маърифати** деб ҳисоблаш

Ана шундай ишончли манба фақат Ҳадиси шарифлар бўлиши мумкин эди. VII аср иккинчи ярмидан бошлаб, Абу Хурайра (вафоти 676 йил), Анас ибн Молик (вафоти 710 йил), Абдуллоҳ ибн Аббос (619-686), Абдуллоҳ ибн Умар, Жобир ибн

мумкин. Сунна ибрат орқали эътиқод бўлиб, Борлиқнинг ягона Олий Ҳақиқати мавжудлигини тан олиш ва унга чин дилдан эътиқод қилишни тақозо этган.

Абдуллоҳ каби илк ровийлардан Расулуллоҳ сўзлари ва амаллари хусусида минглаб ҳадислар ёзиб олинди. Абу Саид ал-Худрий, Ибн Шихоб аз-Зухрий сингари илк муҳаддислар етишиб чикди. VIII аср бошларида Уммавий халифаларидан Умар ибн Абдулазиз (717-720) ноибларига Муҳаммад (С.А..В.) ҳадисларини жамлаш ҳақида фармон берди. Абдулмалик ибн Абдулазиз Журайх (вафоти 766), Ар-Рабиъ ибн Субайх каби алломалар ҳадислар жамлаб ёзишга бошладилар. Натижада ҳадис илми ривож олиб, Имом Малик ибн Анас (713-795)нинг «ал-Муватто», Имом Шофеъий (767-820) ва имом Аҳмад ибн Ханбал (780-855)ларнинг «Муснад» деб ном олган йирик ҳадис тўпламлари яратилди. Ўлкамизда қуйида номлари зикр этилган зотлар биринчи бўлиб ҳадис тўпламларини туздилар: Имом Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий, Исҳоқ ибн Раховайх ал-Марвазий, Имом ал-Хайсам ибн Кулайб аш-Шоший ва бошқалар.

Кейинги IX аср ҳадис илмининг «олтин асри» деб шуҳрат қозонган. Чунки бу асрда ҳадисларни тўплаш даври ўтиб, энди уларни манбашунослик ва матншунослик илми қоидаларига мувофиқ таҳлил ва тадқиқ этиш, маълум мазмун асосида тартиб беришга киришилди. Ҳадисшунослик аталмиш жиддий илм йўналиши мукаммал шаклланди. Ҳадис таълиф этиш соҳасида «Муснад», «Саҳиҳ» ва «Сунан» деб номланган йўналишлар вужудга келди. Бу даврда кейинги асрлар учун намуна бўлгулик ишончли ҳадис тўпламлари яратилди. Бутун ислом оламида энг нуфузли манба сифатида донг таратган «Кутуби ситта» («Олти китоб») муаллифлари шу даврда яшаб ижод этдилар. Улар: Абу Абдуллоҳ Исмоил ал-Бухорий (810-870), Имом Муслим ибн ал-

Хажжож (819-874), Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий (824-874), Абу Довуд Сулаймон (817-888), Аҳмад ан-Насоий (830-935), Абу Исо Муҳаммад ибн Йазид ибн Можжа (824-886) каби муҳаддислардир. Олти буюк муҳаддиснинг аввалгиси ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн ал-Муғира ал-Бухорий (810-870) эдилар. Имом Бухорийнинг «ал-Жоме-ас-Саҳиҳ» китоблари бугунги кунда ўзбек тилига таржима қилиниб, 4 жилдда эълон қилинди. Имом ал-Бухорий ўзлари тўплаган 600 минг ҳадисдан 7275 та энг ишонарли «саҳиҳ»ларини мазмунига кўра таснифлаб, буткул янгича тартибдаги ҳадислар тўпламини яратишга муяссар бўлдилар. Ул мухтарам зотнинг асарлари кейинги муҳаддислар учун барча жихатдан ўрнак ва намуна бўлди. Имом Бухорий яратган «Ал-адаб ул-муфрад» («Адаб дурдоналари»), «Китоби афъол ил-ибод» («Аллоҳ бандаларининг хулқлари») каби бошқа қатор асарлар ҳам минтақа халқларини ислом ахлоқи руҳида тарбия қилишда алоҳида аҳамиятга эга.

Сунна босқичининг моҳияти ва унинг миллий маънавиятимиз такомилида тутган ўрни ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, бу босқични минтақада манбашунослик ва матншунослик фанининг юксак ривожига сифатида баҳолаш лозим бўлади, чунки Расулуллоҳ ҳадислари Қуръони карим оятларидан кейин мўътабарликда иккинчи ўринда турувчи манба бўлиб, унинг ҳам матни, ҳам исноди (яъни ушбу ҳадис ровийлари силсиласининг нақадар ишончли ва эътиборли эканлиги) ниҳоятда нозик ва жиддий муносабат талаб қилувчи мавзу эди. Бу масалаларда арзимагандек туюлувчи янглишиш қандайдир тор илмий мунозарага эмас, балки ҳар бир мусулмоннинг эътиқод амалида жиддий гумроҳликка олиб келиш хавфи бўлгани учун ҳам бу соҳа ўта зукколик ва дақиқликни тақозо этар, муҳаддисга ниҳоятда қатъий қоидаларга риоя этишни буюрар эди. Ушбу оғир шартларга кўникма ҳосил қилиш ислом илмларининг кейинги ривожига ва камолотига жиддий замин яратди. Илм нақадар жиддий меҳнат эканлиги ушбу босқичда бутун залвори билан ҳис этилди. Афсуски, совет даврининг ягона ҳукмрон мафкурага сўзсиз бўйсунуш шароитида, айниқса, ижтимоий

фанлар соҳасида матн ва манбага жиддий муносабат, жиддий илмнинг ушбу тағзамини анча-мунча эътибордан четда қолди ва замонасозлик руҳидаги олди-қочди шиорбозлик кўп ўринда ҳақиқий илм ўрнини эгаллаб ола бошлади. Бугун биз бу соҳада ҳам, янада аниқроғи, биринчи навбатда ушбу соҳада, миллий маънавиятимиз эришган ютуқларни қайта тиклашимиз, матн ва манбага ёндашувда ўта жиддий муносабатга қайтмоғимиз, бу борада Имом ал-Бухорий, Муслим ибн ал-Ҳажжож, Абу Исо ат-Термизий сабоқларини диққат билан ўрганмоғимиз даркор.

Сунна босқичининг яна бир ютуғи ислом минтақа халқлари маънавий тақомилининг ушбу биринчи поғонасида шаклланган 5 исломий мазҳаб, яъни ислом эътиқодига оид қарашлар ва амалларнинг баъзи фарқларга эга бўлган беш йўналиши орасида бир-бирини инкор этмаслик ва ўзаро ҳурмат муносабатлари ўрнатилишидир. Бундай вазият осонликча ва бирваракай шакллангани йўқ, албатта. Лекин охир натижада юзага келган бундай ўзаро мурося ҳолати муайян даражада эътиқод масалаларида таассуб (фанатизм) ва бир ёқлама ақидапарастлик хавфининг олдини олиб, шу билан бирга кейинги ривожланишга замин ҳозирлаган омиллардан бўлди.

Дастлаб Имоми Аъзам Абу Ханифа ан-Нуъмон ибн Собит (699-767) қарашлари асосида сунний йўналишида Ҳанафий мазҳаби шаклланган бўлса, кейин ул зотнинг шогирд ва издошлари томонидан моликия, шофеъия, ханбалия мазҳаблари, шиа йўналишида эса пайғамбаримиз авлодидан олтинчи имом Жаъфар ас-Содиқ (700-765) номи билан боғлиқ жаъфария мазҳаби вужудга келди.

Ислом сўзи маъноси нимани англатади? Ислом сўзи арабча тангрига ўзини топшириш, итоат, бўйсунуш, тинчлик каби маъноларни англатади. Ислом илоҳий –диний таълимотдир. Ислом динининг муқаддас китоби – Қуръони Карим ҳисобланади.

Талабаларга шуни айтиш керакки, Ислом дини, унинг муқаддас китоби Қуръон ва ҳадисларда исломий таълимотнинг асоси баён қилинган. Қуръон муқаддас китоб. Унда ислом қонун-қоидалари, иймон-этикод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар ўз ифодасини топган. У 114 сура ва улар тарғибидаги оятлардан ташкил топган.

«Сунна» эса ҳадислар мажмуи бўлиб, Қуръондан кейин туради ва уни тўлдиради. Унда Муҳаммад пайғамбарнинг сўзлари хатги-ҳаракатлари нақллар ва ҳадис шаклида жамланган. Қуръон ва суннадан кейинги муҳим манба шариатдир. Шариат (тўғри йўл, илохий йўл демакдир) исломда ҳуқуқ ахлоқий меъёр ва амалий талаблар тизимидир. Ислом дини, Қуръон ва ҳадислар моҳияти, Исломдаги турлича оқим ва мазҳаблар ҳақида талабалар диншунослик, маданиятшунослик ва маънавият асослари каби фанларда ҳам батафсил маълумотлар олиш имконига эгадирлар. Шуни эътиборга олиб талабаларни диққатини қисқача тарзда Исломдаги асосий йўналишларга қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Улар: суннийлик, шиалик ва хорижийлик. Улар диний таълимот, маросимчилик, ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларга оид масалаларда ўзаро фарқланиб туради.

Хорижийлар йўналиши ўрта асрлар даврида кўпгина оқимларга бўлиниб, кейинчалик йўқолиб кетган. Фақат ибодийлар (абодийлар) оқими сақланиб қолган.

Суннийлик ва шиалик ҳокимият масаласида (суннийлик ҳалифалик ҳокимияти, шиалик эса имомат ҳокимияти тарафдори) айрим диний маросим ва анъаналарда бир-биридан фарқ қилади.

Исломдаги оқимлар ақидавий таълимот ва маросимчилик масалаларида бир-биридан ажралиб турадиган диний гуруҳлардир. Шиаликдан қарматлар, исмоилийлар, зайдийлар, нусайрийлар, алиилоҳийлар ва бошқалар ажралиб чиққан.

Суннийликдан равшанийлар, ахмадия, жангари ваххобийлар, махдийлар ажралиб чиққан. Мазҳабчилик илоҳиёт масалалари бўйича юзага келган ўзаро келишмовчиликлар натижасидир.

Исломда ханафийлик, ашъарийлар, жабарийлар, Падарийлар, сифатийлар, муржиъийлар, муътазилийлар каби мазхаблар мавжуд. Падарийлар инсон ирода эркинлигини ёллаб чиқиб, уни тан олмаган жабарийларга Парши чиққан. Мўтакаллимлар аристотелчилик фалсафаси усил ва воситаларидан фойдаланиб, исломнинг диний-ақидавий таълимотини асослаб беришга уринган. Умуман Мусулмон маданиятида асосан Пуръонни ёд олиш, ўрганиш, шарълаш, уни воъизлик, Потиблик орқали тарқиб ва ташвиъ этиш, Муаммад саллоллоҳу алайҳа вассаламни Паёти ва Патти-Паракатлари, энг муҳим кўрсатмалари тўғрисидаги Падисларни тўплаш, системалаштириш, шарълаш, уларнинг ишончли (сабиъ) иснотларини топиш, тарихлар ўқиш етакчи бўлган, тафсирлаш тузишга киришилган. **Талабаларга тайёргарлик учун ёрдамчи материаллар:**

СУННА БОСҚИЧИНING АСОСИЙ ЮТУҚЛАРИ

1. Пайғамбаримиз (С.А.В.) давридан **Тавҳид эътиқоди асосидаги инсоний биродарлик жамоаси - “умма” тушунчаси** шакллана бошлаган бўлса, VIII аср иккинчи ярми - IX аср бошларидан (750 йил - Абу Муслим кўзғолони ва Аббосийларнинг ҳокимиятга келиши, 813 йилда Маъмуннинг халифалик тахтига ўтириши натижасида) **минтақанинг уч буюк халқи - араб, форс ва туркий элатлар аро сиёсий қудратда ўзига хос мувозанат ҳолати вужудга келди, яъни Исломнинг асл ғояси - мусулмон умматининг тенглиги амалда жорий бўлишига воқеъ имкон туғилди.**
2. Турли исломий мазхаблар (**ханафия, шофеъия, моликия, ханбалия, жаъфария**), яъни ислом эътиқодига оид қарашлар ва амалларнинг баъзи фарқларга эга бўлган беш йўналиши шаклланди, ва бора-бора улар орасида бир-бирини инкор этмаслик ва ўзаро ҳурмат муносабатлари ўрнатилди. Бундай **турли талқинлар аро ўзаро муроса ҳолати** охир натижада эътиқод масалаларида таассуб (фанатизм) ва бир ёқлама ақидапарастлик хавфининг олдини олишга асос бўлди.
3. Мусулмон ҳуқуқи - **шариат ва фикҳ асосларини** шакллантириш бошланди. **Имом Аъзам** - Абу Ҳанифа ан-Нуъмон бин Собит (699-767) ва унинг яқин шогирдлари **Имом Абу Юсуф Ансорий** (731-804) ва **Имоми Муҳаммад аш-Шайбон** (749-805) бу соҳада асосчи бўлдилар.
4. **Пайғамбаримизнинг ҳаёт йўллари ҳақида дастлабки мукаммал асарлар** - **Ибн Исҳоқ** (704-707) ва **Ибн Ҳишом** (вафоти 834 йиллар)

“Сира”лари (**“Сират ар-Расулуллоҳ”**) вужудга келди. Бу китобларнинг асосий ғояси **рисолат (пайғамбарлик - мессия) масаласи** бўлиб, улар кейинчалик умуман пайғамбарлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида батафсил хабар берувчи китоблар - “Қисас ул-анбиёлар” яратиш анъанасига асос намуна бўлди.

5. **Қуръон тафсирларини** тадвин қилиш (мукаммал тафсир китоблари тузиш) анъанаси ривож олди.

6. Халифа Умар ибн Абдулазиз (717-720) давридан Муҳаммад (С.А..В.) ҳадисларини жамлаш расмий тус олиб, Имом Малик ибн Анас (713-795)нинг “ал-Муватто”, Имом Шофеъий (767-820) ва имом Аҳмад ибн Ханбал (780-855)ларнинг “Муснад” деб номланган йирик ҳадис тўпламлари вужудга келган бўлса, **IX асрда ҳадисшунослик илми мукаммал шаклланиб**, унинг қатъий қоидалари асосида ислом оламида Қуръони каримдан кейинги энг нуфузли манба ҳисобланган **6 саҳиҳ (ишончли) ҳадис тўпламлари** яратилди. Уларнинг муаллифлари: Абу Абдуллоҳ Исмоил ал-Бухорий (810-870), Имом Муслим ибн ал-Хажжож (819-874), Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий (824-874), Абу Довуд Сулаймон (817-888), Аҳмад ан-Насоий (830-935), Абу Исо Муҳаммад ибн Ўзид ибн Можжа (824-886) каби машҳур муҳаддислардир.

7. Расулуллоҳ (С.А..В.) ҳадисларининг энг муҳим ва салмоқли қисми кишиларда **юксак инсоний фазилатларни шакллантириш**га қаратилган. Улардаги ота-онага эҳтиром, илмга интилиш, сабр-бардош, шукроналикка даъват, ўзаро меҳр, иноқлик, меҳмондўстлик, етимпарварлик, вафо ва садоқат, меҳнатсеварлик ва ҳалол луқмани шарафлаш, камтарлик, камсуқумлик, самимият ва ростгўйлик хислатларининг биринчи ўринга қўйилиши инсоният учун бебаҳо маънавий қадриятлар силсиласини ташкил этади. Улар асосида **ислом ахлоқининг муназзам ва мукаммал бир тизим ҳолида минтақада пухта шаклланиши** бу даврнинг ниҳоятда муҳим ҳодисаси эди.

8. *Адаб илмига* асос солинди, шеърият, филология илмлари ривожланди. Ибн ал-Муқаффанинг (724-759) “Ал-Адаб ас-Сағир”, “Ал-Адаб-ал-Кабир” асарлари, Халил ибн Аҳмаднинг (718-792) луғатшунослик ва аруз илмининг назарий асосларига бағишланган “Ал-Айн” асари дунёга келди, Ибн ал-Мутазз(861-908) илк бор “Илми бадеъ” (шеърий санъатлар ҳақида илм)ни кашф этди. Араб мумтоз шеъриятининг асосчилари Абу Нувас (762-813), Башшар ибн Бурд (714-784), Абул Атахия (718-825) каби улуғ шоирлар, Ал-Жоҳиз (775-868) каби адиблар, илк бора Расулуллоҳ ҳадисларига туркий тилда шеърий шарҳлар бағишлаб дoston ёзган аллома шоир Адиб Аҳмад шу даврда яшаб ижод этдилар. Хуллас, ақлга, мантикий тафаккурга таяниш натижасида ҳақиқатни англаб етишнинг турли мувозий (параллел) йўналишлари шакллана бошлади. Сунна доирасидаги мазҳабларга қараганда энди бу даврда шаклланган фикрий оқим ва йўналишларнинг ўзаро фарқи анча-мунча сезиларли тус олган ва ўзаро мунозара ҳам кучайган эди. Бу даврнинг катта-кичик оқимлари ниҳоятда кўп бўлганлиги сабабли биз фақат энг муҳимларигагина тўхталиб ўтамиз. Уларни танлашда ўз билгимизча иш кўрмаслик учун ушбу даврнинг энг нуфузли намояндаларидан бўлмиш Имом Абу Ҳамид Ғаззолий (1058-1111) ҳамда мутафаккир шоир ва олим Умар Хайём (1048-1122) санаб ўтган йўналишларнинг ўзига диққат қаратсак, кифоя қилса керак. Чунки бу давр ислом минтақасининг тафаккур оламини қамраб олиш учун ўнлаб эмас, балки юзлаб жилдлар битиш керак бўлади ва бу гаплар асло муболаға эмас.

Энг ажойиби шуки, даврнинг энг муҳим йўналишларини ажратиб олишда буюк мутакаллим Ғаззолий ва буюк файласуф ва табиийунчи (табиий фанларни ўрганувчи) Умар Хайём мутлақо бир хил хулосага келганлар. Демак, бу хулоса кўп жиҳатдан ўша даврда мавжуд ҳақиқатни акс эттирган, дейиш мумкин.

Ислом маърифатчилиги даврининг энг буюк алломаларидан бўлмиш Имом Абу Ҳамид Муҳаммад бин Муҳаммад ал-Ғаззолий ҳақида унинг мухлислари «Агар Муҳаммаддан кейин пайғамбар бўлиши мумкин бўлганда, албатта

Ғаззолий бўлур эди», деб муболаға қилишлари бежиз эмас. Ушбу мухтарам зот ислом минтақа маънавиятининг ўзидан олдинги 5 асрлик тақомилини ўз асарларида теран хулосалаб, янги йўналишларни белгилаб бера олган буюк устоздир. «Ал-Мунқиз мин ад-далал» («Адашувлардан қутқарувчи») асарида имом ал-Ғаззолий ёзади: «Менда шундай тасаввур шаклландики, Ҳақиқатни изловчилар тоифаси тўрт гуруҳга бўлинадилар:

1.Мутакаллимлар...

2.Ботинийлар...

3.Файласуфлар...

4.Суфийлар...»2.

Умар Хайём ҳам ўзининг «Дархостнома» («Сўралган нарса ҳақида китоб») рисоласида ушбу йўналишларни ўзгаришсиз қайтаради, яъни мутакаллимлар, файласуфлар, исмоилийлар (яъни ботинийлар) ва суфийларни у ҳам санаб ўтади.

Албатта, ҳар бир йўналишнинг таърифи ҳар икки алломада бир хил эмас, чунки уларнинг дунёқарашида ўзаро жиддий фарқлар мавжуд эди. Ҳар икки олимнинг таснифи ўзаро мос тушганлиги аввало ислом маърифатчилиги даврига хос бир маънавий фазилатни муайян акс эттиради: бу даврга келиб ислом минтақа маънавиятида нафақат шариат аҳкомлари талқинида турлича қарашлар, балки янада кенгроқ маънода, яъни Борлиқнинг олий ҳақиқатини излашда бир-биридан жиддий фарқ этувчи турлича йўналишлар вужудга келган ва улар зиёли давраларда ўзаро расман тан олинган эди. Ҳозирги замон тилига ўгириб айтганда, Сунна даврида ислом эътиқоди ақидалари мажмуи бўлмиш шариат доираси билан чекланган талқинлар плюрализми (ислом динининг беш мазҳаби) шаклланган бўлса, энди иккинчи босқичда Ҳақиқатни англаб етишда турли оқим ва йўналишлар (Тавҳид таълимоти доирасидаги турлича қарашлар) плюрализми вужудга келди. Ушбу ҳодиса

2 Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана. М.-«Наука»-1960, с. 217 (Ғаззолийнинг *Бир гуруҳга берган ЎсЛача таърифларини* тушириб *Ўлдирдик* – муаллиф).

хурфикрлик анъаналари ислом минтақа маънавиятида X-XI асрлардан янада кенг ривож ола бошлаганини англатар эди.

Талабалар яна шунга эътибор бериш керакки, Ислам динининг фалсафий ғоялари ривожланишига Шарқ халқларининг исломдан олдинги ижтимоий – фалсафий қарашлари ҳам таъсир этди. Бу борада IX – X асрларда имомлар Абу Ҳанифа, Ибн Анас, Абу Юсуф, Муҳаммад аш – Шайбон, Шофеъий, Ибн Ханбанлар жонбозлик кўрсатиб, ислом ва шариатдаги асосий тўрт мазҳабларни туздилар. Имомлар Ибн Можа, Абу Довуд, Абу Иса ат – Термизий, Исмоил Бухорий, Насаъий ва бошқа муътабар сиймолар пайғамбар ҳадисларини йиғиб, системалаштириб, уларнинг иснодларини, саҳиҳларини аниқлаб, илмий тадқиқ қилганлар. Қуръон тафсирчилигини санъат даражасига кўтарган имомлар – Табарий, Саъолибий, Фаҳриддин Розий, Замахшарий, Байзовий, Абдурахмон ал – Ижжий кабиларни улуғ номларини ёдда сақлаб бориш лозим. Мусулмон маданиятининг энг муҳим қисми – диний қавмлар, мазҳаблар ва оқимларни, турли мафкуравий – ғоявий таълимотларни қиёсий ўрганишда Ибн Ан – Нодим, Хоразмий, ал – Воситий Фарғоний, Абу – л – Ҳасан ал – Ашъарий, Бағдодий, ан – Навбаҳтий, Беруний, Ибн Ҳазм, Муҳаммад аш – Шаҳарастоний, Муҳаммад аш – Шаҳризурий, Муҳаммад ал – Фаҳрий ва бошқалар асосли илмий – назарий натижага эришганлар. Улар Исламдаги турлича оқим ва мазҳабларни Ислам таълимоти, унинг қонун – қоидалари, уларга амал қилиш борасидаги умумий қарашларга келтириш, уларни бирлаштириш учун ҳаракат қилганлар. Талаба шунга эътибор бериш керакки, Аллоҳнинг барча китобларида уқдирилган, аждодларимиз асрлар давомида англаб етган ва имон келтирган Тавҳид ҳақиқатининг моҳияти шундаки, ягона Аллоҳ иродаси билан биз кўриб турган Борлиқнинг ҳар бир узви, қисми, зарраси ўзгалари билан боғлиқ, ўзаро алоқадордир. Шу сабабли Борлиқдаги ҳар бир зарра ўзгариши бутун Борлиқни ўзгартиради, ҳар бир заррадаги ўзгариш эса, ўз навбатида, бутун борлиқдаги ўзгаришдан келиб чиқади. Бу умумжаҳоний қонуният аро ер юзида халифа қилиб яратилган Инсон зотининг алоҳида имтиёзи - унинг

иродаси эркин, унга онгли ва ихтиёрий ҳаракат қилиш имкони берилган. Шу билан бирга Ер юзида халифалик ҳам катта имтиёз, ҳам жиддий масъулиятдир - онгли ва ҳур зот сифатида Инсон ҳар бир қадами учун бутун Борлиқ олдида масъул, ҳар бир хатти-ҳаракатига Аллоҳ олдида жавоб беради. Тавҳид ҳақиқатининг яна бир сирини эътироф этиш керак. Борлиқнинг ягоналиги шуни тақозо қиладики, ундаги энг ибтидоий маконда силжиш ҳаракатидан энг олий маърифат йўлларигача аслида бир пайтнинг ўзида мавжуд. Фақат инсоний мантиқнинг муайян даражада чекли эканлиги боис, биз тасаввур этган замон ва маконда ҳар бир нарса-ҳодисанинг ҳар бир ҳолати камолотнинг муайян босқичи доирасида тасаввур қилинади.

Калом фалсафаси: Исломнинг илоҳий фалсафасини ишлаб чиққан алломалар кимлар? Абу-л-Ҳасан ал Ашъарий, Абу Мансур Матуридий Самарқандий, Боқиллоний, Абу Ҳомид ал – Ғаззолий, Фаҳриддин Розий, Абдурахмон ал – Ижжий, Саъдуддин Тафтазоний, Абу Ҳафс – Умар ан-Насафий ва бошқа қатор ақоидлар исломнинг илоҳият фалсафасини – Каломни ишлаб чиқиб, шариат ақидавий – дунёқараш асосларига, шарт – шароитларига, тараққиёт суръатларига мослаша оладиган йўналиш бердилар. Бу эса, Ислом, Калом “ҳукмронлик қилган” ўрта аср муслмон маданияти, маънавий ҳаёти, диний мафкураси уша давр ғоялар ва қарашлар, тафаккур эркинлиги, ҳурфикрлиликни, диний-эътиқодий бағрикенгликни, сабртоқатлиликни вужудга келишида муҳим аҳамият каб этди. Шулар туфайли турли диний эътиқодлар, турли мазҳаблар вакиллари маълум маънода биргаликда ҳам фикрда бўлишганлар, маърифатли баҳс – мунозара юритишганлар. Бундан аён бўладики, талаба эътиборини қаратиши керакки, Ислом фалсафаси нафақат бир минтақада, балки, ғарбу – шарқда кенг тарқалди, насроний, яҳудий динлари, Ғарбий Европа маданияти ва илоҳияти фалсафаси тараққийтига кенг ижобий таъсир кўрсатди. Бунни қуйидагилар тасдиқлайди: Абу Мансур Матрудий ас – Самарқандий, Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий, Абу-л-Қохир ал-Бағдодий, Абу Ҳомид ал-Ғаззолилар улуг Альберт, Фома Аквинский, У.Оккам, В.Овернский, Сигер Барабантский ва бошқалар учун мўтабар маънавий устозлар саналган. Улар рационализм ва

инсонпарварлик майлларининг қайтадан жонланишига, Уйғониш даврининг асосий ғоялари бўлиб қолишларига тўртки берганлар.

Калом (илми) – Нақлий ва ақлий билимлар уйғунлигига таянган хос ислом фалсафаси ва илоҳиёт илми. Калом илмининг дастлабки йирик оқими бўлган **мўътазила** дин ақидаларини ақл тарозисида ўлчаб талқин этишга асосланган эди, бу оқим вакиллари исломнинг энг муҳим икки масаласи - Адолат ва Тавҳид тушунчалари талқинида шу даражада илгари кетдиларки, улар изидан ислом маърифатчилигининг буюк тўлқини келиши даврнинг мантиқий тақозоси бўлиб қолди. Ислоннинг мўътазила талқини Халифа Маъмун (813-833) замонида расмий таълимотга айланиб, ҳатто унинг қарашларига қўшилмаган руҳонийлар тазйиқ остига олина бошланди. Бу ҳолат то 849 йилда халифа Мутаваккил (847-866) бундай баҳсларни тақиқлаш ҳақида фармон чиқаргунча давом этди. X асрга келиб, калом илмининг **ашария** ва **мотуридия** оқимлари шаклланди. Калом фалсафаси Тавҳид таълимотини минтақадаги барча эски ақидалар мажмуидан ҳар томонлама устунлигини ақл ва мантиқ қудрати билан исботлаб бергач, исломнинг маънавий мавқеи беқиёс юксалиб

Асли ислом
маърифатчилиги босқичида
кенг ривож олган кўпчилик
оқимлар Уммавийлар
давридаёқ мустақил бўлиб,
ажралиб чиққан мўътазила
диний фалсафасининг
маънавий таъсири остида
юзага келди десак,
муболаға бўлмайди. Ўз

кетди, шу билан бирга Қуръони карим
оятларида таъкидланган тарихий тадрижийлик
қоидаси чуқурроқ идрок этила бошланди.
Аллоҳнинг охирги китоби келтирган маънавий
бойликни теран англаб етиш учун исломгача
яратилган бутун маданий меросни чуқур
ўрганиш ва тўғри талқинда ўзлаштириш
лозимлиги маълум бўлиб қолди.

даврида Басра қозиси бўлмиш йирик ва машҳур дин арбоби Ҳасан ал-Басрий (642-728)нинг салоҳиятли шогирди Восил ибн Ато (699-748) бир масалада устози билан баҳслашиб қолиб, тарафдорлари билан унинг суҳбатини тарк этади ва янги мустақил йўналишга асос солади. Иътазала (тарк этиш) сўзидан келиб чиққан ҳолда бу оқим мўътазила деган ном олади. Восил ибн Атога тегишли деб ҳисобланувчи китобларнинг бири «Ат-Тавҳид ва-л-Адл» деб ном олган. Кейинги асрда унинг издошлари Муаммар б. Аббод (вафоти 830 йил), Абу Исҳоқ ан-Наззом (вафоти 845), Абу Ҳузайл ал-Аллоф (749-849) ва бошқалар мўътазиланинг 5 асосий қоидасини ишлаб чиқдилар. Уларнинг биринчиси Ал-Адл (Аллоҳнинг адолати) ва иккинчиси Ат-Тавҳид (Аллоҳнинг ягоналиги) бўлиб, бу икки тушунча ислом минтақа маънавиятининг кейинги ривожига етакчи ғояларга айланди. Мўътазила таълимоти Аллоҳ адолати деганда мавжуд воқеликнинг муайян қонуниятлар асосида ривожланиши ва инсон иродасининг эркинлиги каби ўта муҳим қоидаларни назарда тутарди. Аллоҳнинг мутлақ ягоналиги (Ат-Тавҳид) қоидаси эса, мўътазила талқинида Ягона илоҳий зотни тасаввур этишда асотир тафаккурнинг бутун қолдиқ унсурлари, айниқса, Аллоҳ таоло зотига инсонга хос сифатлар (кўз билан кўриш, қулоқ воситасида эшитиш, қўл билан яратиш ёки тутиб туриш, ақл билан билиш кабилар) нисбат берилишини (яъни антропоморфизмни) тўлиқ инкор қиларди. Мўътазилага

шуҳрат келтирган ва уни бидъат сифатида қораланишининг бош сабабларидан бўлган «Қуръоннинг яратилганлиги» («Худус ал-Қуръон») ҳақидаги ўзига хос нуқтаи назар ҳам бу йўналишнинг мантикий тафаккурга таянганлигига ишора қилади. Калом йўналишининг дастлабки йирик оқими бўлган мўътазила шаксиз диний фалсафа эди, яъни дин ақидаларини ақл тарозисида ўлчаб талқин этишга асосланган эди, аммо бу оқим вакиллари исломнинг энг муҳим икки масаласи - Адолат ва Тавҳид тушунчалари талқинида шу даражада илгари кетдиларки, улар изидан ислом маърифатчилигининг буюк тўлқини келиши даврнинг мантикий тақозоси бўлиб қолди. Халифа Маъмун (813-833) даврида исломнинг мўътазила талқини расмий таълимотга айланди ва ҳатто Қуръоннинг яратилганлиги ҳақидаги қарашга қўшилмаган руҳонийлар тазйиқ остига олина бошланди. Бу ҳолат чорак аср давом этди. Ниҳоят 849 йилда халифа Мутаваккил (847-866) Қуръоннинг яратилганлиги ҳақидаги баҳсларни тақиқлаш ҳақида фармон чиқарди. Энди мўътазила оқими вакилларининг ўзлари қувғин этилдилар.

Аммо фикр тўхтаб қолмади, мўътазила оқими ҳам йўқ бўлиб кетмади.

Халифа Маъмун ҳомийлигида Бағдодда шаклланган «Байтул-ҳикма»

(Донишмандлик уйи, ҳозирги тил билан - Академия) доирасида табиий фанларни ўрганиш кенг йўлга қўйилди. Бизнинг юртдошларимиз Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий (780-850), Аҳмад Фарғоний (вафоти 861 йил) ва бошқалар бу давр ислом минтақа маданиятининг фахри эдилар.

Калом фалсафаси Тавҳид таълимотини минтақадаги барча эски ақидалар мажмуидан ҳар томонлама устунлигини ақл ва мантиқ қудрати билан исботлаб бергач, исломнинг маънавий мавқеи беқиёс юксалиб кетди, шу билан бирга Қуръони карим оятларида таъкидланган тарихий тадрижийлик қоидаси чуқурроқ идрок этила бошланди. Аллоҳнинг охирги китоби келтирган маънавий бойликни теран англаб етиш учун исломгача яратилган бутун маданий меросни чуқур ўрганиш ва тўғри талқинда ўзлаштириш лозимлиги маълум бўлиб қолди. Бу билан **ислом маърифатчилиги босқичининг иккинчи муҳим хусусияти - ўтмиш меросни ўрганишга**

жиддий киришиш ва уни янгича асосларда англаб етиш ҳаракати ҳар тарафлама ривожланди. IX асрдаёқ кенг миқёсда таржимачилик фаолияти бошланиб,

Нақлий билимлар – илоҳий китоблар орқали ёки турли йўллар билан (асосан, ёзма манбаларда) ўтмиш аجدод-лардан етиб келган билимлар.

Хунайн ибн Исҳоқ (810-873), Собит ибн Курра (886-901) каби атоқли ва сермахсул таржимонлар, бутун-бутун оилавий таржимачилик мактаблари етишиб чиқди. Қадим Юнон фалсафий мероси деярли тўлиқ араб тилига таржима қилинди. Қадим Сурия, Бобил, Эрон, Ҳинд ва бошқа ўлкаларда

яралган муҳим манбалар араб тилига ўғирилди. Адабий ва тарихий асарлар, жумладан, Эрон ва Турон тарихига оид манбалар ҳам таржима қилинди. Оғзаки бадий

адабиёт намуналарини ёзиб олиш ва тартибга солиб, мавзулар асосида тўпламлар тузиш авж олди. Бу ишларнинг кўпи давр зиёлиларининг фидокорона меҳнати ва ташаббуси билан амалга оширилди.

Ақлий билимлар - инсон ўз тафаккури билан етишган билимлари. Улар ҳам ўз навбатида бир нечта турга бўлинади: (1) - ҳаётни куза-тиб ва таҳлил этиб ҳосил қилинган билимлар, (2) – мантиқий, яъни билган нарсаларини ўзаро фикрий қиёслаш ва

Хорун ар-Рашид, Маъмун каби йирик давлат арбобларидан тортиб турли ўлка ва вилоят ҳокимлари, ноиблари, вазирлар, турли даражадаги зодагон гуруҳларнинг бу борадаги хизматларини ҳам назардан кочирмаслик лозим. Сунна давридаёқ ислом ҳукмдорлари, олий табақа вакиллари ўртасида зиё аҳлини саройга жалб қилиш, шоирлар, муаррихлар, мунажжимлар, фақиҳлар, тиб олимлари, ҳатто риёзиёт (математика), хандаса (геометрия), адаб илми

таҳлил қилиш орқали ҳосил қилинган билимлар, (3) - амалий фао-лият жараёнида ва ёки ўрганиш билан ҳосил қилин-ган малака ва кўникмалар шаклидаги билим.

(филология ва риторика) намояндаларини атрофга тўплаб, уларнинг илмий фаолиятини моддий рағбатлантириш кенг урф бўла бошлаган эди.

Аммо бир ҳақиқатни қайд этиб ўтиш керакки, Сунна ва ҳадис илмининг буюк устозлари доимо саройдан ўзларини четга тортиб келдилар, Абу Ҳанифа ва Имом Бухорий каби ислом оламининг энг ёрқин сиймолари ҳатто қозилик вазифасини бажаришга розилик бермадилар. Маърифатчилар сарой ҳомийлиги бўлмаса, мақсадларига эриша олмас эдилар. Чунки табиий фанлар ва ўтмиш меросни жиддий ўрганиш учун бутун умрни бағишлаш, бундан ташқари турли моддий харажатларни қоплаш керак бўлар эди. Шу сабабли ислом маърифатчилиги намояндаларининг кўпчилики йирик вакиллари саройда, сарой билан боғлиқ ҳолда ёки саройга яқин доираларда ижод қилишди.

Мўътазила оқими бошлаб берган Калом фалсафасига X асрдан яна икки мустақил йирик оқим келиб қўшилди. Уларнинг биринчиси кўпчиликка маълум бўлган ашъария оқими бўлиб, асосчиси Абул Ҳасан Али бин Исмоил ал-Ашъарий (873-935) номи билан шуҳрат қозонди. Ал-Ашъарий ўзи Басрада мўътазила оқимининг ўша даврдаги етакчи устозларидан Абу Али ал-Жуббойи (вафоти 915 йил) қўлида таълим олган бўлиб, устози бегона эмас, Абулҳасанга ўғай ота бўлар эди. Аммо 912-913 йилларга келиб, ал-Ашъарий мўътазила оқимидан узоқлашиб, Бағдодга кўчиб ўтди ва ўзи янги мустақил

таълимотга асос солди. IX асрда мўътазила оқими шаклланаётган пайтда хали юнон файласуфларининг мероси араб тилига мукаммал ўтирилган эмас эди. Шу сабабли айтиш мумкинки, Тавҳид таълимотининг мўътазила талқини нисбатан мустақил мантикий тафаккурга таянган эди. Аммо ал-Ашъарий даврига келиб, Афлотун ва Арасту каби улуғ юнон файласуфлари изидан боровчилар пайдо бўлиб, араб тилидаги мустақил ислом фалсафа мактаби шакллана бошлаган ва бу соҳада янгилик яратиш қийинлашган эди.

Ал-Ашъарий ўз таълимотини яратишда Демокритнинг атом ҳақидаги назариясидан фойдалангани ҳақида илмий доираларда мулоҳаза юритилади. Аммо Ал-Ашъарийнинг энг асосий асарлари бевосита бизгача етиб келмагани сабабли бу ҳақда аниқ хулосалар қилиш қийин. Яқин ўтмишда ашъария оқими реакцион ҳисобланиб, аввал фалсафага, кейин мўътазилага ҳам қарши қўйиб келинди. 80-йиллар охиридан бошлаб, бундай ёндошув унча тўғри эмаслиги, мўътазила ва ашъария оқимлари орасида фарқларгина эмас, умумий жиҳатлар ҳам кўп эканлиги кўпчиликка маълум бўлмоқда. Бу оқимнинг кейинги намояндалари ичида Ал-Бақиллоний (вафоти 1013 йил), Абу Исҳоқ ал-Исфарионий (вафоти 1027 йил), Ал-Жувайний (вафоти 1085 йил), Аш-Шаҳристоний (вафоти 1153), Фахриддин Розий (вафоти 1209 йил) каби улуғ алломалар ижоди жаҳон илмида кўплаб махсус тадқиқотлар мавзуй бўлиб келмоқда. Айниқса, охирги икки буюк зот ижоди алоҳида эътиборга сазовор бўлиб, уларда фалсафа ва Калом йўналишларининг яқинлашуви кузатилади.

Абул Ҳасан ал-Ашъарий билан деярли бир вақтда бизнинг яна бир буюк юртдошимиз Абу Мансур Муҳаммад бин Муҳаммад ал-Ҳанафий ас-Самарқандий ал-Мотуридий (870-944) Калом илмининг учинчи мустақил оқими мотуридияга асос солди. Аллома таваллуд топган Мотурид қишлоғи ҳозирги кунда Самарқанд шаҳрининг бир маҳалласига айланган. Ёш Абу Мансур Муҳаммад Самарқандда ҳанафия мазҳаби фақиҳлари қўлида таълим олди ва кейинча ўша ерда ўзи ҳам мударрислик қилиб, фикҳ ва Калом илмини талабаларга ўргатди. Олимнинг асосий асарларидан «Китоб ут-

Тавҳид» ва «Китоб таъвилат ал-Қуръон» асарлари бизгача етиб келган. Мотуридийнинг қабри Самарқанднинг машҳур зиёратгоҳларидан, юзлаб улуғ алломаларнинг хоки-поклари жой олган Чокардиза мазорида бўлиб, собиқ тоталитаризм замонида (1948 йилдан кейин) атайин бузиб ташланган бу табаррук қабристон мустақиллик шарофати билан қайтадан обод қилинди. Мотуридия оқими ашъариядан баъзи масалаларга муносабати жиҳатидан жиддий фарқ қилади. Масалан, инсоннинг ирода эркинлиги, яъни ўз ҳаракатларида соҳиби ихтиёр эканлиги мотуридия оқимида тан олинади. Мотуридия оқими ҳанафий мазҳаби доирасида, ашъария эса шофеъийлар орасида ёйилган бўлиб, 1040-1044 йилларда Бағдод ва Самарқандда бу таълимотлар расмий ислом ақида ва арконлари сифатида тан олинди ва ҳаётга жорий этилди. Мотуридия оқимининг инсонни соҳиби ихтиёр деб ҳисоблаши ва инсон ақли яхшилик ва ёмонлик (хайру шарр)ни бир-биридан ажрата олади, дейиши ашъариядан фарқли равишда Мовароуннаҳр ва Хуросонда кейинги (XII-XV) асрларда илм-фан равнақ топишига йўл очди. XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларидаги мусулмон Шарқда етишиб чиққан ислохотчи уламолар (Муҳаммад Абду, Абдурахмон ал-Кавкабий кабилар) Имом Мотуридий таълимотига асосланиб, шариатдан чекинмаган ҳолда ислом дунёсини ақлга таяниб, замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланиб ва уларни тараққий эттириб, ислом жамияти олға ривожланиши зарурлигини назарий асослаб берганлар, замон талабига жавоб берувчи фатволар чиқарганлар. Бу йўналиш Шайх Сайид Жамолиддин ал-Афғоний, Исмоилбей Ғаспи-рали, Маҳмудхўжа Бехбудий каби илғор ислом уламолари фаолиятида янада кенг авж олди.

Абу Мансур Мотуридий (мелодий 944 йилда вафот этган) калом илмининг ақл мақомига алоҳида эътибор қаратган. Самарқандда Мотуридия мактабини яратган. Муътазилийлар (ажралиб чиққанлар) якка худоликнинг адолатли эканини, Қуръоннинг тангри томонидан яратилганлигини, ирода эркинлигини ёқлаб чиққан. Унинг асосчиси Восил ибн Атодир (69 748 йиллар). Унинг охири

вакилларида бири Замахшарийдир.

Калом ислом илоҳиётининг ўзига хос фалсафий таълимотидир. У диний ақидаларни асослаб беришга ўринган. Қуръонга таяниб, жаннат ва дўзахнинг азалий эканлигини, инсонда ирода эркинлигининг йўқлигини, лекин инсоннинг Оллоҳ олдида ўз қилмишлари учун масъул эканлигини асослаб беришга ҳаракат қилинган.

Бундай маънавий жараёнлар билан ёнма-ён исломда машшойунлар ва табиийунларнинг (Арасту фалсафаси ва табиатни ўрганишга аҳд қилганларнинг) фалсафий қарашлари шакллана борган. Бу исломий маънавиятнинг дунёвий ва диний масалаларда, жаҳон фалсафий тафаккурида рўй бераётган жараёнлар нисбатан ташаббускор бир куч эканини кўрсатиб турибди.

Қадимги Юнон фалсафаси анъаналарида сиёсий фаолият донишмандлик кўп ҳолларда бир-бирига қарама-қарши қўйилган бўлса, ислом фалсафасида сиёсатга, аксинча, инсон фаолиятининг юксак бир шакли сифатида қаралади. Исломда давлат бошқариш бу санъат, аммо у ижтимоий адолат таомилига амал қилмоғи зарур, ижтимоий адолат эса тенг ҳуқуқийликка амал қилиш туфайли барқарор бўла олади, деб ҳисобланади.

Ислом фалсафасига кўра, инсоният истиқболи комил инсонни шакллантириш орқали юзага келади, ахлоқ-одоб эса инсон тафаккурининг ажралмас тарғибий қисмидир. Мусулмон Шарқи мутафаккирларини ақл мақоми, мантиқ илми аввалдан қизиқтириб келади, чунки мантиққа таянмаган ҳар қандай билим ишончли ва самарали бўла олмайди. Бу масала ҳам ислом фалсафасида ўз ўрнига эга. Мусулмон Шарқи, жумладан ислом жорий этилганидан кейин Ватанимиз ҳудудидан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар ижодида Оллоҳ, инсон ва табиат масалалари илоҳиёт ва дунёвий фалсафани муҳим муаммоларидан бири бўлиб келган. Биронта буюк аллома ва мутафаккир исломий қадриятлар мавзуини четлаб ўтмаган. Ислом маърифатчилиги босқичининг иккинчи йирик йўналиши **ботиния** бўлиб, унинг асосида исмоилия бидъати ётади. Шиъа мазҳабидан ажралиб чиққан бу бидъат

намояндалари бошқа шиалар каби олтинчи имом Жаъфар ас-Содиқ (700-765) нинг кичик ўғли Мусо ал-Козим (вафоти 799 йил) ни эмас, катта ўғли Исмоилни имомликдаги вориси деб тан оладилар (Исмоил бин Жаъфар отаси ҳаёт чоғида 762 йилда вафот этган) ва имоматни шу 7-имомда якунланади деб ҳисоблайдилар³.

Ботиния – Ислом маърифатчилиги босқичида шаклланган Борлиқ ҳақиқатини идрок этишга оид яна бир йирик йўналиш бўлиб, унинг асосида **исмоилия** бидъати ётади. Исмоилия бидъати тарғиботчилари ўзларининг мураккаб фалсафий тизимини ишлаб чиқиб, шу асосда билимни зоҳирий (ташқи) ва ботиний (ички) даражага ажратдилар. Зоҳирий билим авом учун мўлжалланган бўлиб, асосан шиа мазҳаби шариат аҳкомларига мос келарди. Ботиний билим эса фақат танланган тор доира - хослар орасидагина тарқалиши назарда тутилар ва борлиқни идрок этишнинг мураккаб фалсафий тизимидан иборат эди. Ботиний билимлар қомуси сифатида шуҳрат қозонган буюк мерос - X асрда яратилган 52 рисоладан иборат “Расоили ихвон-ус-сафо ва хуллон ул-вафо” (“Пок биродарлар ва вафодор дўстлар рисоалари”) мажмуаси бўлиб, бу мукаммал қомус исломгача ҳосил бўлган илмий-фалсафий меросни чуқур ўзлаштириш асосида юзага келган бўлиб, минтақа илмининг кейинги ривожига катта таъсир кўрсатди. Ботиния йўналиши асосан исмоилия бидъатига боғлаб талқин этилса ҳам, аслида ўша даврларда кўпчилик расмий ақидага муҳолиф қарашлар шу ном остида умумлаштириб талқин қилинганлигини ҳам назардан қочирмаслигимиз керак.

³ Маълумки, шиалар 12 имомга этикод қиладилар.

Мисрда Фотимийлар давлат тепасига келгач (909 йил), исмоилийларнинг минтақа бўйлаб фаолияти авж олди ва таъсири ҳам кучайди. Давр ақл ва мантикий тафаккур даври эди. Шунга муносиб равишда исмоилия бидъати тарғиботчилари ўзларининг мураккаб фалсафий тизимини ишлаб чиқдилар. Улар билимни зоҳирий (ташқи) ва ботиний (ички) даражага ажратдилар. Зоҳирий билим авом учун мўлжалланган бўлиб, асосан шиа мазҳаби шариат аҳкомларига мос келарди. Ботиний билим эса фақат танланган тор доира - хослар орасидагина тарқалиши назарда тутилар ва борлиқни идрок этишнинг мураккаб фалсафий тизимидан иборат эди. Ботиний билимлар қомуси сифатида шуҳрат қозонган буюк мерос - X асрда яратилган 52 рисоладан иборат «Расоили ихвон-ус-сафо ва хуллон ул-вафо» («Пок биродарлар ва вафодор дўстлар рисоалари») мажмуаси бўлиб, бу мажмуада 14 рисола риёзиёт (математика)га, 17 рисола табиий фанларга, 11 китоб Олий ҳақиқат сирлари ва яна 10 китоб диний масалаларнинг мантикий таҳлилига бағишланган эди.

Бу мукаммал қомус исломгача ҳосил бўлган илмий-фалсафий меросни чуқур ўзлаштириш асосида юзага келган бўлиб, минтақа илмининг кейинги ривожига катта таъсир кўрсатди. Ботиния йўналиши асосан исмоилия бидъатига боғлаб талқин этилса ҳам, аслида ўша даврларда кўпчилик расмий ақидага мухолиф қарашлар шу ном остида умумлаштириб талқин қилинганлигини ҳам назардан қочирмаслигимиз керак. «Пок биродарлар» гуруҳидан ташқари исмоилиянинг Ан-Насафий (942 йилда ўлдирилган), Ал-Кирмоний (вафоти 1021 йил) сингари бошқа машҳур назариётчилари ҳам фанга маълум. Мовароуннаҳрда исмоилия бидъатини тарғиб этган энг буюк шахс шоир ва мутафаккир Носир Хусрав (1004-1088) бўлиб, у Помир тоғлари

бағридаги машхур Бадахшон ўлкасидан эди. У исмоилия қарашларини жиддий фалсафий руҳда талқин қилиб, айниқса, ижтимоий адолат масалаларига алоҳида диққатини қаратди.

Талаба диний бағрикенглик ғоясини илгари сурган алломалардан бирлари - Имом ал Бухорий, Термизий, Марғиноний ҳаёти ва ижодига айниқса, алоҳида диққатини қаратиши зарур бўлади. Имом ал – Бухорий машхур ҳадисшунос олим. Бухорий ўзининг буюк асари “Ал – жомеъ ас - Саҳиҳ”ни 16 йил давомида 600.000 ҳадислар орасидан энг саҳиҳларини ажратиб,ёзиб тугатган. Унинг бу асари суннийлар томонидан эътироф этилган “Сихоҳи ситта” (олти саҳиҳ китоб)нинг биринчисидир. Бухорийнинг бошқа асарлари – 18 дан ошиқ асрлари Фалсафа қомусий луғатда номлари келтириб ўтилган. Алломанинг умри давомида ёзиб олган ва ёд билган 600.000 ҳадисдан энг ишончли саҳиҳларидан 7275 тасини ажратиб, “Ал – жомеъ ас-Саҳиҳ” китобига киритган. У ўзи таъкидлашича, 100.000 ҳадисни ёд билган. Унинг юқорида келтириб ўтилган китобида баъзи ҳадислар ҳозирги табиатшунослик илмларининг асосини ташкил қилишини кўриш мумкин. “Ал-адаб ал-муфрад” асарида Бухорий инсон ахлоқи,одоби, маънавийкамолатига доир ҳадисларни турли мавзулар бўйича тасниф қилган ва зарур изоҳлар берган. Бу асарда 1322 та ҳадис ва хабарлар 644 бобда жам қилинган. “Адаб дурдоналари” асарининг илк бобларида фарзанднинг ота-она олдидаги бурчлари, ота-онани рози қилиш,уларнинг ҳақларини адо қилиш, қариндош –уруғ, болаларга, аёлларга меҳр-муруватли бўлиш, катораналик, ростгўйлик, ҳалол ва ҳаром ишлардан ҳазар қилиш, тежамкорлик каби инсон маънавий дунёсига доир масалалар ҳақида ҳадиси шарифлар асосида фикр юритилади. Имом Бухорийнинг кўплаб устоз ва шогирдлари бўлган.

Термизий Абу Исо Муҳаммад – буюк муҳаддис ва мутафаккир. Имом Бухорийнинг шогирдларидан бири. Термизий диний ва дунёвий илмларни, айниқса,ҳадис илмини алоҳида қизиқиш билан эгаллаган. Термизийнинг “Ал-Жомий”(Жамловчи), “Аш – Шамойил ан набавий”(Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари), “Ал-илал филҳадис”(“Ҳадислардаги оғишлар”), “Рисола фил-

хилоф ва-л-жадал”(“Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола”), “Ат-тарих”(“Тарих”), “Китоб ул-асмо ва-л-куно”(“Исмлар ва лақаблар ҳақида китоб”) каби асрлари бизгача етиб келган. Машҳур асари “Ал-жомиъ” пайғамбар алайҳиссаломга бағишланган 6 та ишончли ҳадислар тўпламидан иборатдир. Ушбу асар илмий адабиёт ва манбаларда турлича номлар билан аталиб келинган. М, “Жомиъ ат Термизий”(“Термизий тўплами”), “Сунан ат - Термизий”каби номлардир. Термизийнинг машҳур таълифларидан бири, “Аш-шамойил ан-набавийа”(“Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари”) бўлиб, расулуллоҳнинг суврат ва сийратлари, ажойиб фазилатлари, одатларига оид 408 ҳадиси шарифни ўз ичига олган манбадир. Термизийнинг мазкур асарларида илм-фанни эгаллаш, ота-она ва фарзандларнинг бир-бирини ҳурмат қилиш, ҳақ-ҳуқуқлари, таълим-тарбия, хулқ-одоб қоидалари, ҳалоллик, поклик, саҳийлик, адолат, инсоф ва бошқа ирсоний қадриятлар баён қилинади. Айни вақтда тубан иллатлардан бўлмиш ёлғон гапириш, тухмат, адоват, зулм, хиёнат, фитна-фасод, таъмагирлик қораланади. Термизийнинг ахлоқ-одобга оид ибратомуз фикрлари ҳозирги вақтда ҳам ўз таъсир кучини йўқотгани йўқ. Улар ёшларни тарбиялашда, маънавиятимиз ривожига муҳим ўринни эгаллайди.

Шариатни балоғат даражасидаги мукамалликка етказган “Бурхон-уд-дин” (яъни “Ислом ва шариатнинг рад қилиб бўлмайдиган, мутлақ исботи”) фахрли унвони соҳиби Абу-л-Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абу-л-Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғинонийдир. Марғиноний машҳур ҳуқуқшунослар сулоласидан етишиб чиққан. Унинг асосий асарлари “Нашр ал-масҳаб”, “Китаб ут-Тажнис”, “ал-Мазит”, “Китаб-ул-фараиз”, “Мухтарат-ун-навазил”, “Мансих-ул-ҳажж”, “Шарх-ул-Жомеъ-ул-кабир”, “Бидаят-ул-мубтадий”, (8-жилд), унинг мухтасари ҳисобланмиш 4-жилдлик “ал-Ҳидоя фил-фуруъ” ёки “ал-Ҳидоя фи-ш-шарх-ул-бидая”лардир. Марғиноний “ал-Ҳидоя”асари ўрта асрларда ҳам, ҳозирги кунларда ҳам нафақат шариат қомуси, қонун чиқариш асоси, балки умуман ҳар қандай ҳуқуқий таълим ва таҳсилнинг ибтидоси сифатида шариатдаги ҳанафий ҳуқуқий мактабига эргашувчи, унга амал қилувчилар учунгина эмас, балки Шариатдаги барча масҳаблар учун ҳам манбаадир.

Талаба “Ал-Ҳидоя” асари, умуман Марғиноний ҳуқуқий илмий меросида Шариат ҳуқуқчилиги системалашувининг қўйидаги йўналишларда назарий-методологик ечимларини билиб олишлари мумкин: 1.Ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш; 2. Мулкчилик турли шакллариининг конституциавий асосларини; 3.Жиноят ва жазонинг ҳуқуқий мақомини тадқиқ этиш; 4.Фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва амалиётини ўрганиш; 5. Қозилик ва процессуал қоидалар тартиботи ва тизими ва таркибини ўрганиш ва ҳ.з. Марғинонийнинг ва умуман Шариатнинг ҳуқуқий меросини ўрганиш ҳозирги замонда ҳам ҳуқуқий жамиятни қуриш ишига хизмат қилишини англаб олишимиз даркор бўлади.

4-масала. Тасаввуф ва унинг тариқатлари. Талабалар мазкур масалани ўрганишга киришар экан, қўйдагиларга эътибор бериши керак бўлади.

Тасаввуф фалсафий олим ва диний-маънавий Ҳодиса сифатида ислом дини доирасида (кўпгина ички сабаблар ва баъзи ташқи унсурлар — буддавийлик ва Ҳиндийликнинг илк диний тасаввурлари, шарқий христиан таркидунёчилиги, неоплатонизм кабиларнинг таъсири остида) пайдо бўлди. Тасаввуф учун вақдоният — Оллоҳнинг бирлиги, Оллоҳ ва оламнинг порлаб туриши, фано бўлиш, ориф шахсининг тангри таоло билан руҳан бирлашиб кетиши каби мушоҳадалар муҳим аҳамият касб этади. Бу олим намояндалари ва тарафдорларини суфийлар, деб атаганлар ва «суфизм» атамаси шундан пайдо бўлган. Илк суфийлар аҳлининг камбағал тоифаси орасида шаклланган. Уларнинг Ҳарашлари истилочилар зулми, адолатсизлик, ижтимоий тенгсизликка Ҳарши норозилик белгиси сифатида Ҳам юзага келган. Тасаввуф таълимоти ҳам исломнинг дастлабки асрларидаёқ пайдо бўла бошлаган бўлиб, аввал тақвога ўта қаттиқ риоя қилиш, нафл ибодатларга берилиш билан кўзга ташланган бу йўналиш VIII асрга келиб Робияйи Адавия сиймосида илоҳий ишқни улуғлашни биринчи ўринга чиқарди. IX асрдан Зуннун Мисрий (вафоти 859), Хорис Мухосибий (791-857), Боязид Бистомий (вафоти 875 йил) каби суфий шайхлари тасаввуф назариясига илк пойдевор тошларини қўя бошладилар. IX аср охири X аср

бошларида Жунайд Бағдодий (вафоти 910 йил) , Мансур Халлож (858-922) каби машхур сиймолар етишиб чикди. X аср охирида тасаввуф бўйича илк умумлаштирувчи китоблар «Китоб ал-лумаъ фи-т-тасаввуф» (Абу Наср Абдуллох ибн Али Саррож -вафоти 988 йил), «Китоб ат-таарруф ли мазҳаб-ул-тасаввуф» (Муҳаммад ибн Иброҳим Бухорий Калободий - вафоти 995 йил) кабилар ёзилди. Тасаввуф таълимотининг кенг ёйилиши XI асрдан бошланди, дейиш мумкин. Бу аср тасаввуф насрий адабиётининг йирик вакили - Алишер Навоий тарафидан «пири Ҳирот» деб улуғланган Абдуллох Ансорий (1006-1089), форс тилида ижод этган халқчил тасаввуф шеърят вакиллари Бобо Тохир Урён, Абусаид Абулхайр (967-1049), Абдулҳасан Хароконий (вафоти 1033 йил), Бобо Кухий (вафоти 1050 йил), тасаввуф ҳақида турли рисоалар муаллифлари Кушайрий (987-1073), Ҳужвирий (вафоти 1076 йил), Ас-Суламий (937-1021) ва тасаввуфнинг бошқа машхур амалиётчи ва назариётчилари яшаб ўтган даврдир. Булар ичида бизнинг диёр вакиллари Арслонбоб ота, Боб Фарғоний, Ҳусам ота кабилар ҳам бор. Кенгайиб бораётган бу янги маънавий жараён ақл ва мантиқий тафаккурни маънавият асоси деб билган, инсонийлик моҳиятини аввало ақлий билимларни ўзлаштириш ва уларни ҳаётга татбиқ этишда кўрган ислом маърифатчилиги босқичи намояндаларига ўз таъсирини ўтказмай қўймади. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» достонида зоҳид суфий алоҳида тимсол Ўзғурмиш қиёфасида акс эттирилди. Аммо шунга қарамай, XI асрда ҳануз ислом маърифатчилиги - файласуфлар, мутакаллимлар, ботинийлар, табиий ва аниқ фан алломалари, қисқаси, ақл ва билимни биринчи ўринга қўювчилар етакчиликлари қўлдан берган эмас эдилар. Бу даврга ўз ижоди билан якун ясаган киши ҳам аслида XI аср охиридаги мантиқий тафаккурнинг энг забардаст вакили Имом Абу Ҳомид Ғаззолий (1058-1111) бўлди. Ғаззолий ниҳоятда бақувват мантиқий тафаккур эгаси, файласуфдир. Ғарбда уни ҳатто материалистик тамойилдаги донишманд деб билишган. Бунинг сабаби, олимнинг «Мақосид ал-фалосифа» («Файласуфларнинг мақсадлари») асари бўлиб, уни ўқиган киши, дарҳақиқат, Ғаззолийни ҳам

Форобий ва Ибн Сино йўналишидаги одам деб ўйлаши мумкин. Бу китоб 1145 йилдаёқ лотин тилига таржима қилинган ва араб тилида ёзилган ислом фалсафий меросидан европаликлар биринчи навбатда шу китоб орқали хабар топишган эди. Ғаззолий ҳақида Гегел ҳам юқори фикрда бўлган.

Аммо Ғаззолий кейинги «Тахофут ал-фалосифа» («Файласуфларнинг ўз-ўзини инкор қилиши») асарида мантикий тафаккурнинг ички зиддиятларини, ислом маърифатчилиги даври файласуф алломаларининг асарларидаги ўзаро зид келувчи ўринларни чуқур таҳлил қилиб берди. Ғаззолий кўпроқ мутакаллим-файласуф эди, аммо у асарларида мутакаллимларни ҳам аяб ўтиргани йўқ, улар мантиғидаги заиф жойларни ҳам кескин фош этди. Аллома беҳудага «Ҳақиқат изловчилар»нинг турли тоифаларини санаб кўрсатган эмас. Мақсад уларнинг қарашларини бирма-бир таҳлил қилиб чиқиб, ўзаро ички зиддиятларни аниқлаш, орадаги мўътадил мувозанат ҳолатини топишга уриниш эди. Ғаззолий фақат файласуфлар билан эмас, балки барча йўналиш вакиллари билан баҳсга киришади, христианларнинг, ботинийларнинг (исмоилия бидъати вакиллари), суфийларнинг қарашларидаги ифротий (яъни умумий меъёрдан чиқиб кетган) жойларини илмий таҳлил асосида очиб беради. Ғаззолийнинг тафаккури турли назариялардаги ички зиддиятларни теран кўра билиш қудратига эга эди. Унинг Шарқдаги энг машҳур ва кенг қамровли асари «Эҳёи улум ад-дин» («Диний билимларнинг қайта жонланиши») бўлиб, бу асарда аллома ўз қарашларини мунтазам бир тарзда баён этган. Ғаззолийнинг фалсафий қарашлари ислом минтақа маънавиятининг маълум бир босқичи яқунланиб, янги босқич бошланаётганидан ёрқин бир нишона эди. Ғаззолий дунёга келган даврда Салжуқийлар ислом минтақасининг катта ва муҳим қисмини қамраб олган, мустаҳкам марказлашган ислом давлатини тузишган эди. Минтақада ҳарбий куч ва ҳокимият тўлиқ туркий сулола қўлига ўтган бўлиб, араб халифалари фақат расмий диний пешволик ҳурматини сақлаб қолган, турли давлат ишларини бошқаришда эса кўпроқ янги форс тили қўлланилар эди. Шу сабабли улугъ вазирларнинг кўпчилиги форс тилида

гаплашувчилардан бўлиб, келиб чиқиши туркий элат вакиллари бўлган амалдорлар ҳам одатий қоидага кўра давлат ишларига оид ёзувларни форс тилида юритар эдилар. Ғаззолий Хуросонда туркий ва форсий элатлар азалдан аралаш яшайдиган Тус шаҳрида туғилди. У укаси Аҳмад билан эрта етим қолишди. Ғаззолий бошланғич таълимни Тусда олгач, илмини ошириш учун Журжон (Астробод) ва Нишопурга келди ва ашъарий оқимининг атоқли намояндаларидан Имом ал-Ҳарамайн (икки муқаддас даргоҳ имоми) деб шуҳрат топган мутақаллим ал-Жувайний (вафоти 478/1085) кўлида то унинг вафотигача таълим олди.

Кучли мутақаллим ва фикҳ олими бўлиб етишган Ғаззолий улуғ вазир Низомулмулк (1063-1092)нинг диққатини тортди ва Низомия мадрасасида дарс беришга жалб этилди. 1095 (488 ҳижрий) йилда кучли руҳий изтиробга тушган Ғаззолий ўзининг бутун мударрислик ва фақиҳлик фаолиятини тўхтатиб, ҳажга йўл олди ва тасаввуф йўлига кириб, 11 йил мобайнида зоҳидлик ва таркидунё билан кун кечирди. Шу давр ичида ўзининг энг машҳур ва мукаммал асари - «Эҳёи улум ад-дин»ни ёзиб тугатди. 1106 йилда Низомулмулкнинг ўғли Фахрулмулк илтимосига қулоқ осиб, яна Низомияда дарс беришга қайтди ва шу даврда ўз фалсафий қарашларининг такомил босқичларини акс эттирувчи «ал-Мунқиз мин ад-далал» асарини ёзди. Умрининг охирида яна она шаҳри Тусга қайтиб, суфий хонақоҳини ихтиёр этди ва муридларига суфиёна ҳаёт тарзидан сабоқ бера бошлади.

Ғаззолийнинг бош китоби «Эҳёи улум-ад-дин» тўрт қисм (рубъ-чорак)дан иборат бўлиб, ҳар бир қисм 10 китобдан ташкил топган. Биринчи қисм «Ибодатлар» деб аталади ва унда илм ва ақойид ҳақида умумий руҳдаги муқаддимадан сўнг, таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж, Қуръон тиловати, зикр ва Аллоҳга муножот амалларининг ички моҳияти, руҳий мазмуни асосли равишда очиб берилган.

Иккинчи қисм «Одатлар» деб номланган ва «Таом истеъмол қилиш қоидалари»дан тортиб «Пайғамбарлик ахлоқи»гача, инсон ҳаёт тарзига оид барча муаммолар батафсил таҳлил қилиб чиқилган.

Учинчи қисм - «Мухликот» («Инсонни залолатга бошловчи ишлар ва хислатлар») ҳақида бўлиб, унда кўнгил мўъжизалари ва дил тарбиятига оид суҳбат бошланади ва турли зарарли ҳою ҳаваслар - очкўзлик ва хирс, эзмалик, ҳасад ва нафрат, бахиллик ва дунё тўплашга интилиш, кибр ва мунофиқлик кабилар қораланади.

Тўртинчи қисм - «Мунжиёт» («Нажотга элтувчи хислатлар») деб унвон олган бўлиб, кўпроқ тасаввуф мақомлари йўналишида - тавба, сабр ва шукроналик, хавфу рижо (ёмон амаллар учун Аллоҳ жазосидан қўрқиш ва яхши амаллар эвазига Аллоҳ иноятига умид боғлаш), зухд ва фақр, тавҳид ва таваккул, ишқ, хижрон, қаноат, ният, самимият ва ҳақгўйлик, ўз-ўзини эҳтиёт ва назорат қилиш, ўз ҳолини мушоҳада қилиш ва ўлимни ёдда тутиш масалаларига махсус эътибор қаратилган. Асар муаллифи ҳам файласуф, ҳам муқаддас китоблар билимдони, ҳам ҳуқуқшунос-фақиҳ ҳам тасаввуф сирларидан чуқур хабардор аллома, ҳам ахлоқшунос-носих (насихат этувчи) сифатида ўзини намоён этади. Китобда ахлоқий, диний, ҳуқуқий, ирфоний тушунча ва муаммолар бақувват мантиқий далиллар ёрдамида жиддий таҳлил этилади ва ишонарли тарзда тушунтириб берилади. Улуғ алломанинг ушбу асаридаги ғоялар ихчамлашган тарзда «Кимёи саодат» номи билан форс тилида ҳам баён қилинган. Бу асар муқаддимасида биринчи марта инсон вужудида **кўнгил – подшоҳ, ақл – вазир**, деган ғоя олға сурилади.

IX асрдан авж ола бошлаган Ислом маърифатчилиги X - XI асрлар давомида минтақа маданиятига исломгача башарият яратган бутун маънавий бойликни ўша давр имкони даражасида олиб кириб, уни чуқур ўзлаштириш ва янгича руҳда қайта талқин қилишга эришди. Аммо бу орада ушбу босқичнинг ноқис жиҳатлари ҳам кўриниб қола бошлади. Биринчидан ғоялар хилма-хиллиги ниҳоятда кучайиб, улар орасида баъзан муросасиз кураш ва зиддиятлар авж олиб кетди. Ислом дини ичида турли бидъатлар беадад кўпайиб кетган эди. Иккинчидан, кўпроқ ҳукмдорлар саройида ва хос зиёлилар орасида юқори даражаларга кўтарилган илм ва мантиқий тафаккур мевалари ҳануз Сунна ва шариат босқичида қолиб келаётган оддий шаҳар ва қишлоқ аҳолиси (авом)

орасига кўп сингиб бормаган ва маълум маънода, кенг халқ оммаси билан хос илмий доиралар тафаккур даражаси орасида узилиш вужудга келган эди. Сунна йўналиши намояндалари жамиятни ушбу узилиш туғдириши мумкин бўлган маънавий номавзунлик ҳолатидан ҳимоя қилиш ниятида мотуридия ва ашъария Каломига таянган ҳолда халифа ал-Қодир (991-1031) фармони билан имон асосларини ишлаб чиқдилар ва жорий этдилар. Аммо бу билан фикр ривожини тўхтаб қолгани йўқ. Тавҳид таълимоти заминида борлиқни англаб етиш турли йўналишларда давом эта берди ва тафаккур ривожини ҳеч қандай фармон билан ушлаб туриш мумкин эмаслиги борган сари ойдинлашиб борди. Учинчидан, Аббосийлар (750 - 1055), Сомонийлар (874 - 999), Ғазнавийлар (955 - 1048), Салжукийлар (1040 -1092) томонидан такомиллаштирилиб, исломгача даврга нисбатан бутунлай янгиланган давлат тизими ва жамият тизими маълум авж палласига кўтарилиб, XI аср охиригача борганда унинг муайян ички зиддиятлари намоён бўла бошлади. Исмоилия бидъатининг яратувчилик фаолияти сусайиб, яширин қотилликлар йўлига ўтиши, улўғ вазир Низомулмулкнинг ўлдирилиши (1092 йил) ва буюк салжукий ҳукмдори Маликшоҳ (1072 - 1092) вафотидан сўнг ўғилларининг тож-тахт жанжаллари шу улғайиб келаётган ижтимоий-сиёсий бўҳроннинг нишонлари эди.

Тўртинчидан, шаҳар аҳолиси, айниқса, ҳунарманд - косиблар ва ўрта ҳол савдо аҳлининг маърифати ва ижтимоий мавқеи юксалиб борар, уларнинг маънавий эҳтиёжлари ва билим даражаси кескин ошиб, ижтимоий фаолликлари ҳар соҳада сезила бошлаган эди. Футувва ва ахийлик жамоалари борган сари кенг таркиб топиб, тасаввуф ғоялари хонақоҳ ва хужралардан чиқиб, халқ ичига ёйилди. Хуллас, XI аср охири - XII аср бошларида жамиятнинг маънавий аҳволи янги бир босқичда уйғунлашув ва мувозанатни тақозо этарди. Ғаззолий ижоди ушбу эҳтиёжга энг мукаммал жавоб бўлди. Ўзаро баҳс ва низолар ўрнига эл маънавиятида шундай бир уйғун мувозанат таклиф этилдики, унинг барча тоифа ва йўналишлар, барча ижтимоий гуруҳлар ва фикрий оқимларга ўзаро яқинлашув имконини

берувчи қудрати ва мазмун бойлиги яққол сезилди. Ғаззолий ўзининг бош асарида Сунна ва тасаввуф қадриятларини ўзаро уйғун эканлигини исботлаб қўяқолмай, имон, илм ва ирфоннинг яхлитлигини мантикий асослаб берди. Сунна аҳлини илм ва ирфон вакиллари билан яқинлаштириб, ислом оламида янги босқичдаги маънавий уйғунликни таъминлашга улкан асос яратди. Шу билан бирга Ғаззолийнинг илмий-ижодий фаолияти минтақа халқлари маънавий камолотини ислом маърифатчилиги босқичидан тасаввуф ирфони босқичига узил-кесил олиб ўтиб қўйишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди, деб ҳам бемалол айтиш мумкин.

Тасаввуфнинг муҳим жиҳатлари йирик мусулмон илоҳиётчиси Абу Ҳамид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг (1059-1111) «Диний илмларнинг тирилтирилиши» асарида баён этилган. Ул зот дунё қонуниятларини ақл орқали билишни эътироф этган. Лекин Оллоҳни ақл билан англаш мумкин эмаслигини таъкидлаганлар. У фақат қалб, махсус руҳий ҳаракатлар - илтижо-ибодатлар кўмагида билиб борилади. Мантиқ, табиатни билиш Оллоҳни танишга ҳалал бермаса, улар аҳамиятлидир, агар аксинча бўлса, уларнинг мақоми чегараланади.

Расмийчилик, ақидачиликни тасаввуф ақли Пабул Пилмаган. Уларнинг фикрича, иймон-эътиқоднинг моҳияти Оллоҳдан бошла нарсага мувофиқ бўлмаслик, Печ Пандай мулкнинг бўлига айланмаслик, бориға сабр-Паноат Пилиб яшашидир. Оллоҳга етишиш учун Палбни поклаш, нафс балосидан озод бўлиш даркор. Ана шундагина инсон дили нур билан тўлади, нуқсонларни бошлалардан эмас, ўзидан излайдиган даражага кўтарилади, Пал сари яқинлашади, бемаъни Параш ва тушунчаларнинг Пуллик кишанидан ўзини озод Пилади, чунки инсон Палби Пурдир. Тасаввуф ҳақида гапирганда, албатта, туркий тасаввуф намояндалари ҳақида тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Маълумки, Алишер Навоий ўзининг «Насойим ул-маҳабба мин шамойим ул-футувва» асарида туркий тасаввуф шайхлари ҳақида батафсил маълумотлар берган. Бу ўринда биз фақат жаҳон тасаввуф тариқатларидан энг машҳурларининг асосчилари ҳисобланган Нажмиддин

Кубро, Аҳмад Яссавий ва Баҳовуддин Нақшбанд фаолиятларига қисқача тўхталиб ўтамиз, холос.

Шарқнинг машҳур ирфоний муршидларидан бири, Кубравия тариқатининг асосчиси «шайхи валийтарош» деб ном чиқарган Нажмиддин Кубро 1145 йили Хоразмда таваллуд топган бўлиб, 1221 йили мўғул bosқинчилари кўлида шаҳид бўлган. Нажмиддин Кубро ҳам ориф, ҳам ошиқ, ҳам шоир сифатида машҳур. У рубоийлар, «Фавоих ал-Жамол ва фавотиҳ ал-Жалол», «Ал-усул ал-ашара», «Рисолат ал-Хоиф ал-Хаъим мин лаумон ал-лаъим», «Рисолат одоб уз-зокирин» каби араб тилидаги асарларнинг ҳамда сўфийлар учун форс тилида алоҳида ёзилган қўлланманинг муаллифидир.

У ўз тасаввуф мактабини яратди. Кўплаб муридлар унинг тарбиятида шайхлик мартабасига эришганлар. Нажмиддан Кубро асос солган мактаб бир қанча мустақил шоҳобчалар вужудга келишига сабаб бўлди ва улар мусулмон Шарқида кенг тарқалди. Жумладан, буюк тасаввуф шоири Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румийнинг падари бузруквори, Балх шаҳрининг энг нуфузли уламси Шайх Баҳовуддин Валад, таниқли тасаввуф адиблари Азизуддин Насафий ва Нажмиддин Доя каби ўнлаб ислом оламида шуҳрат таратган шахслар кубравия тариқатининг вакиллари ҳисобланади.

Шариат – (араб тилидаги *луғавий маъноси “йўл”*). Ислom динида барча мусулмонлар риоя қилиши шарт бўлган умумий қонун-қоидалар. Тасаввуф йўлини танлаган суфийлар учун риоя қилиш шарт бўлган биринчи босқич.

Туркий тасаввуфнинг яна бир йирик вакили Хожа Аҳмад Яссавий Сайрамда Иброҳим ота оиласида дунёга келди. Унинг вафоти манбаларда 1166 йил деб кўрсатилган. У Бухорода Абдухолиқ Ғиждувоний билан биргаликда Юсуф Ҳамадоний мактабида таҳсил олган деб ривоят қилинади. Сўнгра Туркистонга қайтиб, мустақил Яссавия тариқатига асос солди ва ўз таълимоти бўйича муридлар тарбиялади.

Аҳмад Яссавий ислом аҳкомларининг туркий халқлар орасида ёйилишига катта ҳисса қўшди. Ирфоний адабиётда махсус «Ҳикмат» жанрининг яратилиши ҳам унинг номи билан боғлиқ. У ўз ҳикматларида ишқ, поклик, ҳалоллик, ёлғондан сақланиш, киши молига хиёнат қилмаслик, тўғрилиқ каби кўпгина инсоний фазилатлар ҳақида куйлади. У туркий тасаввуф адабиётида ўзига хос мактабга асос солди. Туркий дунёда бирор сўфий шоир йўқки, унга эргашмаган, ундан ўрганмаган бўлсин.

«Мақомоти хожа Баҳовуддин Нақшбанд» китобида шундай ривоят бор: «Бир куни ҳожамизнинг шариф суҳбатларида Султон ул-Орифин (яъни Боязид Бастомий)нинг «Бу йўлда юрувчи қанчалик юрмасин, сўнгги қадами бизнинг биринчи қадамимиз устида бўлади», деган сўзлари нақл қилинибди. Ҳожамиз ғайрат юзасидан: «Биринчи қадами Боязиднинг охириги қадами устида бўлмаган кишига Ҳақ субҳонаҳунинг суҳбати ҳаром бўлсин!» деган эдилар. Ва улар: «Биз интиҳони ибтидода тугаллаймиз», дер эдилар.»⁴

Ушбу нақлда бир ҳақиқат акс этган: тасаввуф ирфонининг тақомилида Боязид Бастомий (IX аср охири) йўл бошида, Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1383) эса йўл охирида туриптилар. Боязид Бастомийнинг охириги қадами, нақшбандия сулуки учун биринчи қадам бўлмоғлиги фарздир, чунки тадрижийлик шуни тақозо этади.

***Тариқат** – араб тилида “тариқ” сўзининг лугавий маъноси ҳам “йўл” бўлиб, “тариқа(т)”нинг тасаввуфий маъноси маънавий камолот сари интилган суфийнинг махсус танлаган йўлидир. Бу йўл тавба мақомидан бошланиб, муриднинг бир улуғ тури*

⁴ Абул Мулсин Мулламад Болир ибн Мулламад Али. Баҳоуддин Балогардон (Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд). Т.-«Ёзувчи»-1993, с.47

муришда қўл беришидан (**“фано фи-ш-шайх”** мақоми) то **“фано фи-л-лоҳ”** даражасига етишгунича давом этади. Мажозий маънода бу босқичдаги пири муришдининг вазифасини кулолга, муридни унинг қўлидаги лойга, “тавба” мақомини лойнинг хас-хашакдан тозаланишига қиёс қилиш мумкин. Барча гуноҳларидан астойдил тавба қилган муридни сопол ёки чинни яшагга ярайдиган лой деб тасаввур қилсак, пири муришд унга ишлов бериб, яхши бир кўза ясайди, унга жило бериб, “офтобда қурутгач”, пишириш учун “хумдон”га солади.

Дарҳақиқат, IX асрдан онгли равишда ривожлана бошлаган тасаввуф ирфони XII-XIII асрларда ўзининг олий босқичига кўтарилиб, нақшбандия тариқатида мукаммал нихоя топди. Шу сабабли кейинги асрларнинг энг кенг тарқалган (ғарбда Ҳижозу Яман, шимолда Болқону Волгабўйи, жанубда Индонезиягача

урф бўлган) тариқати нақшбандия бўлди. Нақшбандия йўли, айтиб ўтганимиздек, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларидан анча илгари Юсуф Ҳамадоний ва Абдуҳолиқ Гиждувоний (вафоти 1179)лар томонидан «Ҳожагон» сулуки сифатида асос олган бўлиб, унинг машҳур ўн бир қондасидан саккизтаси ўша XII асрдаёқ шаклланганлиги маълум.

Нақшбанднинг энг машҳур ибораси «Дил ба ёру даст ба кор» («Дил ёр билан, қўл иш билан банд бўлсин») эса энди тасаввуф ирфони ўз асосий мақсадига эришганлигини, яъни Ҳақиқат асрори кўнгиллардан муқим ўрин олганлиги ва бу ёғи амалий ҳаракат биринчи ўринга чиқа бошлаганини билдирар эди. Энди сўфийнинг «Аналҳақ», яъни мен Ҳақиқатни топдим, мен Ҳақ асрорини англаб етишга эришдим, деб ҳайратланиши охирги қадам эмас, биринчи қадам бўлиб қолган эди. Беҳуда эмаски, ҳазрати Баҳоуддиндан нақл этадилар: «Талаб айёмларида Мансур Халлож сифати икки марта менда туғён урди. Бир дор бор эди, икки марта ўзимни дор остига етказдим ва дедим: «Жойинг мана шу дордир! Тангри инояти билан бу мақомдан ўтиб кетолдим.» Ҳазрати Азизон (Ҳожа Али Рометаний - вафоти 1321 йил) айтган эканлар: «Агар ер юзида Ҳожа Абдуҳолиқ Гиждувоний қаддасаллоҳу

сирраҳу-л-азизнинг фарзандлари (яъни, маънавий меросхўрлари - муридлари) дан бир киши бўлганида эди, Мансур ҳаргиз дорга осилмас эди.»⁵ Бу ривоятлар яна бир марта нақшбандия тариқатининг минтақа маънавияти такомилида ирфон босқичи учун якунловчи ва умумлаштирувчи бўлганлигига ишора этади.

Тасаввуфда кубравия, яссавия, нақшбандия тариқат- сулуғлари кенг тарқалган.

Кубравия тариқатининг асосчиси Нажмиддин Куброд (1154-1226). Хевада тузилган, ёзган асарлари орасида «Иллархус-сунна вал-масолих», «Узили ашара», «Фавоихул-жамол» кабилар машхурдир. Кубравия тариқатининг моҳияти унта узилда мужасамлашган. Булар — тангрига ўз хохиши билан юзлашиш, зу фи дунё — ҳар қандай лаззатдан ўзини тийиш, тавакқул — Оллоҳга эътиқоди поклиги учун барча нарсалардан воз кечиш, қаноат, ўзлат — хилватни ихтиёр қилиш, мулозамат аз-зикр узлуксиз зикр, таважжух — Ҳалқга муҳаббат қўйиш, сабр — нафс балосидан озод бўлиш, муроқаба — тафаккурга ғарк бўлиш, ризо — тангри хўшнудлигини қозонишдан иборат.

Кубравия, яссавия ва нақшбандия таълимотлари маънавиятимиз тарихида жуда катта ўрин туган. Улар маънавий тараққиётда муҳим аҳамиятга молик бўлиб, ўз таъсирини ҳалигача йўқотмаган. Халқимиз, миллатимизнинг миллий-маданий ўзлигини англашида, ижтимоий-миллий бир бутунлигини тиклаш, яъни республика мустақиллигини мустаҳкамлашда ҳам унинг ўрни бекиёсдир.

Шарқ мусулмон халқлари маънавий ҳаёти тарихида учмас из қолдирган ижтимоий-фалсафий оқимлардан бири ҳисобланади. Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий дунёқарашининг асосий йўналишларидан бири сифатида ҳукумронлик қилиб келади. Тасаввуф инсонни покликка, тўғрилиқка ундовчи, кишиларга етишиш йўлини белгилаб беришдек яхшиликни тарғиб қилувчи оқим.

Тасаввуф таълимотнинг тадқиқотчилари «суфий» сўзини маъноси тўғрисида хилма-хил фикр ва мулоҳазалар мавжуд эканини таъкидлашади. Айрим

⁵ Ўша китоб, с. 38

тадқиқотчилар суфий сўзини арабча «суф» деган сўздан келиб чиқиб мато деган маънони англатади дейишади. Бошқа бир нуқтаи назарга кўра «суфий» юнон тилидаги «сафос» - донишманд сўзидан олинган. Аслида суфий сўзи суф деган арабча этимологик бирлашмадан ташкил топган. Суфийлар кўп ҳолларда жун чакмон кийиб юришни одат қилишгани учун уларни суфийлар дейишган.

Тасаввуф VII асрнинг охири ва VIII бошларида яқин Шарқда Музилмон ўлкаларда вужудга келди ва кейинчалик Марказий Осиёга ҳам кенг тарқалди. Дастлабки суфийлар ҳаёт кечиришни танлаганлар. Уларга хос бўлган хусусиятлардан бири сабр-тоқат ва қаноат билан дарвишона яшаш, ҳатто одамлардан узоқлашиб, улар билан учрашмасликка ҳаракат қилиш, ўз умрини тоат-ибодат билан ўтқазиш бўлган.

Дастлабки суфийлардан Басралик Хасан (622-728), Молики Динор, Иброҳим Адҳамларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Суфий бошқа одамлардан пок ва ғарибона турмуш кечириш, доимий тоат-ибодатда бўлиш ва фақат илохий рухга қўшилишни мақсад қилиб қўйиши билан тубдан фарқ қилин. Суфий ва дунёдан на охиратдан таъма бўлмаслиги керак.

IX асрлар келиб, суфийликнинг назарий асослари ишлаб чиқилди. Эндиликда суфийлар Тангри таолога кўр-кўрона мутелик қилишнинг ҳожати йўқ эканини таъкидлаб, Худо ғазабидан кўркиб амри маъруфни бажариш Оллоҳга бўлган садоқатни белгиси эмас, балки унинг риё эканини тушуниб етдилар.

Суфийликни назарий асосларини ишлаб чиқишда суфийлик йўриқларини белгилаш ва илохий ҳаракатларни эл орасига ёйишда Битоний, Бағдодий, Ҳақим Термизий, Мансур Ҳаллоҷларнинг хизмати катта бўлган. Энг асосийси шунда эдики, суфийларнинг амалий-психологик машқлари, ўз-ўзини тарбиялаш ва чиниктириш тадбиқ усуллари шаклланда, шарият, тариқат, маърифат, ҳақиқат деган тушунчалар юзага келди ва улар ҳар бир суфий учун ҳақиқатга етишиш ва адабийликка эришувнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Марказий Осиёда тасаввуфий таълимотларнинг пайдо бўлиши йирик мўтаваккирлар донишманд, шайхлар шайхи Юсуф Ҳамадоний хадисларни тўплаш мақсадида музилмон мамлакатларини кезиб чиқди. Умрининг иккинчи ярмини Марв ва Бухорода ўтказди. У ерда мадраса очиб шоғиртлар тайёрлайди. Унинг шоғиртлари орасида Хасан Андокий, Абдулла Баракий, Ахмад Ясавий, Гиждувонийлар алоҳида ажралиб туришган. Ҳамадоний ҳам «яссавия» ҳам «нақшбандия» тариқатларининг маънавий отаси ҳисобланган. 90 ёшдан ошган мўсафид донишманд Шайх Юсуф Ҳамадоний Бомий шаҳрида оламдан кўз юмади. Унинг жасади васиятига кўра Марвга олиб келиб дафн этилади.

Яссавия тариқатининг асосчиси Хожа Ахмад Ясавийдир (116 вафот этган). У Туркистоннинг Сайрам мўзофотида туғилган, машҳур мўтасаввиф Юсуф Ҳамадонийнинг (1140 йилда вафот этган) таълим-тарбияси билан вояга етган, ориф мақомига эришган. Ясавий устозининг вафотидан кейин муайян бир муддат

унинг мақомида турган, сўнг эса бу мақомни Абдуҳолик Гиждувонийга қолдириб, Ясси — Туркистон шаҳрига қайтади ва ўз тариқати, йўл-йўриқларини ташвиқ этиш билан машғул бўлади.

Ясавийнинг оддий халқ тушунадиган услубда ёзилган, тасаввуфий қарашларини акс эттирган ҳикматлари девонида ўз аксини топган. Унда илоҳий ишқ, Ҳақ васлига етишиш, унинг ишқида парвона бўлиш, ундан бошқа нарсага кўнгил қўймаслик ҳақида фикр юритилган. Ясавий риёзат, чилла, зикрга алоҳида аҳамият бериб, ҳаётининг аксариятини чиллаҳонада ўтказган. Ясавий тариқати Туркистон ўлкаси, Озарбойжон, Туркия, Шимолда — Козонгача, Ғарбда — Болқонгача кенг тарқалган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек Ахмад Ясавий Юсуф Ҳамадонийнинг мудир-учинчи ҳалифасидир. Ахмад бир ривоятга кўра Ясси шаҳрида, бир ривоятга кўра Сайрамда туғилган. Туғилган йили аниқ бўлмасида, илмий адабиётларда унинг вафоти 1166-1167 деб кўрсатилган. Отаси Иброҳим ибн

Махмуд ибн Ифтихор шажараси пайғанбар Муҳаммад алайхиссаломнинг кизлари Фотимага тўташган. У дастлабки таълимини Арслонбободан олади. Арслонбобо вафотидан кейин йўлга отланади. Бухорога келиб Ҳамадонийга муридликка тўшади. Юсуф Ҳамадоний вафотидан сўнг Бухорода унинг учунчи ҳалифаси бўлиб шайхлик қилади. У Бухорода чексиз муридлари, шоғирдлари орасида хурмат-иззатда яшаётганига қарамай илохий даъват билан ёлғизликни ихтиёр этди ва Туркистон сари отланиб, Ясси шаҳридаги мазорда ер остига кириб яшади. Ривоятларга кўра А.Яссавий ўз устозлари Арслонбобо ва А.Ҳамадонийга ҳам устоз саналган, шароитда ва ҳақиқатда энг комил инсон-пайғанбар Муҳаммад алайхиссалом 63 ёшда вафот этганига мотам тўтиш учун шу ишни қилин дейдилар.

Хожа Ахмаднинг 63 ёшида Яссида ер остига кирган унинг ҳаётида сифат жиҳатидан янгича ҳаёти бошланади. Бу ердаги ҳаёт ўзгача вақт қонуниятлари асосида кечади. Бу дунё ташвишларидан кутилиб, фақат илохий, руҳий оламда яшаш барчага насиб этавермайди. Бундай олий ҳолатни Яссавий ҳадисаси шарифга асосланиб «улмай туриб улиш» деб атайди.

Ахмад Яссавий (Росоилда) инсон кўрагида беш гунбаз борлигини айтади:

1. қалб ёки кўнгил;
2. рух;
3. сирр;
4. хофий ёки махфийлик;
5. ихфо, яъни эзгулик.

Ахмад Яссавий руҳий оламнинг барча гунбазларини дилига жо этган. Энди унинг Ҳақ-таоло билан мулоқот қилишига кундалик икр-чикр ташвишлар ҳалал бераолмайди. Донишманд «Хикматлар тўпламида» шундай ёзади:

Чин ошиқлар доим тирик улган эмиш

Арвоҳлари ер остига кирган эмиш

Зоҳид, обид бу маънони билган эмиш

Чин ошикни ҳалойикнинг Хизри булгай

Хожа Аҳмаднинг Бухородан Туркистонга қайтиб, ер остидаги хужрага кириб яшай бошлагани ҳақидаги хабар бутун чулға таркалади. Шу кундан бошлаб ёшу қари бу табаррук зотни зиёрат қилиб дарёдай оқиб кела бошлайди. Учун онда-сонда зиёратга келганлар олдида чиқиб уларга хикматлар айтиб турган. Умуман тасаввуф, жумладан Аҳмад Яссавий Тасаввуфида фано муаммоси ханўзгача тадқиқотчилар томонидан сезиларли даражада тадқиқ этилмаган. Унинг таълимотида «фано» тушунчасини инсонни гофиллик ва ғафлат деб аталиши бедавоқусурлардан озод этиши, манманликдан покланиш, тубанликдан қутилиш маъносида тушиниш лозим. Кўпгина муаллифлар Аҳмад Яссавийни халқ оммасини синфий кўрашга чорламаганликда айиблашади. У ҳаётида кишиларни ҳеч қачон ҳеч қандай синфий кўрашга чорламаган.

Яссавий танлаган йўл ўзига хосдир. Бу йил инсоннинг ўз гуноҳларини ахлоқий нухсон ва қусурларини аёвсиз очиб ташлаш ва улардан ҳалос бўлиш кўрашидир. Бу йўл унинг фикрича ягона йўлдир. Ҳар бир киши ўзининг ҳақиқий ахлоқий камолатида, комил инсон бўлиб етишиш жараёнида «Шайтон вас-васаси»дан қутилиш учун ўз жонини ҳам, моли-мулкани ҳам аямаслиги лозим.

Бу тасаввуф учун умумий йўлдир. Мутафаккирларнинг диний-ахлоқий қарашларида дунёдан бутун юз ўгирилмайди. Чунки инсон ҳаёти учун нозини-неъматлар кийим-кечақлар, турар жой зарур эканлигини мутафаккир тушунмайди дейиш ноўрин ҳисобланади. Яссавийда нодонлик, жазолат, банднафслик, молу дунёга хирс қўйиш иллатлари ва уларни шакллантирадиган момиллар қораланади, улардан узоқлашишга даъват қилинади. Мутафаккир «толиб мен» деб, ҳаммага жар солиб, аслида эса номахрамларга ёмон кўз билан боқувчиларни, «кўзларида нами йўқ» кийналмайдиганларни қаттиқ қоралайди.

Яссавийнинг «гуноҳ дарди»ни доимо жони дили билан ҳис қилиб туриш фалсафасини талқин қилишда юзаки қараганда унга ҳар-хил сифатлар бериш

билан кифояланиш мумкин. Агар унга моҳият нуктаи назардан туриб эътибор берсак, уни дини исломга эътиқод этувчилар учун муҳим аҳамият касб қилинлигини сёзамиз. Бундан ташқари ҳар-бир инсон, у қандай динга имон келтириши ёки келтирмаслигидан қатъи назар ўзини виждон дардидан фориғман деб фараз қилмаслиги лозим. Инсондаги виждон осудалиги, унинг сусткашлиги бундай кимсани ваҳший хайвонлар билан яқинлаштиради, унинг жамият ҳаётида барқарор ходиса сифатида амал қилиши эса умумий инқирознинг ҳақиқий аломатидир. Аҳмад Яссавий тасаввуф фалсафасининг буюк вакили сифатида бу маълум жараённинг содир бўлишини олдиндан кўра билган.

Амур Темурнинг авлиё Хожа Аҳмад Яссавий мақбараасини қурдириш тарихига доир бир қанча ривоятлар бор. Темур Яссавий мазори устига мухташам мақбараа кўришига фармони олий берганидан кейин биноқор усталар дархол ишга киришдилар. Аммо эртасига келиб қарашса кечаги кўрилган бино йўқ бўлади. Шунда улар олдинига Арслонбобо мазори устига чиройли сагана кўришади. Аҳмад Яссавий мақбарасини кўриш уч йилга чўзилади.

Яссавий мақбараасида яна бир ажойибот зиёратчилар эътиборини тортади. Темур фармони билан масжид ва хонақоҳ дарвешлари ва зиёратчилари учун 60 челақ сув сигадиған катта дошқозон ясашади.

Мустақиллик туфайли суфизм таълимотига, унинг вакиллари ижодига, шу жумладан Яссавий ижодига, унинг меросига муносабат ўзгаради. Диношманд асарлари нашрдан чиқмоқда. Ўзбекистонда миллий онг, миллий рухнинг шаклланишида унинг маънавий мероси катта аҳамиятга эга. Ўтмишдаги аجدодларимиз яратган маънавий мероснинг хурматини жойига қўйиш, янги маънавиятни шакллантиришда уларни ўзлаштириб, ундан оқилона фойдаланиш олдимизда турган муҳим вазифадир.

Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389 йиллар) нақшбандия тариқатининг асосчисидир. Бу таълимотнинг моҳияти «Дил — ба ёру даст — ба қор» шиорида яққол ифодасини топган. Инсон Оллоҳ инояти натижаси бўлиб, бу

дунёни унутиб қўймаслиги лозим, унинг қалби доимо Оллоҳда, қўли эса меҳнатда бўлмоғи лозим. У тасаввуфнинг барча тариқатлари сингари шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқит мақомларини эътироф этади.

Нашбанднинг таъкидлашича, шариат — ашба вафо, исломнинг бешта асосий талабига риоя қилиш, дил ва тил бирлиги. Тариқат эса, ўзидан кечиш, фано бўлишдир. Пашикат — беҳуда ишлардан узоқлашиш, паи ишларга боқланиш. Демак, шариат — онун, тариқат — йўл. Онун вужуд ва палбни тарбиялайди. Йўл эса кўнгилни поқлаб, руҳни илохий ҳувватдан бахраманд қилади.

Талабаларга тайёргарлик учун ёрдамчи материаллар:

1. ИСЛОМ МАЪРИФАТЧИЛИГИ БОСҚИЧИДА ШАҚЛЛАНГАН БОРЛИҚ ПАШИКАТИНИ АНГЛАБ ЕТИШНИНГ ТУРЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ (“Пашикат изловчи”ларнинг 4 тоифаси):

(Имом Абу Ҳамид Ғаззолий (1058-1111)нинг “Ал-Мункиз мин ад-далал” асари ва мутафаккир шоир ва олим Умар Хайём (1048-1122)нинг “Дархостнома” рисоласи асосида)

Йўналишлар (тоифалар)	асосий оқимлари	Асосчилари ёки машҳур вакиллари
Калом (<i>Мутакаллимлар</i>)	А) Мўътазила б) Ашъария в) Мотуридия	Восил ибн Ато (699-748) Абул Ҳасан ал-Ашъарий (873-935) Абу Мансур Мухаммад ал-Мотуридий ас-Самарқандий (870-944)
В) Фалсафа (<i>Файласуфлар</i>)		Абу Наср Форобий (873-950) Абу Али ибн Сино (980-1037),
Б) Ботиния (<i>Ботинийлар</i>)		“Ихвон-ус-сафо” илмий гуруҳи (X аср) (52 рисоладан иборат қомусий мажмуа яратган) Бадахшонлик буюк шоир ва мутафаккир Носир Хусрав (1004-1088)

Г)Тасаввуф (Суфийлар)	Жунайд Бағдодий (вафоти 910 йил) Мансур Халлож (858-922) Абдуллоҳ Ансорий (1006-1089), Абусаид Абулхайр (967-1049), Абдулҳасан Хароқоний (вафоти 1033 йил)
----------------------------------	---

2. ИСЛОМ ОЛАМИДАГИ АСОСИЙ ТАСАВВУФ ТАРИҚАТЛАРИ

Асосий тариқатлар	Асосчилари	Келиб чиқиш макони ва тарқалиш доираси
Бадавия	Аҳмад ал –Бадавий (1199-1276),	Шимолий Африка
Дасукия	Иброҳим ад-Дасукий (1246-1288),	Шимолий Африка
Рифоия	Аҳмад бин Али ар-Рифоий (1106-1182)	Шимолий Африка
Шозилия	Абулҳасан Али аш-Шозилий (1196-1258),	Шимолий Африка
Сухравардия	Зийауддин Абу Нажиб ас-Сухра-вардий - 1037-1168, Шаҳобиддин Яҳё ас-Сухравардий - 1155-1191, Шаҳобиддин Абу Хафс Умар ас-Сухравардий - вафоти 1234),	Эрон
Яссавия	Аҳмад Яссавий (вафоти – 1166 йил),	Марказий Осиё
Нақшбандия-хожагон	Абдулҳолик Ғиждувоний (вафоти 1179), Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1383)	Марказий Осиё
Қодирия	Абдулқодир бин Абу Солих Жилоний - 1077-1166),	Эрон, Марказий Осиё
Кубравия	Нажмиддин Кубро (1145-1221),	Марказий Осиё
Чиштия	Муиниддин Муҳаммад Чиштий (вафоти 1236),	Ҳиндустон
Мавлавия	Жалолиддин Румий (1207-1273)	Туркия

3. СУФИЙЛИК ЙЎЛИНИ ИХТИЁР ЭТГАНЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ БОСҚИЧЛАРИ

Шариат

(Барча мусулмонлар учун умумий қонун-қоидалар)

Тариқат

(1.Тавба, 2. “Фано фи-ш-шайх” - яъни, пирга қўл беришдан “фано фи-л-лоҳ”гача)

Маърифат⁶

(“фано фи-л-лоҳ”дан “бақо би-л-лоҳ”гача)

Ҳақиқат

(“бақо би-л-лоҳ” ёхуд орифлик мақоми)

4. НАФС ТАРБИЯСИ ВА НАФС ДАРАЖАЛАРИ

Нафс — миллий маънавиятимиз анъаналарига биноан инсон руҳиятида моддий олам неъматларига мойилликни ифодаловчи тимсол-тушунча бўлиб, тасаввуф тариқатларида **нафс тарбиясига** алоҳида аҳамият қаратилган ва унинг турли **даражалари** белгиланган:

Нафси аммора — инсонни тамомила ўз жиловиغا олган, ҳарқандай оғир гуноҳларга бошловчи тарбияга бўйсунмаган, ўжар нафс. Қуръони каримнинг “Юсуф” сурасида эсланади.

Нафси лаввома — гуноҳ ишларга йўл қўйганда виждони қийнала бошлаган, ўз хатоларидан афсусланиш ҳисси пайдо бўлган инсон нафсининг ҳолати. Қуръони каримнинг “Қиёмат” сурасида эсланади.

Нафси мутмаъинна — Сокин мувозанатга эришган, хотиржам, гуноҳлардан тийилган нафс. Қуръони каримнинг “ал-Фажр” сурасида эсланади.

Нафси мулҳама — илҳомланган нафс, нафс тарбиясининг бу даражасига эришган инсонлар ўзгаларга беминнат ёрдам кўрсатишга мойил бўладилар, савоб учун вақтини, молини, меҳнатини аямайдилар.

Нафси марзия — рози бўлган нафс, Аллоҳ тақдир этган яхши-ёмон ишларга сабр қилувчи, турмуш оғирликларига бардошли, одамларнинг ноўрин муносабатларидан хафа бўлиб, гина қилмайдиган инсонлар нафси.

Нафси софия — дунё орзу-хавасларидан, обрў-эътиборга интилиш тамойилларидан буткул фориглик даражасига эришган нафс, орифлик мақомига етишган пири муршидлар, валийлар нафси.

⁶ Бу босқич асли “маърифатуллоҳ” аталиб, “Ҳақни таниш” маъносини билдиради. Мажозий қиёсда пири муршид кулолга, мурид лойга, “тавба” мақоми лойнинг хас-хашакдан тозаланишига. “маърифатуллоҳ” босқичи хумдонга ўхшатилади. Бу “хумдон”нинг олови эса “ишқи илоҳий”дир.

Нафси комила – пайғамбарлар нафси, оддий кишилар нафс тарбияси билан бу даражага етиши қийин, аммо комил нафс эгаси бўлишга интилиш маънавият нишонасидир⁷.

5-масала. Муҳаммад ал-Хоразмий (783-850) ва Ахмад ал-Фаргоний (тахм. 797-865) бутун мусулмон Шарқи ва жаҳонда табиий ва аниқ фанлар ривожига салмоқли хисса қўшган буюк алломалардир.

Муҳаммад ал-Хоразмий Бағдодда «Донишмандлик маскани» («Байт ул-хикма»)га раҳбарлик қилганлар. Унинг “Ал-жабр ва-л муқобала”, «Астрономия жадвали», «Ҳинд ҳисоб тўғрисида рисола», «Қуёш соати тўғрисида рисола», “Ер сурати”, “Зиҳ”, “Тарих бўйича рисола” «Мушиқа ҳақида рисола», «Тиклаш ва қарши қўйиш ҳисобига оид мухтасар китоб» каби асарларида алгебра соҳасига асос солинди, бу эса унинг ниҳоятда кенг миқёсда қомусий олимлигидан дарак бериб туради. “...Муҳаммад Хоразмий алгебра фанининг асосчисидир,” деб ёзади таниқли олим ва файласуф О.Ф.Файзуллаев. Хоразмий биринчи бўлиб фан тарихида квадрат тенгламалар типларини ва ҳар бир типини ечиш методларининг таснифини берди. “Алгебра” сўзининг ўзи унинг томонидан кашф этилган мазкур тенгламаларни ечиш методи “алжабр” билан боғлиқдир. У ҳисоблаш жараёнларига мантиқ методларини қўллади ва ривожлантирди, алгебраик ва геометрик нисбатлар ўртасидаги алоқани аниқлаб берди, баъзи геометрик қонунларни кашф этди. Математик Винер асос солган кибернетиканинг назарий ва мантиқий асосини Хоразмийнинг алгоритмлар назарияси ташкил этади. “Алгоритм” сўзининг ўзи эса “ал - Хоразмий” демакдир.

Шарқ, халқлари орасида «Буюк математик» унвонига сазовор бўлган Ахмад ал-Фарғоний (тахм. 798 й. да Кувада туғилган) астрономия ва математика соҳаларида ном таратди. Унинг «Самовий жисмлар Паракати ва юлдузлар фанининг мажмуаси Паида китоб», «Астрономия асослари», асарларида коинот Паритаси тузилди. Ер ва фазовий сайёралар ҳажми, иқлимлар, жугрофий кенгликлар тўғрисида кузатувчилар орқали

⁷ Нафс даражалари ҳақидаги маълумотлар И. Останакулов мақолаларидан олинди.

асосланган янги **маълумотлар** берилган, илм-фаннинг янги йўналишларига асос солинган. Қўлга киритилган маълумотларни умумлаштириш, тадқиқотда хиссий ва ақлий мушоҳада муштараклиги алломага хос хусусиятлар сифатида дунёқарашни шакллантиришнинг муҳим омиллари бўлиб келди ва ундан кейин яшаган илм аҳлига таъсири сезилиб турди.

Марказий Осиёда ўрта асрчилик Фалсафаси, табиатшунослиги ва тиббиёт тарихини Форобий, Беруний ва Ибн Синосиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Абу Наср Форобий (873-950) мусулмон Шарқда Арастудан кейин «иккинчи устоз» унвонига муяссар бўлган йирик мутафаккир ва аллома. Унинг қаламига 160 дан зиёд асар мансуб бўлиб, улар асосан қадимги юнон олимлари асарларидаги табиий-илмий ва фалсафий муаммоларни шарҳлаш ҳамда бу соҳаларнинг долзарб масалаларини таҳлил қилишга бағишланган.» Мутафаккир оламни икки кўринишда: «Вужуду вожиб» (оллох.) ва «вужуди мумкин» (барча моддий ва рухий нарсалар) мисолида талқин қилади, барча нарсалар «вужуду вожиб» туфайли яшаш ҳуқуқига эга бўлади. Улар ўзаро бир-бири билан сабабий тарзда боғланади. Сабабсиз оқибат бўлмаганидек, оқибатсиз сабаб ҳам бўлмайди, дейди Форобий.

Олам сифат, микдор, жавҳар, акциденция (муҳим бўлмаган хосса), имконият, зарурият ва тасодифият, макон ва замон, ҳаракат ва ривожланиш каби тушунчаларда ифодаланади. Улар фазовий жисмлар, ақлли махлук (инсон), ақлсиз жониворлар, ўсимликлар, минераллар ва тўртга унсур сув, олов, ҳаво ва тупроқ каби олтига кўринишда намоён бўлади.

Билиш жараёни ақл ва сезгилар орқали юзага келади. Билишда ақл ва мантиқ илмининг мақоми беқиёсдир. Ақл воситасида инсон илм-фанни яратади. Фан туфайли ходисалар моҳияти очиб берилади. Ҳар бир фан инсоннинг муайян эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Мутафаккир ўз асарларида комил инсон, фозил фуқаро, одил хукмдор, бахт-саодат, унга эришиш йўллари, давлатнинг хусусиятлари, ахлоқий ва ақлий тарбия, ижтимоий истиқбол тўғрисида илғор ғояларни илгари сурган.

Форобийнинг Шарқ, халқлари фалсафий тафаккури ривожига бўлган таъсири сезиларли бўлган.

Абу Райхон Беруний (973 — 1048) деярли барча фан соҳаларида ижод этган буюк комусий аллома ва машхур мутахасис. У яратган 152 та асардан 28 таси бизгача етиб келган. Унинг табиатни ўрганишдаги хизмати каттадир. Аллома жисмларнинг ўзаро тортишуви, Қуёш ва Ойнинг тутилиши, зарра, инерция ва сунъий танланиш, ривожланиш аномалияси, Ер қарида рўй берадиган геотектоник силжишлар, Ер киёфасининг тадрижий тарзда ўзгариб туриши, хилма — хил оламлар тўғрисида илмий башоратларни илгари сурган. Унинг фалсафий карашлари табиий-илмий карашлари таъсирида шаклланди. У модда ва замон, қонуният, зарурият ва тасодифият, ҳаракат ва ривожланиш, зиддият, сабаб ва оқибат каби фалсафий муаммоларга катта эътибор берган.

Берунийнинг асарларида билиш масалалари муҳим мақомга эгадир. Билишга бўлган қизиқишнинг иккита сабаби бор. Биринчидан, бу ўзига хос лаззатдир. Иккинчидан, билишдан мақсад одамлар эҳтиёжларини қондиришдир. Билиш сезгилар берган маълумотлардан бошланади. Улар билишнинг босқичи ақлий билиш учун ўзига хос кўмакчи ва асос бўлиб хизмат қилади. Билимнинг чинлиги кузатув ва синов — тажриба орқали белгиланади. Улар туфайли ашёларнинг муҳим жиҳатлари ўрганилади, уларнинг миқдорий томонлари аниқланади, билиш жараёнининг самарадорлиги ошиб боради.

Берунийга кўра, инсон киёфаси табиат таъсирининг натижасидир. Унинг ички киёфасига келсак, уни инсон чексиз саъй-ҳаракатлар оқибатида тубдан ўзгартириши мумкин. Ҳар бир киши ўз хулқ-атворининг соҳибидир. Жамият тадрижий ўзгаришлар орқали ривожланиб боради. Адолат, фуқаро учун ғамхўрлик, зулмни бартараф этиш, жамиятни ақл ва адолат тифи остида бошқариш мутафаккирнинг идеалидир.

Абу Али ибн Сино (980-1037) буюк аллома ва мутафаккир. Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилиб, Ҳамадон шаҳрида вафот этган. Ибн Синодан қолган маънавий меърос тахминан 280 дан зиёдроқдир. Улар тиббиёт,

фалсафа, мантиқ психология ахлоқ, мусика, фармакология ва бошқа соҳаларга бағишланган Олимнинг «Шифо китоби» «Тиб қонунлари», «Билимлар китоби» «Табиат дурдонаси» каби асарлари машхурдир. Борлиқни талқин этишда Ибн Сино Форобий изидан бориб, уни «вужуди вожиб» ва вужуди мумкин»дан иборат, деб эътироф этади. «Вужуди вожиб биринчи сабаб вазифасини бажаради. «Вужуди мумкин» эса унинг оқибатидир. Яратилиши доимий бўлганлиги учун яратилган «вужуди мумкин» ҳам абадийдир. Олимнинг сабабиятга оид мулоҳазалари эътиборга моликдир. Унга кўра, сабаблар моддий (муайян ҳолатни келтириб чиқарувчи сабаб), фаол (муайян ҳолатни ўзгартирувчи сабаб), шаклий (турли хил бўлватлар билан бошанган сабаб) ва тугалловчи (барча сабабларнинг пировард мақсади) сабаблардан иборатдир. Шундай қилиб Марказий Осиёда илк ўрта асрлар даврида кенг тарқалган тасаввуф таълимотидаги комил инсон мақоми, нафсни тийиш, бағрикенглик, диний донишмандлик, Мусо ал-Хоразмий ва **АХМАД** -Фаргоний тадқиқотларида илгари сурилган табиий-илмий қоялар, Форобий, Беруний ва Ибн Синонинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари, фандаги янги йўналишлар, биринчи галда мусулмон Шарқи, Полаверса, бутун жаҳон табиий-илмий ва фалсафий тафаккурининг равишига таътир таъсир ўтказиб келди.

Шундай қилиб шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» тамойили ўрта асрлар фалсафасини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Буюк аجدодларимизнинг бағрикенглиги, мазҳабпарастликка берилмаганлиги, улар дунёқарашида дунёвий ва диний илмлар-муштарақлиги, сабр-қаноатлилиги барчамизга намуна ибратдир. Бу бой маънавий хазина ёшлар онгига миллий ғоя ва истиқлол мафкурасини сингдиришга хизмат қилади, мустақил фикрлаш, дўстни душмандан фарқ қилишга ундайди, юртим деб, элим деб яшашга чорлайди.

6 -масала. Инсоният тарихида шундай даврлар борки, унда буюк ишларга миллатлар, ўзининг йўлбошчилари етакчилигида, тарихнинг муайян қисқа

босқичларида минг йилларда қўлга киритиш мумкин натижаларга эришганлар. Айнан ана шундай даврлар инсоният тарихига шу миллатга мансуб буюк кишиларнинг учмас номларини битади, жаҳон маданиятини бойитади, умумбашарий тараққиётга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Темур ва темурийлар даври худди ана шундай, муғул босқинчиларидан озод бўлган халқимизнинг миллий даҳоси энг юксак чуққига кўтарилган даврдир. Бу давр фалсафаси халқимизнинг соҳибқирон Темур бошчилигида озодликка эришган ва мустақилликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш учун амалга оширган буюк ишларининг ифодасидир. Бу халқимизнинг марказлашган давлат тузиш, миллий давлатчилигини тиклаш ва барқарор қилиш, яшаш орзуларининг ўшалган давридир. Унинг фалсафасида ана шу жиҳатлар яққол кўзга ташланади ва бу мерос бугунги миллий онг ва истиқлол мафкурасининг фалсафий негизлари орасида алоҳида ўрин тутати.

Баъзилар Темур фалсафий асарлар ёзмаганку? унинг фалсафага алоқаси борми, деб уйлайди. Аслида Темурнинг ҳаёти ва фаолияти фалсафадан иборат эмасми? у фалсафий хулосалар чиқариш учун бошқа кишиларнинг ҳаёти ва асарларидан ҳам мазмунлироқ ҳаёт эмасми? Фалсафани фақат китоблардангина ўрганиш мумкинми. Аслида, фалсафани тўла-тўқис китобга тушириб бўлмайди. Китобга туширилган фалсафа муайян тизимга келтирилган фалсафий билимлар ситемаси ҳалос. Темур ва темурийлар даврини тарих фалсафаси ва фалсафа тарихини уйғун тарзда ёзиш орқали нисбатан тўғри ифодалаш мумкин. Амир Темурнинг ҳаёти, унинг фаолияти, темурийлар давридаги маданий жараёнлар, илм-фан ривожига каби масалалар эса бир неча фалсафий китоблар, унлаб тадқиқотлар учун мавзу эканлиги аниқ. Қолаверса, Темур ва темурийлар каби илм-фан, маданият ва санъатни, фалсафа ва адабиётни нозиктаб тушунган, ўзлари ҳам бу соҳаларда ажойиб ютуқларга эришган сиёсий сулолаларни жаҳон тарихидан топиш қийин. Бу сулола вакиллари орасида шеър ёзмаган, адабий машқлар қилмаган, фан-маданиятга қизиқмаган бирор темурийзода бўлмаса керак. Тарих шундан далолат берадики, юртбошилари фан ва маданиятга қизиққан, маънавиятни юксакликка

кўтариш учун ўлкада бу соҳаларда ҳақиқий юксалиш бўлади. Сиёсий таъминланганлик, бошқа соҳалар билан биргаликда, маданий тараққиётнинг энг асосий омили эканлигини рад қилиш унчалик ўринли эмас. Маданиятпарвар ва миллатпарвар Амир Темур ва темурийзодалар ўша давр маънавий тараққиёти учун сиёсий ва иқтисодий асосларни тўла-тўқис яратган арбоблар эди. Халқимизнинг асрлар оша улар руҳига миннатдорлик туйғуси билан ёндашуви, ҳалигача ўз фарзандларига бу сулола вакиллари номларини қўйиб юриши, бугунги кунларда ҳам ўша замондан ташбехлар излаётганининг сабабларидан бири ҳам ана шунда.

Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир (1336-1405) Кеш Шахрисабз) шаҳри яқинидаги Хужа илғор қишлоғида дунёга келди. Унинг энг асосий тарихий хизматлари шундан иборатки, у муғулларнинг босқинчилик ва вайронкорликларига қарши кўрашиб, Ўрта Осиёни улардан ҳалос этди. Майда феодал ва мулкдорларнинг ўзаро низоларига барҳам бериб, кучли марказлашган давлат барпо қилди. Мамлакатда тартиб-интизом ва қонун устиворлигини таъминлади. Унинг даврида «Куч — адолатда» тамойили амалга ошди, иқтисод ва маданият юксалди, ўзга давлатлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди. Амир Темур моҳир ҳарбий саркарда сифатида ном қозонди. У ўз ҳаётини Мовароуннахр халқининг фаровонлиги, юрт ободлиги учун сарфлади, унинг даврида ҳашаматли бинолар, кўрилиш иншоотлари, гўзал боғлар бунёд қилинди, мактаб ва мадрасалар, масжидлар қурилди, мамлакатимиз Шарқнинг гўзал ҳудудига айланди.

Темурнинг яна бир ўлкан хизмати шуки, у маданият ва илм хомийси сифатида машҳур бўлди, ўз саройига олиму фузало арбобларини тўплади. Хожа Афзал, Жалол Хоқий, Мавлоно Хоразмий, Мавлоно Мунший ва бошқалар унинг саройида илм-фан ва бадиий ижод билан машғул бўлдилар. Бобур Мирзонинг хабар беришича, ўша даврда Самарқанд энг гўзал шаҳар эди. Испан сайёҳи Р. Г. Клавихо Самарқанднинг гўзаллигига қойил қолган эди. Темур ҳукмронлиги даврида ички ва ташқи савдо кучайди. Айниқса, Ҳиндистон, Хитой, Русия, араб мамлакатлари билан алоқаларнинг

кучайиши Темур салтанати иқтисодий қудратини оширди. Темур ва темурийлар даврида ислом дини ва тасаввуфга катта эътибор берилди. Ислом дини ўша даврда асосий мафкура бўлиб, марказлашган давлат барпо этишда, иқтисод, маданият ва илм-фан соҳасидаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишда назарий асос бўлиб хизмат қилди. Темур ўз фаолиятида унга таяниб иш кўрди.

Темурийлар даврида тасаввуф таълимоти кенг қўлоқ ёйди. Соҳибқирон тасаввуф қоидаларидан мамлакатдаги салбий иллатларни йўқотишда, турли жанжал ва низоларни бартараф қилишда, ҳақиқат ва адолат ўрнатишда, инсонпарварлик ғояларини тарқатишда фойдаланган. Темур тасаввуфдаги покланиш, тўғри ва софдил бўлиш, зино ва фахш ишлар билан шуғулланмаслик, ҳаром-ҳариш ишлардан кочиш, ҳалол меҳнат қилиш, бирор касбни эгаллаш, мухтожларга меҳр-шавқат кўрсатиш каби ғояларни халққа сингдириш учун кўраш олиб борди. Нақшбандлик тариқатининг йирик шайхлари бўлмиш Саййид Амир Қўлол, Шайх Абу Бакр Тайободий, Мир Саййид Баракалар Темўрнинг пирлари бўлиб, соҳибқирон улар билан тез-тез мулоқот қилиб турган.

Темурийлардан Шохрух, Улуғбек, Хусайн Бойкаро, Бобур Мирзолар давлатни бошқаришда, дин ва тасаввуф қоидаларига амал қилишда, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришда унинг анъаналарини изчил равишда давом эттирдилар. Бу даврда меъморчилик санъати юксак даражага кўтарилди. Амир Темур Куксарой масжиди, Шохизинда, Бибихоним мадрасасини кўрдирди. Кешда (Шахрисабз) Оқсарой барпо қила бошлади. Мирзо Улуғбек даврида 1417-1420 йилларда Регистонда, кейинчалик Бухорода, 1432-1433 йилларда Гиждувонда мадрасалар қурилди, Бибихоним масжиди, Гури Амир мақбарааси кўриб битказидди. 1429 йили эса Улурбекнинг фалакиёт расадхонаси ниятсига етди. Хиротда ҳам кўплаб меъморчилик бинолари барпо қилинди. Улар жумласига масжид, мадраса ва хонакохлардан иборат бўлган Гумбази сабз, Алишер Навоий кўрдирган «Ихлосия», «Низомия», «Шифоия» мадрасалари, Марв шаҳридаги «Хусравия» мадрасаси ва бошқалар

киради. Навоий яшаган замонда Хиротда «Шарқ Рафаэли» деб ном олган Камолиддин Бехзод (1456-1535) ва шох Мўзаффар каби дунёга машхур рассомлар ижод қилди. Бехзод «Зафарнома» китобига, Хусрав Дехлавийнинг «Хамса», Саъдийнинг «Бустон» асарларига нақш берган ва Хусайн Бойкаро, Хотифий, Жомий ва бошқаларнинг расмини чизган, халқнинг меҳнатини, табиат манзараларини ҳаққоний тасвирлаган.

XIV-XV асрларда Мовароуннахр ва Хуросонда илм-фаннинг кўп соҳаларида юксалиш юз берди. Жаҳонга машхур олимлар, табиатшунослар ва шоирлар етишиб чиқди. Тиббиёт, риёзиёт, хандаса, тарих, адабиёт, жугрофия, педогогика, мантик, фалсафа, ахлоқшунослик ва бошқаларга эътибор берилди. Айниқса, бадиий адабиёт ва адабиётшунослик тез ривож топа бошлади, уларда ўша даврнинг муҳим ижтимоий муаммолари ва инсонпарварлик ғоялари олға сурилди. «Гул ва Наврўз» муаллифи Лутфий (1366-1465), «Бехрўз ва Бахром» асарини ёзган Биноий (1453-1512), «Тазкират уш-шуаро» (шоирлар ҳақида тазкира) нинг муаллифи Давлатшоҳ Самарқандий, «Юсуф ва Зулайхо», «Махзан ул-асрор» (хазинаси) асарларининг муаллифлари Дурбек (XIV-XV Хайдар Хоразмий ҳамда Камол Хужандий (1402 йилда вафот этган), Хофиз Хоразмий (XIV-XV асрлар), Исмаил Бухорий (1365-1436), Яқиний (XV аср), Хилолий (XV аср), Атоий (XV аср) ва бошқалар ўша даврда яшаб ижод этдилар.

Бу даврда тарих фанига эътибор кучайди, йирик тарихнавислар пайдо бўлди. Темурийлар даврида Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413-1482) «Матлаа ас-саъдайн ва мажмаъ ал-бахрайн» («икки денгизнинг қўшилиши»), Хофиз Аbruнинг «Зубдат ат-таворих» («Тарихларнинг сараси»), Муйиниддин Исфизорийнинг «Равзат ал жаннат— гат фи авсоф мадинат», Фосих Хавофийнинг «Мужмали фосихий», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си, Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»си ва бошқалар машхур эди.

Ўша замоннинг энг машхур тарихчилари **Мирхонд ва Хондамир** эдилар. Мирхонд Хиротда туғилиб, шу ерда ижод қилин. Унинг асосий тарихий асари 7 жилддан иборат бўлиб, «Набиралар, подшоҳлар ва

халифалар таржимаи холлари ҳақида поклик боғлари» деб аталади. У олти жилдини ёзиб вафот этади, еттинчисини набираси Хондамир ёзиб тугатади.

Хондамир ҳам Хиротда туғилиб, ёшлигидан тарихнависликка хавас қўяди. У Аграда вафот этади. Унинг муҳим рисоалари «Мақорим ул-ахлоқ», «Ҳабиб ус-сияр», «Вазирлар учун қўланма» ва бошқалардир.

XIV-XV асрларда мантиқ, табиӣ-илмий фанлар, айниқса фалакиёт, фалсафа ва ахлоқшуносликка катта эътибор берилди. Мантиқ илмининг йирик вакиллари **бири Саъиддин Тафтазонийдир**, (1322-1392) у Нисо вилоятига қарашли Тафтазон Қишлоғида дунёга келади. Ёшлигидан илоҳиёт фанлари, араб тили, нутқ санъати ва мантиқ билан шугулланади. Тафтазоний мадрасаларда мударрислик қилди. Туркистон, Хирот, Жом, Гиждувон мадрасаларида талабаларга дарс берди. Тафтазоний шуҳрати, илмий ишлари Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига кенг тарқалди. Темурнинг таклифи билан аллома Самарқандга келиб, шу ерда умрининг охиригача яшади.

Тафтазоний 40 дан ортиқ рисоаларнинг муаллифидир. Муҳимлари: «Таҳзиб ал-мантиқ вал-калом» («Мантиқ ва каломга сайкал бериш») «Мухтасар ал-маоний» (Риторикага оид «Қисқача маънолар»), «Ал-иршод ал-ходий», (Араб тили грамматикасига оид «Йўл бошловчи раҳбар»), «Ал-мақосид ат-толибин» («Фалсафа ва каломга оид «Толиби илмларнинг мақсадлари») ва бошқалар. Тафтазоний ўтмиш олимларининг жуда кўп асарларига шарҳлар ҳам битган.

Тафтазоний ирода эркинлигига тўхталиб, ҳар қандай эзгу ишлар худонинг моҳиятидан келиб чиқади. худо яратувчи сифатида инсонларни ёмон ҳатти-ҳаракатлар қилишдан сақлайди, инсонни кўпроқ хайрли ишлар қилишга чорлайди, гуноҳ ишлардан қочишга даъват этади, деб айтади.

Ўша даврнинг яна бир атоқли алломаси **Мир Саййид Шариф Журжоний** Астробод шаҳри яқинида туғилган. Журжоний Истамбул, Кохира, Хирот, Шероз шаҳарларида бўлиб, улардаги олимлардан илм сирларини ўрганади. 1387 йилдан бошлаб Самарқанд мадрасаларида мантиқ, фалсафа, фалакиёт, фикх ва адабиёт, мунозара илми ва бошқалардан дарс беради.

Журжоний 50дан ортиқ рисоаларнинг муаллифи бўлиб, уларнинг аксарияти

мантиқ, фикх, фалсафа ва табиатшуносликнинг муҳим муаммоларига бағишланган. Олимнинг «Ат-таърифот» («Таърифлар»), «Одоб ул-мунозара» («Мунозара олиб боришнинг қоидалари ҳақида рисола»), «Сугро» («Кичик далил бўла оладиган ҳукм»), «Кубро» (Катта далил бўла оладигай ҳукм»), «Авсат дар мантиқ», («Мантиқда ўрта хулоса»), «Рисолайи вужудия» («Борлиқ ҳақида рисола») ва бошқа асарлардир

Мугафаккир рисолаларида борлиқ, модда ва унинг шакллари, жисмоний ва руҳий муносабатлар, мантиқий фикрлаш, тил ва тафаккурнинг ўзаро алоқаси, коинот, инсон, ақл ва билиш масалалари ёритилади. Журжоний, худди Тафтазоний сингари, ҳамма нарса ва жисмлар бир-бирига сабаб-оқибат нисбатида бўлади, деб ҳисоблади. Оддий нарсалар асосида тўрт унсур, яъни сув, олов, ҳаво ва тупроқ ётади. Металл, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси тўрт унсурнинг қоришиши нағижасида пайдо бўлади.

Жаҳон илм-фани тараққиётига катта улуш қўшган буюк фалакиётчи олим ва давлат арбоби **Мўхаммад Тарағай Улуғбек** (1394-1449) математика ва фалакиёт соҳасида баркамол ижод қилин. Унинг отаси, Амир Темўрнинг ўғли Шохрух. Мирзо эди. Улуғбек ёшлигидан илм билан қизиқди. унга таниқли олимлар Козизода Румий ва Гиёсиддин Жамшид устозлик қилдилар. У давлат арбоби бўлса ҳам, маданият ва илм-фан равнақиға кучини сарфлади, математика, астрономия, геометрия, тарих, кимё ва бошқа соҳаларда илмий тадқиқотлар олиб борди. Олимнинг дунёқарашида Афлотун, Арасту, Птолемей, аммад Хоразмий, ал-Фаргоний, Форобий, ибн Сино, Беруний ва бошқаларнинг асарлари муҳим ўрин эгаллади. Улуғбекнинг улкан ишларидан бири унинг Самарқандда, Куҳақ тепалигида, Оби Раҳмат ариғининг бўйида, расадхона барпо этганлигидир. Ушбу расадхона кўрилиши 1424 йилда бошланиб, 1429 йилда тугалланди. Олимнинг энг муҳим асари «Зижи жадиди Кўрагоний» деб аталади. Ундан ташқари, Улуғбек математикаға оид «Бир даража синусни аниқлаш ҳақида рисола», астрономияға бағишланган «Рисолайи Улуғбек» ва тарихға оид «Тўрт улус тарихи» китобларини ёзди. Улуғбек мантиқ илми, фикхшунослик, мусиқа ва

адабиёт назариясини яхши билар эди. Олимнинг «Зижи» икки қисм, муқаддима ва 1118 юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган жадваллардан иборат.

Улуғбек сайёраларни ўрганишга турли услубларни қўллайди, булар кузатиш, эксперимент, жонли мушоҳада, исботлаш, киёслаш, индукция, дедукция ва бошқалардир. Шунини айтиш лозимки, Улуғбек кузатиш ва улчаш асбоблари такомиллашмаган бўлса ҳам, қуёш ва ой ҳаракатларини, уларнинг тутилиши ва вақтларини тўғри ҳисоблаб чиқди. У ўз атрофига қобилятли олимларни тўплади, ўзга мамлакатлардан иқтидорли олимларни таклиф этди.

Ана шундай олимлардан бири **Гиёсиддин Жамшид ал-Қоший** бўлиб, у йирик риёзиётчи ва фалакиётчидир. Унинг асарлари «Мифтоҳ ул-ҳисоб» («Ҳисоб калиди»), «Рисола ал-мухитийа» («Доира ҳақида рисола») ва бошқалардир. XVI асрдан бошлаб Европа мамлакатларида унинг кашфиётидан фойдалана бошладилар.

Тарихда Али Қушчи номи билан машҳур бўлган **Алоуддин Али ибн Мухаммад Қушчи** Улуғбекнинг шоғирдидир. У илмий ишларини фалакиёт ва риёзиёт соҳасида олиб борди. Унинг асарлари: «Арифметика илми ҳақида рисола», «Мантиқ рисоласи», «Астрономияга оид рисола» ва бошқалардир.

Али Қушчи «Астрономияга оид рисола»сида Ой ва Қуёш тутилиши қонуниятларини илмий асослаб берди. Олим табиат сирлари ва унинг қонуниятларини урганди, жисмлар ҳаракати ва уларнинг оддийдан мураккабга ўтиши тўғрисида ўз фикрини илғари сурди.

Умуман шуни таъкидлаш лозимки, Улуғбек ва у асос солган астрономия мактаби коинотдаги ҳодисаларни ўрганишда муҳим рол уйнади, ўша вақтгача фанга маълум бўлмаган ҳодисаларни идрок қилиб, инсон ақл-заковатининг билиш имкониятларини кенгайтди, кейинги даврларда яшаган олимларга самарали таъсир кўрсатди. Улуғбекнинг астрономия соҳасидаги ғояларини Европада XVI асрдан бошлаб Коперник, Галилей ва бошқалар ривожлантирдилар.

Улуғбек ислом динига чуқур эътиқод қўйган, илоҳдёт ривожига

муносиб хисса қўшган, мактаб ва мадрасалар кўришга эътибор берган жаҳонга машхур олим эди. Айниқса темурийлардан Хусайн Бойкаро хукмронлиги даврида бу ерда илм-фан, адабиёт соҳасида юксалиш юз берди. Абдурахмон Жомий, Алишер На воий каби жаҳонга машхур мутафаккирлар етишиб чиқди. Ўрта аср мумтоз адабиётининг вакили, улуғ шоир ва мутафаккир **Абдурахмон Жомий**дир. Жомийни Навоий устоз деб ҳисоблар эди. унинг қаламига мансуб асарлар «Нафхот ул-унс» «Хужжат ул-асрор», «Мусика ҳақида рисола», «Нақши фусус; «Воҳид атамаси ҳақида рисола», «Ҳаж қилиш йўллари ҳақид рисола», «Баҳористон» ва бошқалардир.

Жомийнинг энг йирик асари «Хафт авранг» бўлиб, ун «Тухфат ул-ахрор», «Сухбат ул-аброр», «Юсуф ва Зулайхо» «Сухбат ул-асрор», «Лайли ва Мажнун», «Саламон ва Абсол» «Хирадномайи исқандарий» дostonлари киради.

Барча мусулмон мутафаккирлари каби Жомий ҳам худо абадий, мутлоқ ва дунёдаги ҳамма нарсаларнинг сабабчисидир, худо мавжуд бўлганда, борлик йўқ эди, дунё ўзининг бошланғичини Оллоҳдан олган, демак, худо ҳамма нарсанинг яратувчисидир, деб ҳисоблайди. Жомийнинг фалсафий қарашлари унинг инсонпарварлик ғоялари билан чамбарчас боғланиб кетади. Мутафаккирнинг кўпгина асарларида инсон, адолат, муҳаббат, эзгулик ғоялари тасвирланади.

Жомий нақшбандийлик таълимотига эътиқод қилиб, унинг назарий ва амалий жиҳатларини ривожлантиради. Суфий, унингча ҳалол ва пок бўлиши, бирор касб-хунарни эгаллаши, қаноатли ва олийжаноб бўлиши, тамагирликдан узоқ, юриши, нафсини жиловлаши лозим. Жомий худони «гўзал маъшуқа» сифатида тасвирлаб, инсоннинг мақсади унинг васлига етишдир, дейди.

Жаҳон маданияти равнақиға ўлкан хисса қўшган сиймолардан бири, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири **Низомиддин Мир Алишер Навоийдир** (1441-1501). У Темурийлар хонадонига тааллуқли бўлиб, отаси Гиёсиддин кичкина Шахрисабздан Кобулға бориб қолган барлос бекларидан эди. Навоий Хиротда Хусайн Бойкаро саройида турли лавозимларда ишлади, 1472 йилдан бошлаб вазир этиб тайинланди. Шоир мамлакат ободончилиги, равнақи ва осойишталиги йўлида

кўп ишлар қилди. Мактаб, мадраса, масжид ва хонақолар, кўприк, работлар, шифохоналар кўрдирди, мухтож ва камбағалларга ёрдам берди, олиму шоирларга хомийлик қилди. «Махбуб ул-қулуб» - ижтимоий-тарбиявий асар. Унда муаллиф ўз қарашларини ҳам изчил мантикий баён орқали, ҳам жумлалардаги таъсирчанлик, бадиий тасвир воситаларининг махсус танланиши орқали изҳор қилишган. Шу жиҳатдан шоирнинг учинчи қисмдаги ошиқлар («сиддиқлар»), яъни тасаввуф аҳлига муносабатида улар эътиқодига эътиром туйғулари билан бир пайтда уларнинг моддий дунё, реал инсонлар ташвишидан узоқлашиб кетганликлари, «халқ ғамидин ғами» йўқлигига муайян ишоралар ҳам мавжуд.

Аммо асосий гап бунда эмас. Алишер Навоий то охириги асари бўлмиш «Махбуб ул-қулуб» ёзилгунга қадар ўзи ҳам **«мажозий ишқ»** деб ишлатиб келган ҳодисани умри ниҳоясида моҳиятан алоҳида икки турга фарқлаб, бирини **«авом ишқи»** ва иккинчисини **«хавос ишқи»** деб номлади. Шу билан Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун каби бошдан-оёқ пок туйғуларга йўғрилган «алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ»нинг кўпчилиги одатда кўзда тутадиган йигит-қиз орасидаги оддий «ошиқ-маъшук»ликдан ҳам, Олий ҳақиқатнинг мутлақ жамолига ошуфта тасаввуф аҳли интилишларидан ҳам бутунлай фарқ қилувчи мумтоз бир туйғу, алоҳида ҳолат эканлигини махсус таъкид этишга эришди. Сукрот тилидан «ҳақиқий ишқ» йўлида бир восита сифатида таъриф этилган «мажозий ишқ» аслида Навоий бадиият оламида мустақил ҳодиса сифатида ўзлигини намоён этди. Бу ҳодисанинг моҳияти шунда эдики, унда инсоннинг Олий ҳақиқатга,

Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига муносабати унинг ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятга муносабати билан уйғунлик ҳосил қиларди. Бадиий ижод мазмунидаги мана шу теранликка эришиш йўли **«мажоз тариқи»** деб ном олди. Миллий маънавиятимиз таком依лидаги ушбу энг юксак босқични алоҳида инсон маънавий камолоти жараёнига татбиқ этсак, уни биз бугунги тилда **«меҳр маърифати»** деб атаганимиз маъқул.

Навоий шеър ишқ ҳақида бўлмаса, бекорчи сўз деб ҳисоблайди: «Сўзким

дард чошнисидин ҳарорати бўлмағай ва назмким, ишқ ҳароратидин ҳирқати бўлмағай, нурсиз шамъ бил ва сарварсиз жамъ гумон кил. Ҳосиликим, сўзга бу таронадур ва мундин ўзга барча афсонадур ва сўз ишқ сўзидур ва кўнгулда ҳаёт нашъаси ишқ ўзидур». Охирги жумла ниҳоятда гўзал ва маъноли - шоир назарида инсон ҳаётининг мазмуни ва завқи ишқдан ташқари эмас.

“Авом” – 1) *оми одамлар, Алишер Навоий наздида ижтимоий келиб чиқиши, бойлиги ва амалидан қатъи назар, ўзлигини англаб етмаган, маънавий савияси паст бўлган инсонлар, агар кимки ўзлигини англаб етмаган бўлса, ўзини еб-ичиб, “кайфи сафо қилиб” юришдан ортиққа арзитмаса - ҳануз у ҳақиқий шахс мақомига кўтарилмаган, оддий бир “худонинг маҳлуқи” даражаси қолиб кетган, бундай инсонларнинг жамлан-маси эса “халқ” эмас, “оломон” аталишига лойиқ бўлади. 2)* *кейинги даврларда юқори табақа вакиллари орасида “қора халқ”, паст табақа вакиллари маъносида ишлатила бошлаган.*

“Хавос” – 1) *хос кишилар, Алишер Навоий наздида ўзлигини англаб етган, яъни, ўзининг Борлиқ ҳақиқатига нисбатини тўғри англаб етиб, шунга яраша ҳаётий мезонларини белгилаб олган, ўз инсонлик бурчини теран идрок этиб, шунга яраша амал қилувчи юксак маънавиятли огоҳ шахслар, 2) *XIX – XX асрларга келиб, оддий халқ тушунчасида юқори табақа вакиллари, беклар, аслзодалар,**

Навоий йигитлик чоғларидан
Жомийни ўзига пир тутган, кейинча
ундан тасаввуф ирфони бўйича
таълим олгани юқорида қайд этилди.

*“зодагонлар” маъносида ишлатила
бошлаган.*

«Маҳбуб ул-кулуб»да шоир устозини «ҳақиқат ва мажоз тариқида комил ва
илми ҳар иккаласи тариқида вофий ва шомил», деб улуғлайди. Дарҳақиқат,
Жомий нафақат ирфоний туйғулар ифодасида, балки мажозий ишқ тасвирида
ҳам ниҳоятда юксак маҳорат кўрсата олган. Аммо барибир Жомий тасаввуф
шоири эканини унутмайди. Юсуф ва Зулайхо, Лайли ва Мажнун, Соломон ва
Ибсолларнинг оташин муҳаббатини эҳтирос билан гавдалантириб бергач,
асар охирида барча мажозий тимсолларнинг ирфоний шарҳини беришни
унутмайди. Яъни Аттор каби Жомий учун ҳам «мажозий ишқ» рамздир,
аллегориядир.

Низомий, Деҳлавий, Саъдий, Ҳофиз эса ундай қилмайдилар, улар учун
мажозий ишқ мустақил қийматга эга. Навоий ҳатто «Лисон ут-тайр»да ҳам
мажозни аллегория, рамз маъносида қўлламайди. Мажоз тариқи
намояндалари мажозда Ҳақиқат асрорини кўрадилар. Навоий ёзади:

Кўрмаса ҳусни мажози ичра жуз Ҳақ сунъини,
Ошиқекеим бўлса ишқ атвори ичра покбоз.
Зоҳидо, бу ишқдин манъ айлама ошиқниким,
Гар сен идрок айласанг, айни Ҳақиқатдир мажоз.⁸

Халқимиз айтадики, бир иш қилсанг «холисанлиллоҳ» қилгин, яъни холис
Аллоҳ таоло йўлида қилинган ҳар бир иш хайрлидир, агар унга худбинлик,
ғараз аралашса яхши кўринган иш ҳам ёмонликка олиб келади. Навоий
ишлатган «покбоз» сифати айни шу холисликни, беғаразликни англатади.

Нақшбандия тариқати ирфоний тафаккурнинг олий чўққиси бўлди. Аммо
Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1383) яшаган даврни биз кейинги **«Мажоз**

⁸ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 6-ж. Т. 1990, с. 512-513

тариқи» босқичига тааллуқли ҳисобладик. Нега? Чунки бу улуғ ирфон муаллимидан бизга ёдгор қолган ҳикматлар - «хилват дар анжуман», «дил ба ёру даст ба кор»- ўз мазмун-моҳиятига кўра дунёвий ва ухравий мақсадларнинг уйғунлигига эришишга даъват қилади, шуниси билан миллат маънавиятини тасаввуф тариқатлари босқичидан «Мажоз тариқи» босқичига олиб ўтади.

Навоий ижоди бой бўлиб, асарлари турли мавзуларга бағишланган. «Ҳамса» яъни «Хайратул аброр», «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» дostonлари ҳамда «Лисон ут — тайр», «Мажolisун нафoис», «Махбубул қўлуб», «Холоти Пахлавон Муҳаммад», «Мезон ул-авзон», «Муҳокамат ул-лугатайн» ва бошқалар. Булардан ташқари, Навоий «Ҳазойинул маоний» («Маънолар хазинаси») номли шеърий тўплам яратган бўлиб, у 45 минг мисрага яқин газал, рубоий, китъа ва фардлардан ташкил топган.

Навоийнинг ижоди фалсафий фикрларга бой бўлиб, унда жамият ва инсон муносабати, инсоннинг бахт-саодати, комил инсон ва фозил жамоа, таълим-тарбия ҳақидаги фикр-уйлари ўз ифодасини топган.

Шоир ижтимоий-фалсафий қарашларининг муҳим хусусияти шундан иборатки, унда фалсафий фикрлар мажозий тарзда, бадий ухшатиш ва рамзий иборалар ёрдамида, зоҳирий ва ботиний маъноларда баён қилинади.

Навоийнинг ижодий меросида инсонпарварлик ва комил инсон Пояси муқим ўринни эгаллайди — шоирнинг «Памса»сига кирган «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Садди Искандарий» каби дostonларининг асосий Паҳрамонлари Искандар, Фарход, Ширин, Лайли, Мажнун ва бошПалар комил инсон сифатида талПин Пилинади. Улар меҳнатсевар, ўз касбини устаси, доимо ўзгаларга ёрдам берувчи, шижоаткор ва жасур, аПлли ва билимдон, саховатли, тўПри сўз, софдил, камтар, ўзида хулП,-одоб, адолат, сабр-тоПат, нафсни тийиш, олижаноблик каби фазилатларни мужассамлаштирган шахслардир. Навоийнинг **“Маҳбуб ул- қулуб”** рисоласи **“Аввалги қисм”**ининг **16-фасли** шоирлар таърифида бўлиб, **“Назм**

гулистонининг хушназма қушлари зикрида” деб аталади ва шундай бошланади:

*“Ул неча табақадир: аввалги жамоа нуқуди кунузи маърифати илоҳийдин ганийлар ва халқ таърифидин мустағнийлардур. Ишлари маоний хазоинидин маърифат жавҳарин термак ва эл файзи учун вазн силкида назм бермак. Назм адоси бағоят аржуманд ва бениҳоят шариф ва дилписанд ўлдуги учун оёти каломда нозил бор ва ҳадиси мўъжизнизомида тилаган топар, чун маал-қасд эмас, эл ҳурмати жиҳатидин ани шеър демас”*⁹

(Насрий баёни: Улар бир неча гуруҳдир. Биринчи гуруҳ маърифати илоҳий хазинасининг нақдиналари билан бойиган ва халқ таърифига эҳтиёж сезмаганлардир. Ишлари маънилар хазинасидан Маърифат гавҳарини термоқ ва у гавҳарни эл файз топсин учун назм ипиға тортмоқ. Назмларининг ифодаси ғоят қутлуғ ва бениҳоят ёқимли ва улуғ бўлганлигидан илоҳий калом оятлари ва Расулulloҳнинг мўъжизали ҳадислари мазмунини излаган киши улардан топа олади ва қасддан ёзилмагани сабабли эл уларга эҳтиром билдириб, шеър деб аташга журъат этмаслар”).)

Алишер Навоий бу тоифани *“ҳақиқат тариқининг суҳанвари”*, деб атайди ва улар жумласидан тасаввуф адабиётининг энг буюк сиймолари **Фаридиддин Аттор** ва **Жалолиддин Румий** номларини тилға олади. Олим бу гуруҳ вакиллари *“авлиёи огоҳ ва машойих ва аҳлуллоҳ”*, деб улуғлайди.

Навоий *“мажоз тариқи”* хусусидаги таърифларга ўтиб, ўзи кашф этган ҳақиқатларни шундай баён қилади:

“Яна бир жамоатдурким, ҳақиқат асрорига мажоз тариқин махлут қилубдурлар ва каломларин бу услубда марбут этибдурлар. Андоқки, маоний аҳлининг нуқтапардози Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ва ишқ аҳли гуруҳининг покбози ва покрави Амир Хусрав Деҳлавий ва

⁹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14-жилд. Т.-«Фан»-1998, с.24

тасаввуф ва диққат мушкулотининг гириҳкушойи Шайх Заҳириддин Санойӣ ва фариди аҳли яқин Шайх Авҳадиддин ва маоний адосига лофиз Хожа Шамсуддин Муҳаммад ал- Ҳофиз.

Яна жамъе бордурларки, мажоз тариқи адоси алар назмига золиб ва алар бу шевага кўпроқ роғибдурлар. Андоқим, Камоли Исфаконий ва Хоқонийи Ширвоний ва Хожуйи Кирмоний ва мавлоно Жалолиддин ва Хожа Камол ва Анварий ва Заҳир ва Абдулвосиъ ва Асир ва Салмон Соважий ва Носир Бухорий ва Котибий Нишопурий ва Шоҳий Сабзаворий”.¹⁰

(Насрий баёни: “Яна бир гурухдурким, Ҳақиқат сирларига мажоз йўлини аралаштирибдурлар ва сўзларини бу услубда боғлабдурлар. Чунончи: маъни аҳлининг нозик сўзлиси Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ва ишқ гуруҳининг ҳалол ошиқи Амир Хусрав Дехлавий, тасаввуф ва тафаккур мушкулларининг чигалини ечувчи Шайх Заҳириддин Санойӣ, ҳақиқат аҳлининг яғонаси Шайх Авҳадиддин ва лафз билан маънони англатишга моҳир Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз.

Яна бир қанчалари бордурларки, мажоз йўли уларнинг шеърларида ғалаба қозонган ва улар бу равишга кўпроқ рағбат этганлар. Чунончи: Камол Исфаконий, Хоқоний Ширвоний, Хожуйи Кирмоний, Мавлоно Жалолиддин, Хожа Камол, Анварий, Зоҳир, Абдулвосиъ, Асир, Салмон Соважий, Носир Бухорий, Котиби Нишопурий ва Шоҳий Сабзаворий”.¹¹

Навой халқ орасида инсонпарварлик ғояларини таркатди, турли миллат ва элатлар ўртасидаги дўстликни улутлади. Халқни фаровонликка, бахт-саодатга элтувчи, ҳамма тенг, зулм-истибдоддан холи бўлган давлат тузумини орзу қилди. У илм-фан эгаллашни афзал билди, мол-мулкка, бойликка хирс қўйишни, тамагарликни қоралади. Навойнинг яхшилик, эзгулик, муҳаббат, дўстлик, адолат, тинчлик, осойишталик ва бошқа гўзал фазилатлар, маънавий ахлоқий қадриятлар тўғрисидаги қимматли фикрлари, насихатомўз сўзлари республикаимиз мустақилликка эришгандан ҳам

¹⁰ Ўша китоб, с.25

¹¹ Алишер Навоӣ. Асарлар. 13-жилд. Т., 1966, с.191

баркамол инсонни тарбиялашга хизмат килмоқда.

XV асрнинг охиридан бошлаб Темурийлар давлати секин-аста инқирозга юз тўта бошлади. Бунга темурий шахзодаларининг ўзаро уруш-жанжаллари, тарқоқликнинг кучайиши, ўзаро низолар, тахт учун кўрашлар натижасида мамлакатнинг бўлиниб кетиши, иқтисоднинг тушкунликка учраши сабаб бўлди. Натижада Мавороуинахр Шайбонийхон томонидан босиб олинди.

Темур авлодидан бўлган **Захириддин Мухаммад Бобур** (1493-1530) ўша даврнинг энг маърифатли подшоларидан бири эди. Андижонда Умаршайх Мирзо хонадонида тутилган Бобур кейинчалик Ҳиндистонда ўлкан салтанатга асос солди. Бобур даврида Ҳинд диёри гуллаб яшнади, ундаги маданият юксак даражага кўтарилди. Ҳиндистоннинг XX асрдаги энг атоқли кишилари Махатма Ганди ва Жавоҳарлал Неру ҳам Бобур ва бобурийлар — Шох Жаҳон, Аврангзеб ва Акбар каби темурийзодаларга жуда катта баҳо берганлар.

Ички келишмовчиликлар натижасида ўз юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган Бобур аввал Кобулда, сўнгра эса 1526 йилги Панипат жангида Иброҳим Луди устидан ғалаба қозониб Ҳиндистонда ўз хукмронлигини ўрнатди. «Бобурийлар сулоласи Ҳиндистонда 300 йилдан ортиқ хукмронлик қилиб, темурийлар давлати ва маданиятини давомчиси сифатида машхур бўлди.

Бобирнинг хизмати шундаки, у Ҳиндистонни марказлашган давлатга айлантирди, мамлакатда тинчлик ўрнатди, ободонлаштириш ва қўрилиш ишларини ривожлантирди, карвонсаройлар, меъморий ёдгорликлар, боғчалар, кутубхоналар барпо қилди, маданият, санъат, адабиёт ва илм-фанни юксалтирди. Бобур илм-фан, санъатга катта қизиқиш билан қараган, юксак ақл эгаси, комусий билимга эга бултан давлат арбоби, олим ва шоирдир.

Бобурийларнинг кўпчилиги маърифатчилик билан машғул бўлдилар, олиму фўзалолар билан маслаҳатлашиб турдилар. Уларнинг яна бир хизмати ислом ва будда динига эътиқод қилувчи мусулмон ва ҳиндуларни келиштиришга, аҳил яшашга чиқаришда бўлди.

Бобирнинг машхур тарихий асари «Бобурнома»дир. Булардан ташқари, у ҳуқуқшуносликка оид «Мубаййин», арўз илмига оид «Муфассал», мусиқа

бўйича «Муסיкий», ҳарбий ишларга оид «Ҳарб иши» рисоаларини ёзган. «Бобурнома» ўша даврдаги Марказий Осиё, Ҳиндистон, Афғонистон, Эроннинг сиёсий, ижтимоий ҳаётини, савдо муносабатлари, географияси, ҳайвонот ва наботот оламини, иқлими, қабила ва элатларнинг урф-одатлари, маросимлари, турмуш тарзини ва маросимларини ақс эттирган асардир.

Бобур ўзининг лирик шеърларида ишқ, муҳаббат, Ватан соғинчи меҳр, вафо, инсонийлик, дўстлик, яхшилик ва меҳр-оқибатни қўйилади. Жавоҳарлал Неру Бобирнинг Ҳиндистондаги фаолиятига баҳо берган эди. Неру Бобирнинг дилбар шахс эканлиги, мард ва тadbирқорлигини, санъатни севганини ва умуман, Ҳиндистон учун кўп иш қилинлигини таъкидлаган эди. Бобур ва бобурийларнинг сиёсий, маданий фаолиятлари Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда ҳозир ҳам муҳим рол уйнамоқда.

Шундай қилиб, XIY-XV асарларда Мовароуннахр ва Хуросонда маданий юксалиш юз берди. Буни олимлар Ренессанс даври ҳам деб атамоқдалар. Баъзи олимлар эса, бу атаманинг Шарқ мамлакатларига тўғри келмаслиги тўғрисида ўз фикрларини айтмоқдалар. Нима бўлганда ҳам Европада XV-XVI асарлардаги кўгаринкилик, Ренессанснинг муҳим хусусиялари Марказий Осиёда рўй берган маданий юксалиш бир-бирига кўп томонлари билан ўхшаб кетади. Булар орасида мушгаракликлар кўп. XIV-XV асрлар моддий ва маънавий юксалишининг муҳим хусусияти яна шундан иборатки, бу даврда ишлаб чиқариш усди, ички ва ташқи савдо, хунармандчилик, деҳқончилик ривожланди, хорижий мамлакатлар билан дипломатик ва маданий алоқалар ўрнатилди, инсон ақл-заковати ва унинг энг яхши фазилатларга эътибор кучайди, илм-фан ва санъат ривож топди, Қомусий олимлар етишиб чиқди, маданий меросни ўрганишга қизиқиш ортди. Темур ва темурийлар давридаги маданий юксалиш ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Улар мустақил давлатимизни мустаҳкамлашда, маданий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда, миллий ғоя ва мафқурани шакллантиришда маънавий озука вазифасини ўтамоқда.

Мавзу юзасидан тестлар мажмуи.

1.Зардуштийлик таълимоти вужудга келишининг ижтимоий – тарихий, маънавий – маданий асослари қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

- А. Дехқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо –сотиқ муносабатлари.
- Б. Босқинчилик ҳаракатлари.
- В. Маънавий – маданий юксалиш, тафаккур ва фикрлар хилма-хиллиги, эътиқод ягоналигига эҳтиёжнинг ортиши.
- Г.Ижтимоий-сиёсий ҳаёт ривож.
- Д.Кўп ҳудудликка эътиқоднинг ортиши.

2.Зардуштийликнинг Ватани қайси жавобда кўрсатилган.

- А. Бағдод.
- Б. Эрон.
- В. Марказий Осиё.
- Г. Хоразм.
- Д. Миср.

3.Авесто неча қисмдан иборат.

- А. 5та.
- Б.3та.
- В.6та.
- Г. 4та.
- Д. 2та қисмдан.

4.Зардуштийлик қандай таълимот?

- А. Диний таълимот.
- Б. Афсонавий.
- В.Диний –фалсафий ҳамда ахлоқий ғояларни ифода этувчи таълимот.
- Г.Ижтимоий –сиёсий.
- Д. Иқтисодий таълимот.

5. Зардуштийликдаги асосий ўзаро қурашувчи қуч нималардан иборат.

- А. Ҳалоллик ва нопоклик.

Б. Эзгулик ва ёвузлик.

В. Ахурамазда ва Ахраманда.

Г. Яхшилик ва ёмонлик.

Д. Якка ва кўп худолик.

6.Авестонинг “Ясна” китоби неча китобдан иборат.

А. 25 та.

Б. 42 та.

В. 72 та.

Г. 18 та.

Д. 100 та

7.Буддизмнинг ватани қайси жавобда тўғри кўрсатилган.

А.Ҳиндистон.

Б.Урта Осиё.

В.Миср.

Г.Хитой.

Д.Боғдод.

8.Буддавийлик Ўрта Осиёга қачон кириб келган.?

А. Эрамиздан аввалги 1-2-асрларда.

Б.Миллоддан олдинги 6-8 асрларда.

В. Эрамизнинг 5-асрларида.

Г. 10-11 асрларда.

Д. 11-12-асрларда.

9.Буддизмнинг Ўрта Осиёда қандай оқими кенг тарқалди.

А.Хинаяна.

Б.Махаяна.

В. Гаутама.

Г.Сидхарта.

Д. Ахимса.

10.Монизм қандай таълимот.

- А.Ижтимоий тенгликка асосланган таълимот.
- Б. Якка худочиликни тарғиб қилувчи таълимот.
- В. Купхудочиликни тарғиб қилувчи.
- Г. Комилликни эътироф этувчи таълимот.
- Д. Диний ақидапарастликни тарғиб этувчи.

11.Марказий Осиё араб халифалиги томонидан нечанчи асрларда босиб олинди.

- А. XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларида.
- Б. 9 –аср охири 10 – аср бошларида.
- В.7- аср иккинчи ярмида.
- Г.8- аср бошларида.
- Д.11 – аср иккинчи ярмида.

12. Исломий таълимотнинг асоси баён қилинган манбасини кўрсатинг.

- А.Қуръон ва ҳадисларда
- Б. Қуръони Каримда
- С.Ҳадисларда
- Д.Шариатда

13.Калом фалсафаси моҳияти қайси жавобда қисқача ва тўғри кўрсатилган.

- А.У диний қонун –қоидаларни ҳаёт билан боғлашга, ҳурфикрлиликка қаратилган.
- Б.Калом ислом илоҳиётининг ўзига хос фалсафий таълимотидир.
- С. У диний ақидаларни асослаб беришга ўринган, илм-фанга йўл очувчи таълимот.
- Д.Барча жавоблар тўғри.

14.Ўрта Осиёда диний бағрикенглик ғояларини тарғиб қилган алломалар кимлар.

- А. Имом Бухорий, ат Термизий, Марғиноний.
- Б. Бухорий, Марғиноний, Насафий.
- С. Ат Термизий, Марғиноний, Форобий.

Д.Ибн Сино, Форобий, Беруний.

15.Қуйидаги“Ал-Жомий”(Жамловчи), “Аш – Шамойил ан набавий”(Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари), “Ал-илал филҳадис”(“Ҳадислардаги оғишлар”), “Рисола фил-хилоф ва-л-жадал”(“Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола”), “Ат-тарих”(“Тарих”), “Китоб ул-асмо ва-л-куно”(“Исмлар ва лақаблар ҳақида китоб”)асарлар қай бир алломанинг қаламига мансуб.

А. Термизий Абу Исо Муҳаммад

В.Бухорий ҳамда Мотрудий қаламига мансуб.

С.Марғиноний.

Д. Нажмиддин Кубро қаламига мансуб.

16.Қуйидаги қоидалар қайси таълимотга тегишли: иймон-эътиқоднинг моҳияти Оллоҳдан бошқа нарсага муҳгож бўлмаслик, ҳеч қандай мулкнинг қўлига айланмаслик, бориға сабр-қаноат қилиб яшашдир. Оллоҳға етишим учун қалбни поклаш, нафс балосидан озод бўлиш даркор.

А.Тасаввуф

В.Ислом.

С.Буддавийлик.

Д.Зардуштийлик.

17.Тасаввуфнинг Марказий Осиёдаги вакиллари кимлар.

А.Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Нақшбандий.

В.Мотрудий, Аҳмад Яссавий, Нақшбандий.

С.Ғаззолий, Аҳмад Яссавий, Нақшбандий.

Д.Фарғоний, Мусо Хоразмий, Беруний.

18. Қуйидаги зикр этилаётган давомли ном қайси алломага тегишли. Абу-л-Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абу-л-Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-...

А.Марғиноний

В.Самарқандий.

С. Бухорий.

Д.Ғаззолий.

19. Жаҳонда табиий ва аниқ фанлар ривожига салмоқли ҳисса қўшган Марказий Осиёлик буюк алломалар кимлар?

А. Марғиноний, Яссавий.

В. Беруний, Ибн Сино.

С. Хоразмий, Фарғоний.

Д. Барча жавоблар тўғри.

20. Ал Хоразмий қаламига мансуб асарлар номини кўрсатинг.

А. Тиб Қонунлари, Билимлар китоби.

В. Донишмандлик маскани, Ер суръати, Астрономия жадвали.

С. Вужуди вожиб, Вужуди мавжуд.

Д. Ахлоқ ул адаб.

21. Фарғоний сазовар бўлган унвон.

А. Буюк математик

В. Иккинчи муаллим

С. Буюк рассом

Д. Буюк табиб.

22. Коинот харитасини тузган буюк аллома.

А. Беруний

В. Фарғоний.

С. Ибн Сино.

Д. Хоразмий.

23. Марказий Осиёда табиатшунослик ва тиббиёт илмига катта ҳисса қўшган аллома

А. Фаробий

В. Хоразмий

С. Фарғоний

Д. Ибн Сино.

24. Фаробий оламни неча хил кўринишда талқин қилади?

А.Икки хил кўринишда

В.3 хил кўринишда

С.6 хил кўринишда

Д.4 хил кўринишда

25.Фаробий асарларида илгари сурилган ғоя:

А.Давлатни хусусийлаштириш

В.Ахлоқий ва ақлий тарбия,комил инсон, фозил фуқаролар, одил ҳукмдор

С.Бахт саодат,унга эришиш йўллари

Д.Барча жавоблар тўғри.

26. *“...билишга бўлган қизиқишнинг иккита сабаби: биринчиси, бу ўзига хос лаззатдир. Иккинчиси, билишдан мақсад одамлар эҳтиёжларини қондиришидир,”* деган фикр қайси Ўрта Осиёлик алломага тегишли?

А.Беруний

В.Фаробий

С.Хоразмий

Д.Фарғоний.

27.Темур ва Темурийлар фалсафаси қайси даврларни ўз ичига олади?

А. 14 аср ўрталари ва 15 аср охири.

Б. 12-13 асрларни.

С. 13 аср боши 14 аср охири.

Д. 13-14 асрларни.

28.Темурийлар даври олим, фузоларининг номини кўрсатинг?

А.Саййид Амир Кулол, Шайх Абу Бакр Тайободий, Мир Саййид Барака.

В. Шоҳрух, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Бобир Мирзо.

С. Тафтазоний, Жўржоний, Хондамир,Жомий, Кошифий.

Д.Барча жавоблар тўғри.

29.Темур Тузуклари асари неча қисмдан иборат

А.2 қисмдан иборат

В.4 қисмдан

С.6 қисмдан

Д.3 қисмдан иборат.

30. *«Тахзиб ал-мантиқ вал-калом» («Мантиқ ва каломга сайкал бериш»)*
«Мухтасар ал-маоний» (Риторикага оид «Қисқача маънолар»), *«Ал-иршод ал-ходий»*, *(Араб тили грамматикасига оид «Йўл бошловчи рахбар»)*, *«Ал-макосид ат-толибин» («Фалсафа ва каломга оид «Толиби илмларнинг мақсадлари»)*
каби асарлар қайси алломага тегишли?

А.Хондамир

В.Тафтазоний

С.Журжоний

Д.Жомий.

31. *«Ат-таърифот» («Таърифлар»)*, *«Одоб ул-мунозара» («Мунозара олиб боришининг қоидалари ҳақида рисола»)*, *«Сугро» («Кичик далил бўла оладиган ҳукм»)*, *«Кубро» (Катта далил бўла оладигай ҳукм»)*, *«Авсат дар мантиқ»*, *(«Мантиқда ўрта ҳулоса»)*, *«Рисолайи вужудия» («Борлиқ ҳақида рисола»*
каби асарлар муаллифи ким?

А.Алишер Навоий

В.Улуғбек

С.Журжоний

Д.Кошифий.

32. *“...ҳамма нарса ва жисмлар бир-бирига сабаб-оқибат нисбатида бўлади, деб хисоблади. Оддий нарсалар асосида тўрт унсур, яъни сув, олов, ҳаво ва тупроқ ётади. Металл, ўсимликлар ва хайвонот дунёси тўрт унсурнинг қоришиши натижасида пайдо бўлади,”* **фикрни қайси файласуф илгари сурган?**

А.Тафтазоний

В.Журжоний

С.Али Қушчи

Д. Бобур

33. *“... худо- мисоли «ғўзал маъшуқа», инсоннинг мақсади унинг васлига етишидир,”* **ушбу фикр қайси мутафаккир томонидан билдирилган?**

- А.Жомий
- В.Навоий
- С.Тафтазоний
- Д. Бобир.

34. А.Навоий фалсафий таълимоти қандай характерга эга?

- А. Монистик
- В.Дуалистик
- С.Идеалистик
- Д. Пантеистик.

35. 3.Бобирнинг буюк хислат ва хизматлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Ҳиндистонни марказлашган давлатга айлантирди, мамлакатда тинчлик ўрнатди, ислом ва будда динига эътиқод қилувчи мусулмон ва ҳиндуларни келиштиришга, аҳил яшашга чиқаришга эришди.
- В. Ободонлаштириш ва қўрилиш ишларини ривожлантирди, карвонсаройлар, меъморий ёдгорликлар, боғчалар, кутубхоналар барпо қилди.
- С.Маданият, санъат, адабиёт ва илм-фанни юксалтирди, илм-фан, санъатга катта қизиқиш билан қараган, юксак ақл эгаси, қомусий билимга эга булган давлат арбоби, олим ва шоирдир.
- Д. Барча жавоб тўғри.

36. «Мубаййин», арўз илмига оид «Муфассал», мусиқа бўйича «Мусикий», ҳарбий ишларга оид «Ҳарб иши» рисоаларини ёзган мутафаккир ким?

- А.Али Қушчи
- В.Улуғбек
- С.Навоий
- Д.Бобир

Мустақил иш учун мавзулар:

1. Марказий Осиёдаги энг қадимги фалсафий қарашлар шаклланишининг ижтимоий-маданий асослари.
2. Марказий Осиё Зардўштийликнинг ватани.
3. Ватанимизда диний бағрикенглик ғояларининг тараннум этилиши.
4. Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя” асарининг мазмун моҳияти.
5. Ал-Фарғонийнинг фалсафий қарашлари.
6. Фаробийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.
7. Ибн Синонинг табиий-илмий қарашлари.
8. Тасаввуф ва унинг тариқатлари.
9. “Темур тузуклари” ва унда илгари сурилган ғоялар.
10. Мирзо Улуғбек ва унинг илмий мероси.
11. Алишер Навоийнинг билиш ҳақидаги қарашлари.
12. Захриддин Бобирнинг “Бобурнома” асари мазмун моҳияти.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Истиқлол ва Маънавият» Т., «Ўзбекистон» - 1995.
2. Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ.Т., “Ўзбекистон”.1998.
3. Каримов И.А. “Юксак маънавият - енгилмас куч”Т., “Маънавият”- 2008.
4. Азимов К. «Ислом ва ҳозирги замон» Т., 1991.
5. Иброҳим Ҳаққўл. «Тасаввуф ва шарият» Т., 1991.
6. Искандаров Б. «Тасаввуф фалсафаси» Т., 1995.
7. Жумабоев Й. «Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан» Т., 1997.
8. Орипов М.К. «Поклик ва комиллик рамзи» Ёш куч. Т., 1994. №1
9. Насафий Хўжа Ахмад Яссавий. Т, 1993.
- 10.Нажмиддин Комилов. Нажмиддин Кубро. Т., 1995.
- 11.Фалсафа. Ўқув қўлланма. Т.1999.

- 12.Фалсафа қомусий луғати.Шарқ нашр.2004.
- 13.Фалсафа асослари. Т., Ўзб.нашр.2005.
- 14.С.Отамуратов. “Миллий ривожланиш фалсафаси” Т., “Академия”.2005.
15. “Авесто” Т. “Шарқ” нашриёти, 2001.
- 16.Иброҳим Каримов. “Фалсафа фани тарихи ва назарияси” Т.,ТДПУ .2007
- 17.Иброҳим Каримов. “Маънавият,фалсафа ва ҳаёт” Т., “Фан” 2007.
- 18.И.Сайфназаров, Б.Қосимов, А.Мухтаров.Философия (курс лексий)Т.,2002.
- 19.Фалсафадан қисқача изоҳли луғат.Т, “Шарқ нашр.” 2004.
20. Абдурахим Эркаев. “Маънавият ва тараққиёт”. 2009.
- 21.Бобоев Ҳ., Норматов К. Миллий давлатчилик ҳақида. Т., 1999.
- 22.Бобомуродов А. Ислом одоби ва маданияти. Т., 1995.
- 23.Ботирхон Ақром. Фасоҳат мулкининг соҳибқирони. Т., 1991.
24. Валихўжаев Б. Хожа Ахрор тарихи. Т., 1994.
- 25.Васильев Л.С. История религий Востока. М., 1998.
- 26.Васлий Самарқандий. Имом Аъзам тарихи. Т., 1995.
- 27.Васютинский Н. Золотая пропорция. М. 1990
- 28.Ватан ва миллат муқаддасдир. Т., 1996.
- 29.Ватан саодати. Т., 1998.
30. Уватов У. Имом Мотуридий. Т., 1999.
- 31.Ульрих Рудольф. Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде.
Алматы.-Фонд “XXI век“-1999
- 32.Усманов М. Яхши фазилят инсонга зийнат. Т., 1992.
- 33.Фитрат.Танланган асарлар. 3 жилдлик.Т., 2000-2003.
- 34 Шайхова Х., Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. Т., 1992.
- 35.Ҳасанов А.А. Макка ва Мадина тарихи. Т., 1992.
- 36.Ҳусниддинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. Т., 2000.

